




"УЗБЕКИСТОН"

С-54

Т. СОЙИБОВ



**КОМПОЗИЦИЯ**

725  
c-54

ТҮХТАБЕК СОИБОВ


# КОМПОЗИЦИЯ

(Меъморчилик ва тасвирий санъат)

УҚИШ КИТОВИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
олий уқув юрглари талабалари учун қўлланма сифатида  
тавсия этган

ТОШКЕНТ  
ЎЗБЕКИСТОН



**Тақризчилар: Узбекистон халқ рассоми, профессор М. НАБИЕВ,  
меъморчилик фанлари доктори, профессор Д. НОЯИЛОВ**

**Муҳаррир: З. КАРИМОВА**

Ушбу қўлланма театр-рассомчилик, меъморчилик-қурилиш олий ва ўрта махсус үқув юртлари тарабаларига, шунингдек композиция муаммосига қизинқан барча санъат ихлосмандарига мулжаллаинган. Унда үқувчилар тасвирий санъат турлари, композиция сирлари билан танишишлари мумкин.

Қулланмада композиция сирларини меъморчиликда қўллаш, ансамбл ташкил қилиш, композициялар ечими муаммолари ҳақида фикр юритилади.

**Тухтабек Зайнутдинович Соибов**

## **КОМПОЗИЦИЯ**

**На узбекском языке**

Издательство «Узбекистон» — 1999, 700129, Тошкент, Навои, 30

Таҳририят мудири *М. Саъдуллаев*  
Кичик муҳаррир *Ш. Собназарова*  
Бадий муҳаррир *Х. Мәҳмонов*  
Техник муҳаррир *М. Хўжамқулова*  
Мусаҳид *Ш. Оринова*

Теришга берилди 29.06.96. Босишига руҳсат этилди 11.02.99. Формати 60×90<sup>1/16</sup>.  
«Литература» гарнитурада оғсет босма усулида босилди.

Шартли бос.т. 8,0+2,06 вкл. Нашр т. 6,68+2,35 вкл. Нусхаси 1000.  
Буюртма № Д-732. Баҳоси шартнома асосида.

«Узбекистон» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кучаси, 30, Нашр № 87-95.

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ижарадаги Тошкент матбаа  
комбинатида босилди. 700129, Тошкент, Навоий кучаси, 30.

ISBN 5-640-01804-6

C 4408000000—36  
M 351(04)96 99

© «УЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1999 й.

## КИРИШ

Инсоният жадал тараққиёт йулига юз бурганидан бүён бадиий тафаккурга күпроқ эхтиёж сеза бошлади. Бу жараён шунга олиб келдики, бугун санъат инсон ижтимоий ҳәётининг ажралмас бир қисмига айланди. Чунки санъат ҳәётни чукур ўрганишда, уни гўзаллик меъзонлари нуқтаи назаридан идрок этишда ҳамда нафосат оламининг илғаб олиш мураккаб бўлган нозик сир-асрорларини англаш ва ҳис этишда яқин кўмакдошдир. Санъат инсонларнинг образли тасаввuri, тафаккур дунёсининг манбай бўлиб хизмат қиласди. Айни пайтда у ҳәётнинг бадиий тасвири, акс садосидир. Ўзбек миллий санъати бой тарихга, ўзининг кўплаб турлари, ажойиб турфа намуналарига эга. Ана шу қадим ўтмишдан ривожланиб, такомиллашиб келаётган барҳаёт қадриятларимиз ҳозирги турмушимизни янада гўзal, мазмунли қилишда катта аҳамият касб этмоқда.

Замонавий ўзбек тасвирий санъати тараққиёти, хусусан меъморчилик, уй-жой қурилиши соҳаларида қўлланаётган ўз миллий услугбимизнинг, анъаналаримизнинг европа, гарб санъати услублари билан қушилиб, қоришиб, баъзан чалкашиб кетаётгандиги ҳеч кимга сир эмас. Ёшлар ижодида ҳам күпроқ европача услугуб етакчилик қилаётгани сезилиб турибди. Бунинг сабаби, миллий санъатимиз қадриятларини ҳанузгача мустақил равишда етарли тиклай олмаганимизда бўлса керак.

Агар ижодкор фикри миллий негиздан баҳраманд бўлмаса, у ҳеч қачон тўлақонли, умумбашарий асар яратса олмайди. Биз бунинг сабабини ҳозирча унчалик чукур англаб етмаган бўлишимиз мумкин. Лекин бу ҳакда узоқ йиллардан бери гапириб келмоқдамиз, аммо уни бартараф қилиш режасини тузиш учун ҳеч ким жон куйдириб кўрганича йўқ. Сабаби, илгари миллатчиликда айбланиб қоламиз, деб қўрқар эдик. Энди юртимиз мустақилликка эришгач, миллий негизни тикламай, унинг ечимларини ҳимоя қилмай, ривожи учун шароит яратмай туриб, куруқ гап билан анъанавий миллий санъатни равон йўлга солиб бўлармикан, деб фикр-мулоҳаза юритмогимиз керак.

Санъатшунос олимлар бу муаммони ҳал этишлари учун ҳали анча ишлашлари керак. Аммо, санъат ичидағи санъат ҳисобланган кенг қамровли «композиция» тушунчаси, унинг тамойиллари бир-икки одамнинг кўрсатмаси, қарорлар билан ҳал бўла қолмайди. У кўп муҳим аниқликлар талаб қиласди. Масалани ҳал этишда, ижодкор мусаввири, ҳайкалтарош-архитекторими, бундан қатъий назар масаланинг бир томонини ёддан чиқармаслиги керак. У ҳам бўлса композиция унсурлари-

да ижтимоий муаммолар ва замонавий маданият кўлами даражасини янада кенгроқ акс эттиришдир. Шуни назарда тутиб иш кўрадиган бўлсак, бугунги кунда яратилган композициялар замонамизнинг анчайин мураккаб чизгилари билан безалиши лозим. Бугун ҳаётга қадам қўяётган мусавирлар, санъатшунослар ҳам янги доруломон замон руҳида, савиясида таълим олишлари керак. Тубдан ўзгартирилиши зарур бўлган таълим-тарбия тизимлари, хусусан талабаларга билим бериш погоналари ҳам янги давр талаби билан бизга маҳтал бўлиб турганлигини бугун янада теранроқ фаҳмлашимиз лозим. Одатга кириб қолган, хоналардагина ҳал қилинадиган, сийка услубда яратиладиган «асар» ларга чек қўйиб, амалий машгулотларни катта сабок берадиган тажрибаларга боғлаб, янгила назарлар билан бойитиб, дадил, илмий услубий йўллар орқали бошқариладиган давр келди.

Композиция яратиш тажрибасидан келиб чиқкан ҳолда, ундаги ижодий иш усулини ўрганиши унга маълум даражада одил баҳо беришнинг бир йули ҳисобланади. Давр талаби ва устодлар иш тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар қандай услубий кўлланмани илмий жиҳатдан муҳокама этиш унинг аниқлиги, тўлиқлиги ва самараси фақатгина чуқур ижодий тажрибалардан ва аниқ ғоявий йўналишлардан қидирилгандагина муайян методик тушунчани, маълум фалсафани тўлиқ ифода этиши мумкинлигини назарда тутиш керак.

Композиция ҳакидаги қўлланмани ҳис этиш, тушуниш, ўрганишнинг яна бир муҳим томони шундаки, у талабалар илмий савиясини кўтаради, тимсоллар англатган маънони тезда англаш олишлари, фикр юритиши иқтидорларини оширади. Натижада уларнинг фаолиятлари сермаҳсул бўлади ва қобилиятлари янада такомиллашади.

Санъат соҳасида, айниқса тасвирий санъатда композиция ва унинг услубияти нисбатан кам ўрганилган. Композиция мақсадлар ранг-баранглигини, кўпқирралигини, шахсий ҳистойгуларнинг түгенини англатгани учун ҳам ягона йўриққа бўйсунмайди ва шу томони билан бошқа фанлар услубиятидан мутлоқ фарқ қиласди. Композиция яратиш жараёнидаги шахсий иш усули, киши ички дунёси билан боғлиқ бўлиб, мусавирнинг ҳиссияти, тафаккури оламига кириши дастлаб бир қадар қийин тўлса-да, бу борадаги тажрибага суюнган ҳолда композиция сирларини очиш имконини берадиган муаммоларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқиши, тасвирланган ҳар қандай мураккаб муносабатларга акл кўзи билан қараб ёндошиш, таассуротларни ва суратда акс этган тимсолларга боғлик фикрни мустаҳкамлаб, уларни тартибга солишига, сирли кирраларини очишга ёрдам беради.

Мураккаб таркибли композицияларни пухта ўрганиш, ҳар томонлама таҳлил этиш, санъатни ўрганувчи талабаларни унинг сирларидан янада чуқурроқ огоҳ этади. Натижада талабаларга ижодий фикр юритиши имкони пайдо бўлади,

туғилған фикрларни қоғозга тушириш иштиёқи туғилиши ҳам мүмкін.

Күлланма факат услубнигина әмас, балки композиция миқёси, шакли, ижод намунасининг бадий даражасини баҳолашни ургатади. Шунингдек күлланмада композиция услугб имкониятларининг янги баъзи қирраларини бир қадар очишга ҳаракат қилинади.

Тасвирий санъат асарани оддий куз билан томоша қилиш кишига эстетик завқ багищлайди. Унинг маъно кўламини чуқурроқ англаш учун эса илмий методик жиҳатдан композиция жараёни таркибидаги умумий маъно ифодасини тасвирий ва таркибий, фалсафий қирраларини куриш ва ҳис этабилиш керак. Узок йиллик иш тажрибалари шуни курсатдики, композиция яратишдаги бадий шакл умумлашмалари шаклан янгича унсурлардан фойдаланиш, тасвирий ва фалсафий йўналишнинг шаклу-шамойилини келтириб чиқаради. Бундай ижодий услугб ёрдамида кашф этилган илмий кузатишлар талабалар ва ўқитувчилар — ижодкорлар учун жуда зарур. Унинг натижасида талабаларнинг эркин фикрлаши, ўзаро мунозаралари орқали тасвирий санъат асарининг қиммати аниқланади, ижод жараёни идрок этилади, санъат асарини таҳлил этиш қобилияти ошади. Фикрлаш доирасининг бу қадар кенгайиши эса гоҳо ҳар қандай мутолаадан устунроқ туриши мумкин. Шу сабабдан талаба ўз фикрини мустақил баён қилишга ўрганиши жараёнида ушбу методик тавсия яхши ёрдам беради, деган умиддамиз.

Аниқ услубий тавсиялар ёрдамида машғулот олиб борувчи ўқитувчи, муайян бир шаклдаги услугба, уни талқин этувчи фикрга боғланиб қолмай, талабаларга хилма-хил ижодий изланиш йўлларини ўргатар экан, айни чогда ўзи ҳам уларнинг эркин фикрлашидан вужудга келувчи янги имкониятларни ўрганиб боради. Маълумки, санъат асарларини баҳолаш ҳам ўзига хос ижодий ёндошувни талаб этади. Бунга талабалар биринчи курсданоқ ўргана боришлари керак. Ўқитувчи уларда кўпроқ мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириши лозим.

Композициянинг назарий методикаси муаммоси тасвирий санъат соҳасида ўзбек тилида биринчи бор ёритилаётгани сабабли қўлланмада айрим нуқсон ва камчиликлар булиши табиийдир. Шунга қарамай, тасвирий санъат асарлари композицияси соҳасидаги мазкур қўлланма композицияни ўрганиш ва унга илмий методик жиҳатдан ёндашиш йўлларини бир қадар очиб беради ва ёш ижодкорларнинг ижодий изланишларида ёрдами тегади, деган умиддамиз.

Ҳар қандай фан илмий изланишлар натижасида мавхум мавзуулар мажмуасини у ёки бу даражада билиб олишимизга ёрдам беради. Шунга кура, бу ишда айрим илмий манбаларга мурожаат этдик. Чунки, композиция барча тасвирий санъат

асарларининг шаклланишида асосий воситадир. Буни ҳеч қандай ижодкор инкор эта олмайди.

Хатто қулингиздаги китоб ҳошиясидан тортиб йирик меъморчилик обидаларигача, ҳайкаллардан то йирик санъат полотноларигача булган бадий ижод намуналарининг асосий таркибий ўзаги композициядир. Шу сабабдан унинг моҳиятига ҳар жиҳатдан, чуқур ёндошиш керак. Бу ёндошиш рассом иш қобилияти, дунёқараши, фикр доираси, салоҳиятидан тортиб то ўзидан олдин ўтган устозлар меросини ўрганишгача булган кўплаб муаммоларга ойдинликлар киритади.

Композиция ижодкорнинг шахсий услуби билан боғлик маълумотлар, шунингдек, мусаввир шахси тўғрисида ҳам аник фикр ва далиллар, қимматли маълумотлар айтишга имкон беради. Композиция тузилишига кура объектив қонунларга асослангандир. Шунга қарамай айрим рассомлар композиция фанининг илмий-методик назарияси бўлиши шарт эмас, дейишади. Бироқ уларнинг ўzlари айнан ана шу объектив қоидага амал қилиб иш бошлайдилар. Мусаввир шогирдига расм ишлашни ўргатар экан биринчи бор беихтиёр композицияни қандай яратиш тўғрисида, унинг қоидалари ҳақида гапириб бериши табий. Баъзи бир тасвирий санъат асарларининг бадий ифодаси кўпинча фақат композициясининг пухта топилганлиги туфайли ҳам бизни ўзига ром қилади. Композицияни таърифлашда яна бир ажойиб ибора бор, бу ҳам бўлса, умумийлик, яхлитлик, асосни танлаб олиш, марказни аниqlашдир. Шунинг ўзи ҳам композиция азал-азалдан санъат асарининг асосий сири эканлигини кўрсатади ва унинг қоидалари ҳар доим қулланаётганлигини тасдиқлади.

Композиция ўз ичига тасвирий санъат асарининг мазмуни, ижодий жараён маشاқатларини қамраб олади, талқинда бадий образни юзага чиқарди ва уни бошқа воситалар қаторида томошабинга яққол кўрсатиб беради. Бу образ орқали асарнинг яхлит кўринишига объектив қонунлар асосида эстетик ва бадий жиҳатдан баҳо беради. Шунинг учун ҳам бу жараён, яъни композиция тузилиши янги шакллар мажмуаси бўлиб, бизга кўплаб тафаккур қирраларини ҳавола этган ҳолда намоён бўлаверади. Ижодкор мусаввир услуби, унинг ички дунёси, шахсий кечинмалари, эстетик талаб, бадий ифода, миллий анъаналар замирида композиция орқали ўз талқинини топади ҳамда фикрларининг исботи ўлароқ намоён бўлади ва томошабин баҳоси билан якунланади.

Рассомларнинг ички дунёсини ахтариш керакми? Мусаввир асар яратадиганда масалани бу тарзда қўйилишини хаёлига ҳам келтирмаслиги мумкин. Лекин ижодкорнинг намуналарида ўз инъикосини топган унинг фикрлари дунёсига талабаларни олиб кириш фойдадан ҳоли эмас. Бунга эса одатда асар мазмунини таҳлил қилиш орқали эришилади.

Юкоридаги бу саволга ҳар бир кишининг шахсий фикри, ижодий имконияти, бадий савиясидан келиб чиққан ҳолда

янада аникроқ жавоб бериш мумкин. Чунки инсон ўзи билмаган, ечолмаган масалаларининг ечимини ўзгалар фикридан топса, бунинг ҳеч ажабланарли жоий йўқ. Ахир Алишер Навоий таълим, билим хунар эгаллаш борасида:

«Билмагани сўраб ўрганган олим,  
Орланиб сурмаган ўзига золим»

деб бежиз айтмаган.

Тасвирий санъатдан машгулот ўтишда, талабаларга фақат белгиланган дастур орқали билим бериш билан чекланиш бугунги кун талаби меъзонларига асло тўғри келмайди. Анчайин чекланган соатлар ва уларга мўлжалланган дастурдан ташқари, чукур маълумот бериш, талабалар фикр-доираларини кенгайтириш, уларни асарга ижодий ёндошишга, мустақил фикрлашга ўргатиш дарсни илмий-ижодий, методик асосда намунали ташкил қилиш муаллимларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Шуни айтиш керакки, устоз томонидан композиция муаммоси уртага ташланиши билан талабаларда изланиш, фикрлаш жараёни бошланади. Бу жараёнга ўқитувчи ўзининг тажрибаси, билими, иқтидори, ижодий имкониятлари орқали йўналиш бериши зарур. Шундай пайтда синалган — амалий йўл-йўриклар, фикр мулоҳазалар кўл келади. Композиция намуналарини кўрсатиб, уларнинг фалсафий талқини ва марказий воқеаларининг боғланиш йўлларини атрофлича тушунтириш ҳам методика тақозосидир. Умуман, тасвирий санъат асари композициясини ўқитиш ишини методик қўлланмасиз амалга ошириш мушкул. Ҳар бир машгулотга ижодий ёндошишни талаб этадиган бу фандан дарс беришнинг энг мақбул тажрибалари ана шу услубий қўлланмада бирлашиши керак. Бундай методика талабаларнинг дарсдан ташқари машгулотларда ҳам қўлланмага таянган ҳолда мустақил ижодий изланишлари, ишлашлари имконини яратади.

Биз, ўтмиш санъатимизни қанчалик пухта билсәк, бугунги санъатимиз қимматини, нафосатини, эстетик завқини шу қадар теранроқ англаб етамиз. Мазкур китоб тасвирий санъат ҳамда меъморчилик тараққиётига қизиқувчилар билан бир қаторда кенг китобхонлар оммасига ҳам мўлжалланган.

## КОМПОЗИЦИЯ НИМА?

Санъат асарларидағи, жумладан, суратлардаги турли жонли ва жонсиз предметлар, табиат манзаралари шунчаки тасвир этилмасдан улар бир-бирлари билан ботиний алоқада бўлиб, бу муносабат айни пайтда ифода этилаётган мазмунни ёрқинлаштиради. Асарда композиция шу тарзда яратилади ва намоён булади.

Композиция мусаввир имкониятлари ва уни ҳаяжонлантирган мавзу асосида яратилади ҳамда унда акс этган санъат оламининг турланиб куринишида, жилоланишида асосий роль ўйновчи омиллардан бири ҳисобланади. Композицияга асос қилиб олинадиган мавзу кўлами авваламбор мусаввир, ижодкор шахснинг билими, ўз юрти, халқининг турмуш тарзини қанчалик чўқур идрок эта билишига боғлик бўлиб ижодий маҳорат билан танланади ва акс эттирилади. Мавзуни ифодали талқин қилиш ва уни шакллантиришдаги имконият чегараларини олдиндан аниқ белгилаш композиция ижодкори олдида турган энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Санъатшуносликда тасвирий санъат асарлари композициясининг қандай тарзда талқин этилганига алоҳида эътибор билан қараб, баҳо берилади. Айниқса, табиат манзаралари, йирик, воқеабанд мавзули полотнолар ва маҳобатли деворий асарларнинг композициялари, амалий санъатдаги халқ ҳунарманд усталарининг маҳорати ва унга оид муаммолар маҳсус урганилади.

Ўзбек санъатида, сунгги йиллар ичida, маҳобатли деворий расмларни, амалий санъатни ҳаётга қайтариш борасида жуда кўп ибратли ишлар қилинди. Бироқ ўзбек миллий санъати композициясининг бир қатор муҳим назарий ва амалий масалалари ҳануз тўғри ва аниқ ҳал этилгани йўқ.

Масалан, композициянинг санъат асари таркибида тутган муҳим ўрни, унда миллийликнинг акс этиши, композиция яратиш усусларидағи ўзига хослик (унинг турлари, воқеликни миллий оҳангларда акс эттириш) каби умумий мавзуларда ҳали ҳануз бир фикрга келинмади.


Бадиий тасвир — инсон тафаккури яратган маънавий бойликларни, мумтоз фикрларни асрлардан-асрларга, авлодлардан-авлодларга бекаму куст етказувчи, нафосат оламининг сехрли кудратини намоён этувчи ноёб воситадир. Шу боис у яратувчилик бобидаги буюк кашифётлардан бири ҳисобланади.

Жаҳон тарихидан маълумки, юксак маънавият, бой маданиятга эга ҳар бир халқнинг ўз тасвирий санъати бўлган. Ҳар бир

халқнинг она тили, адабиёти каби тасвирий санъати ҳам мураккаб жараённи босиб ўтади. Бу санъат асарларида аввало, миллий урф-одатлар, ўзига хос қиёфалар, ҳаракатлар ўз ифодасини топади. Шунинг учун уни тушуниш ҳам унчалик осон эмас. У томошабиндан алоҳида тайёргарликни талаб этади. Муайян асар, аввало шу миллат доирасида кўриб чиқишини тақозо этади. Киши диққатини ўзига тортиш қудратига эга бўлган санъат асарлари халқнинг юксак салоҳияти ва тафаккуридан дарак беради.

Хар қандай санъат асарининг мухим таркиби унсури ҳисобланувчи — «композиция» ҳақида гап кетганда, аввало уни шакллантириш воситаси устида тўхталиш зарур. Зеро, ҳар бир композиция замирида кенг ва теран хусусиятлар туқнашуви, ҳис-туйгулар ўз аксини топади. Шу боис, халқ усталари, етук мусаввирлар томонидан яратилган санъат асарлари композициясини бир бутун, ўзига хос, юқори савиядаги бадиий ифода десак муболага қиласмаган бўламиз.

Хўш, композиция дегани ўзи нима? Композиция сўзининг лугавий маъноси — тасвир ифодасини тузмоқ, шакл яратмоқ, тасвирланган шаклларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштироқ — умумийликка олиб келмоқ, уларга бадиий мазмун ифодасини юкламоқдир.



I- расм. Композициянинг оддий унсурлари

Маълумки, композиция яратиш борасида ҳар бир ижодкорнинг ўз услуги, йўли бўлади. Шу сабабдан композиция яратётган рассом унга қобилияти даражасида ёндашади. Буни амалий санъатда, манзарали ранг-тасвирда, маҳбобатли деворий расмларда, ҳатто китобий безакларда ҳам кўриши мумкин. Композиция одатда образлар воситасида яхлит маъно берувчи тасвирларнинг асоси сифатида намоён бўлади. У тасвирдаги асосий мазмунни юзага чиқарувчи «калит» ҳисобланади ва асарнинг қимматини белгиловчи сифатларни ўзида мужассам этади. Композиция ҳар қандай тасвир ифодасини кучайтирувчи, кишини ўйлашга, беихтиёр фикр-мулоҳаза юритишига ундовчи таъсири кучга эга. Чукур бадиий ифодага эга мукаммал композиция яратса олиш ҳар бир санъаткор ижодида нақадар катта аҳамиятга экга эканлигини жаҳон рассомлари қадим-қадимдан зътироф этиб келганлар. Унинг кўпдан-кўп зарур қонун-қоидаларини қайта-қайта янгилаб, мукаммаллаштириб, тўлдириб келганлар. Композицияга нисбатан айрим етук рассомлар томонидан қўйилган талаблар қуйидагича таърифланади:

«Асар содда, равон бўлмоғи керак. Ахир, композиция энг асосий ечимни, ўзига хос жиҳатларни танлаб олишдан иборат эмасми»... Ёки «Композиция кўп қонун-қоидалардан иборат бўлишига қарамай, менимча унинг муҳим томони шундаки, санъат асари турмушдаги тасодифий воқеаларга қараганда, ҳаётни чукурроқ, мазмунан ишонарлирок қилиб акс эттиради» (А. Дейнека. Из моей рабочей практики. Москва, Издательство Академии художеств СССР, 1961, 19-б.)

«Композициянинг маҳорати яхлитлик йулида хусусийликни қурбон беришдадир, лекин бу қурбон бериш зарур унсурни бутунлай йўқ қилиш деган сўз эмас, чунки уларсиз катта шаклнинг мавжудлиги ҳосил бўлмайди» (С. Павловский. Москва, «СНЕЖ» ижодий уйидаги с. п. лекциясидан ёзиб олинган.)

Ҳар бир санъаткор ҳаётда ва ижодда катта синовдан ўта олсагина томошабин томонидан тан олинади. Шу синовларга бардош берган асарларгина келажак авлодларга мерос қолади. Бадиий талқин «композиция» ўзбек санъатининг ҳам сирли қалити ҳисобланади. Кўплаб юксак маҳоратли ижодкорлар томонидан асрлар давомида яратилган маданий «неъматлар» санъатимиз тарихини қамраб бойитиб келмоқда.

Улардан кўп услубларни меърос қилиб олиш ҳозирги куннинг муҳим вазифалари қаторига киради. У ёки бу асар композициясининг шартли маъносини англаш, унда нима ифодаланаётгани ва бу билан қандай фикр айтилмоқчи эканлигини аниқлаш учун келтирилган образлар моҳиятини тўғри тушунмоқ керак. Ҳалқ тасвирий санъати ижодий услубларида, жумладан, қадимий мўъжаз суратларда услуб хусусияти жиҳатидан мазмунга мос келадиган турли ранг,

буом ва ашёлар (меъморчилик безаклари, турли нақшлар, қадимий кийим-кечаклар ва ҳ. к.) тасвиридан усталик билан фойдаланилган. Шундай тасвирий воситалар асосида қурилган композицияда — кўпдан-кўп безаклардан тимсол сифатида фойдаланилади, улар орқали муайян сифат, кайфият (хоҳижобий, хоҳ салбий) англашилади. Кўпгина тасвиirlарнинг бевосита ва мажозий маъноларини аниқлаш билан, сурат хақида шакл-шубҳага ўрин қолдирмайдиган қатъий хулосалар чиқарилади. Шундай ҳолларда санъатшунос бадий-илмий фараз қилишга мажбур бўлади. Модомики, шундай экан, уларнинг композицион ифодасини топишда, тугри ва мажозий маъноларни изоҳлашда тадқиқотчи бирмунча камчиликлар, ноаниқликлар ва чалкашликларга йўл қўйиши табиий ҳол.

«Қаттиқ қонун салтанатини яратмоқ»— кўп тадқиқотчи учун азалий орзу эканлиги сир эмас. Бу соҳада жон куйдириб ижод қилувчи: шоир, мусиқачи, меъмор, рассомларнинг ниятлари ўзларидан кейин ишонарли композицион таянч нуқтасини келгуси авлодга меърос қилиб қолдиришdir.

Маълумки, олдиндан режалаштирилган ҳар қандай пухта йўл-йўрик, санъатда қўлланиладиган услуг ҳам, ёш рассомларни санъат «тожкурсисига» осонлик билан чиқариб қўймайди. Фақат шахсий қобилият, тинимсиз меҳнат, ўз ижодий услубининг мустаҳам пойdevори унга, «тожкурси» була олиши мумкин. Рассом ижоди ва композиция ечимини яратишнинг услуг ҳамда мавзулари хилма-хил бўлганидек, уни томошабин томонидан қабул қилиниши, мантиқан тўғри ёндошилиши ҳам турличадир. Гарчи кишиларни кўриш, сезиш, фикр юритиши қобилиялари ҳар турли экан, уларни бир қолипга ёки бир тушунчага кўнишишга ундан бўлмайди, аксинча, оламнинг гўзаллиги ҳар кимга турли кўринишларда намоён бўлишини таъкидлаш ўринли. Шунга кўра санъат асарини кўриш, идрок қилиш ҳам, ундаги рассом фикри ҳам турличадир.

Рассом ички кечинмаларининг ифодаси булган образли тасвир томошабин учун доим тушунарли булавермайди. Негаки, рассом унга ижод натижасини тайёр ҳолатда кўрсатади. Ана шу асарни композиция ечими услуга усули, ранглар мажмуи, мавзу воқелиги, рассомнинг дастхати, фикр чизиги орқали бунёд бўлган образ баъзан томошабинлар тортишувла-рига сабаб булади. Бундай вазиятда икки муаммога эътиборни қаратмоқ керак.

Биринчидан, тасвир ҳақиқий аслига жуда аниқ ўхшашлиги ёки тасвирий шакл бадий баркамол кўринишда намоён бўлиши мумкин.

Кишиларнинг қиёфалари табиатан бир хил бўлмаганидек, рассомларнинг бадий талқини ҳам хилма-хилдир. Бир ижодкор томонидан яратилган шакл-шамойил бошқаси учун янги очилган «кашфиёт» бўлиши ҳам мумкин. Шунга кўра битта рассом томонидан «кашф» этилган ижод намунаси бир

неча минг томошабин учун «севимли» асар ҳисобланиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Иккинчидан, рассом билан томошабин ўртасидаги фарқ масаласи мухим. Рассом ҳам томошабин каби, томошабин эса рассом каби ички кечинмаларга бой, у ҳам уз навбатида макон ва нарсаларга бефарқ қарамаслиги табиий ҳол. Шундай экан, томошабин айрим вазиятларда рассомга нисбатан қобилиятлироқ, фикран онгли булиши мумкин. Юқорида келтириб ўтилган мулоҳазалардан келиб чиқсан, шундай савол туғилади: **Санъатнинг бадиий юксаклиги нимада?**

Санъат — рассом қалбидаги сирли сиймоларнинг мукаммал тасвири орқали шаклланиб томошабинга бадиий жиҳатлари билан тўла намоён бўлишидир. Рассомлар ҳамма ижод кишилари каби, ўз ҳис-туйгуларини, ички кечинмаларини тасвир воситаси ва ранглар жилоси билан томошбинга тақдим этадилар. Гоҳо у ички ҳиссиятларга жуда ўралган ҳолда кўринса, гоҳида шаклланишдаги бадиий муваффакиятлар билан намоён бўлади. Чунки рассом олдиндан режаланган бирон бир қатъий топшириққа асосланиб ижод қилмайди, у қалб садосига кўпроқ итоат қиласди. Кўпинча мусаввирнинг ижодий муваффакияти композиция ечимида ва рангларнинг уйғуналигида яққол кўзга ташланади. Ҳозирги тасвирий санъат, меъморчилик, маҳобатли деворий ранг-тасвиirlар яратиш ва уларни меъморий макон билан ўзаро уйғуналиги масалаларини ҳал этиш янги авлод ёш рассомларининг фикр-уylарини банд қилиши керак бўлган энг мухим вазифалардан биридир.

Содда тил билан айтганда, композицияни яратиш ва уни англаш ижодкор шахс билан боғлиқ масалалар, иш жараёнида яна ҳам ўз қобигини очиб беради деган умид бор. Ижодкор томонидан пухта ечимини топган композиция ўз урнида томошабиндан ҳам шу ечим ифодаси нимада мужассам бўлганлигини чуқур англаб этишни талаб этади. Композиция сўзини ўзбек тилига аниқ ағдариб бўлмаганлиги туфайли унинг луговий ифодасини ёзиш билан чекланилди. Композиция сўзи ҳамма ижодкорлар учун тушунарли эканлиги ҳам назарда тутилди.

## ТАСВИРИЙ САНЬАТ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Урта Осиёда тасвирий санъат қадим-қадим замонлардан тараккӣ этиб келади. Ҳалқимиз маданияти тарихига назар ташлар эканмиз, улкан маданий бойлигимиз бўлган тасвирий санъат намуналари ўтмишимиздаги муҳим воқеалар ҳақида батафсил сўзлашга қодир эканлигини кўрамиз. VI — VIII асрлардаёқ деворларга маҳобатли суратлар чизила бошлангани маълум (Панжакент, Афросиёб, Варахша, ва Болаликтепа обидалари).

Тасвирий санъат соҳиблари эса турли мазмундаги китобларнинг саҳифаларини масжидлар ва меъморлик обидала-рининг пештоқлари, деворларини безашда хандасий ва наботий нақшлардан фойдаланиб маҳоратларини янада оширилар. Улар китобни бадиий безашда, қисман, амалий санъатда музахҳиблар асарларини такомиллаштира бориб, унга қуш ва бошқа жонли ҳайвонлар тасвирини ҳам қушиб чиза бошладилар.

Кейинчалик, рассомлик санъати шу даражага етдики, музахҳиб ва мусаввирлар фусункор бўёқлар билан ҳаққоний услуг яратиб, воқеабанд, кенг миқёсли мазмун берувчи композицияларни муайян даражада ривожлантирилар. Бу асарлар дунёда шуҳрат қозонди. Шуни қайд этиш керакки, «миниатюра» сўзи XIX аср бошларигача «истеъмолда» йўқ эди. Бу сўз китобга чизилган сурат (мўъжаз сурат)ларга нисбатан айтилган.

Мўъжаз сураткашлиқда тасвир этилган буюмлар ва ҳатто ранглар ҳам баъзан шартли бўлган. Мусаввирлардан бу жажжи суратларда табиатнинг бутун икир-чикирларини тўлалигича акс эттириш талаб этилмайди. Мусаввир жоноворлар, ер, тог ва чаманзорларни тасвирлашда композиция талабидан келиб чиқиб, турли-туман бўёқлардан фойдаланади. Бу рангларнинг ҳаммаси тасвирлар тархига монанд ва мутаносиб бўлиб, ўзаро уйғунлиқда бир-бирини тuldиради.

Тарихнависларнинг далолат беришича китобат ва мўъжаз сурат (миниатюра) санъатининг маркази Самарқанд ҳисобланган. Афросиёбдан топилган қадимий тасвирий санъат обидали-ри ҳам буни тасдиқлайди. Самарқанд қоғоз ишлаб чиқариш ривожланган қадимий шаҳар эканлиги ҳам тарихий манба-лардан маълум. «Миниатюра тарихидан лавҳалар» номли рисолада шундай ёзилган: «Тарихий манбалар қоғознинг дастлаб Чин (Хитой) да пайдо бўлганлигини нақл этадилар. Аммо араб олими Ибн ан-Надим узининг «Фехрестул улум» асарида ёзишича араблар 706 йили Самарқандни истило қилганларида, қоғоз ишлаш корхоналарини кўриб ҳайратда

қолганлар. Самарқандга етиб келгунларича араблар бирор жойда ҳам қоғозни кўрмаган эканлар. Абу Райхон Берунийнинг ёзишича, дастлабки «Қуръон» лар яҳудийлар «Товорот»идек мол териларига, кўпроқ оҳу терисига ёзилган экан. Ибн ан-Надим Самарқанд қоғозининг Хонболиг (ҳозирги Пекин) қоғозидан маргуб ва латифроқ бўлганини ёzáди. Самарқандда қоғоз ишлаш исломдан 300 йил олдин мавжуд бўлганини биламиз.

Наққошлика турани ж деб аталадиган нақш тури мавжуд. Бундай нақш композицияси билан китобларнинг биринчи саҳифаси ёки муқоваси безатилган. Купинча икки кичик турани ж уртасида йирикроги чизилиб, ёзув ҳам шу ўртадаги турани жга жойлаштирилган. Йирик туранинг икки томонидағи безаклар турани ж усти (сари турани ж) деб юритилган. Турани ж билан безатилган саҳифанинг тўрт бурчагига шу саҳифадаги туранинг саҳифалардан бир булаги чизилиб, уларни лачак и дейилган. Китобларга чизиладиган туранинг тарҳлари намуналаридан иморатларнинг кошинларига нақш-безак чизишда фойдаланилганлиги маълум.

Шу ўринда китобнинг ички қисмига чизиладиган мўъжаз расмлар композициясига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Жаҳон тасвирий санъати тарихи нуфузида мухим ўрин тутувчи, кўплаб машҳур кутубхоналар хазинасидан муносиб ўрин олган китобларнинг саҳифаларидағи мўъжаз ранг-тасвир асарлари алоҳида, ўзига хос, гўзаллик, нафосатга эгадир.

Мўъжаз ранг-тасвир асарларининг духобасимон товланувчи ранглари тасвиirlар шаклини, тархини ифода этувчи чизиклар муйқалам соҳибининг ўта маҳоратини билдириб туради. Қуюқ ёрқин ранглар тасвирий санъат асарининг жозибасини янада оширади, уни нақшли безакларга ҳамоҳанг бўлишига имкон беради.

Мусаввир ва наққошлар бирор китобни безашда ёнма-ён ўтириб ижод қилганлар. Баъзан мусаввирнинг ўзи бу икки мураккаб санъати мөҳирлик билан уйғунаштириб уddaлаган. Айrim ижодкорлар эса, бу икки ҳунарга қўшимча қилиб ҳаттотлик ҳунарини ҳам боғлаб олиб бора олганлар.

Мусаввирларнинг бундай йул тутишлари, купинча, улар яратган композиция услуби, қўлланган уч йуналиш ўзига хос умумий анъаналарни сақлаб қолишни тақозо қилган. Куриандики, мусаввирнинг зиммасига юклangan талаблар, ундан кўп киррали маҳорат, юксак маданият талаб қилади.

Шарқ мўъжаз тасвирий санъат мактаблари, уларнинг композицион ечимининг бадиий хусусиятлари, турли услубларнинг ўзига хос томонлари ҳакида айтиладиган гаплар, бугун ёш мусаввирлар ва бу соҳадаги мунаққидларимиз учун гоят зарурдир. Лекин мўъжаз суратлар кўп асрлик тарихга эга бўлганлиги сабабли, бундай асарларнинг композицион услубларидаги бадиий тафаккур, фикр талқини ва таҳлили даражаси

турличадир. Масалан, Ўрта Осиё санъати ўз ичига, асосан, Бухоро ва Самарқанд мактабларини қамраб олган. Алишер Навоий даврида буларни умумий номда Мовароуннахр мактаби деб ҳам аташган. Ўша пайтларга тааллуқли Ҳирот мактаби ҳам икки мактаб негизига чамбарчас bogлиқ ҳолда ривожланган. Композиция бичим ва ечимларига келсак, ўша давр тақозоси билан, унинг мавзу доираси ҳам, услуби ҳам, айнан ўз даврининг етакчи мусаввирлари таъсири ва улар туттан йўлга яқин. Ўша давр мусаввирлари бир-бирларига эргашиб ижод қилганлар. Бўлажак рассомларни тайёрлайдиган маҳсус билим юртлари бўлмаган. Ёшлар устоз мусаввирларга шогирдликка тушиш йўли билан санъат даргоҳига кириб борганлар.

Бухоро ва Самарқанд мактаблари услубида купроқ табиат билан унинг энг олий маҳсули бўлган инсон ўртасидаги муштаракликни кузатамиз. Бундай ҳолларда мусаввир яратган асарнинг композицион талқинида кўп қирраликни: табиат, макон ва инсон қиёфаси ўзаро уйгуналашиб кетганини кўрамиз. Айримларида эса макондаги нақш безаклар ва улардаги ранглар уйгунилиги, бўёқларининг ёрқинлиги, китобий ёзувлар билан оҳангдош бўлганлигини кузатиш мумкин.

Миниатюра асари яратишида рассом фақат тасвир доираси билан чегараланиб қолмай, баъзан тасодифан янгича тарзда фикрловчи, ҳунар соҳиби ҳам бўлган. Бу ўринда мусаввир яшаётган мұхитнинг ўзи унга мавзу танлашда устозлик вазифасини утаган десак асло янглишмаймиз.

Композиция ечими жараёни ҳақида гапирганда, бир мавзудаги икки мактаб услубини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ келади. Алишер Навоий яратган «Хамса»нинг «Сади Искандарий» достонига ишланган композиция, «Тожу тахтин гадоликка алмаштирган шоҳ Искандар ҳузурида» номли муъжаз суратнинг биринчиси (890—1485 йил) Ҳирот мактаби услубига мансубдир. Бу композицияда мусаввир Искандарни қаср ичиди, тахтиравонда ўтирган ҳолатини тасвирлаган. Баланд, ҳашаматли сарой. Деворларнинг сатҳи кошинкорлик санъати билан безатилган. Шоҳона қасрнинг атрофлари иморатлар билан ўралган. Ҳовли сатҳига ҳам мармарлар ётқизилган. Унинг ўртасидаги тош ҳовуз зилол сув билан тўла. Композиция марказида тахтда ўтирган шоҳ Искандарга икки инсон суюгини курсатаётган гадо акс эттирилган. Айнан шу мавзуга (960—1553 йил) Бухоро мактаби мусаввирлари ҳам мурожаат этишган.

Асаддаги табиат кўринишининг манзараси атроф макон уйгунилигига алоҳида бир эҳтирос билан тасвирланган. Бухоро мактабига мансуб бу композицияда шундай бир ўзгача латофат борки, гўё унинг ечимини шу нафис гўзаллик белгилаб турибди, дейсиз.

Композиция ечимида шоҳ Искандар тахту равонда ўтирган ҳолда тасвирланган бўлсада, у баланд деворлар билан ўралган сарой ичиди эмас, балки аксинча, атрофи очик, гўзал боғдаги кўшкни-айвонда акс эттирилган.

Ҳирот мактабига оид композиция тасвирининг ечимида, кўпинча сарой ичи ярим доира (халқасимон) кўринишдаги бичимда тасвирланади. Унинг марказида шоҳ Искандар қиёфаси унинг атрофида эса мулоғимлар кўрсатилган. Композиция ечими ҳар жиҳатдан олиб·қараганда пухта эканлиги сезилади, у ҳар тарафлама ўйлаб усталик билан топилган. Иккинчи — Бухоро мактаби услубидаги композиция айтиб ўтганимизга нисбатан бутунлай қарамай-қарши тарзда, яъни сурат сатхига диоганал йўналишда, марказга интигувчи ва марказдан қочувчи кучлар йўналиши шаклида ифода этилган.

Искандар ортида турган икки хизматкорнинг бири қўлида камон, иккинчисининг қўлида эса қилич тасвирланганлиги шоҳнинг шикорга отланмоқчи эканлигидан далолат беради. Қаршисидаги иккита одам суюкларини ушлаб ўтирган «тожу тахтни гадоликка алмаштирган» киши шоҳни ўйлантириб қўйганининг гувоҳи бўламиз.

Ушбу композициянинг муваффақияти шундаки, унда ҳаётнинг ибтидоси ҳам интиҳоси ҳам инсонларнинг бир-бирларига кўрсатган муруватлари ўзаро меҳр-оқибатлари билан белгиланади, деган эзгу гоя билан сугорилганлигидир. Яъни, дунёда ҳамма нарса ўткинчи ва омонатлиги шу асар орқали яна бир бор тасдиқланади.

Бу икки услуб композицияси ечимидағи ҳаракат ва тасвирларнинг ўзига хосликларини таҳлил қилиб кўрайлик. Композиция чизгилари йўналишига ва уларнинг марказга интилма ҳаракатлари нисбатини кўздан кечирайлик. Ўз нисбий фаразимиз бўйича учбурчакни энг кулагай шакл ҳисоблайлик. Улар турли кучга эга эканликларини «Тожу-тахтни гадоликка алмаштирган шоҳ» асари композициясининг ечимида, шартли учбурчакларга тақсимлаганда, улар зиммасига тушган вазифаларда яққол кўриш мумкин.

Сиз бу учбурчакка ўз нуқтаи назарингизни билдириңг. Ва шу учбурчаклар ёрдамида ўз шахсий муқобил ечимингизни баён этиб кўринг.


Мўъжаз расмларнинг Мовароуннахр мактаби (Ўрта Осиё мактаби), Ҳирот мактаби миллат ёки злат, ўлка чегараси билангина характеристикларидан бир онанинг эгизак болалари каби, турли анъаналар меваси бўлгани ҳолда, асосан бир хил муштарак мақсадни адо этган.

Шаклланиши Ўрта Осиёдан бошланган Ҳирот мўъжаз сурат мактабининг Навоий рахнамолик қилган мусаввирларидан бири Пир Саид Аҳмад Табризий эди. Унинг устози эса «Умдат ул-мусаввирин» («Мусаввирлар пешвоси») номи билан машҳур бухоролик устод Жаҳонгир бўлган. У темурийлар давридаги тасвирий санъат асосчиларидан таҳсил олганлиги манбалардан маълум. Ҳирот мактабининг давомчиси ва раҳнамоси буюк мўйлақам соҳиби Камолидикин Беҳзод эди.


Бухоро ва Самарқанд миниатюра мактабларида инсон қиёфаси ва унинг табиатга bogлиqligi талқин этилиб, бу икки

омил бир бутун композицияни англатади. Ҳирот мактабига хос хусусият эса, инсон қиёфасига алоҳида аҳамият бериш, яъни асарларни портрет усулида яратишдан иборатdir.



Беҳзод мўйқаламига мансуб «Султон Ҳусайн» «Муҳаммад Шайбонийхон» ва Маҳмуд Музахҳибининг «Алишер Навоий» номли асарлари шулар жумласидандир. Беҳзод Шероз, Табриз ва Ҳирот мўъжаз тасвирий санъат асарлари мактабларининг энг яхши услуг ва композиция ечимларидан усталик билан фойдаланиб, Ҳирот мактабини юксак бадиий камолот даражасига кутарди, ҳамда рассомликда ўзига хос янги йўналиш яратди. У кишилар қомати ёки айрим буюмларни, тасвирланганда ўзига хос услуг қўллаб, тўртбурчак ичида композицион қўллаш йули билан воқеаликнинг бир қисмини ундан четга чиқариб кўрсатиш орқали расм сатҳи ва ҳошиясини, композиция ечимиға боғлаб юборди. Беҳзод бундай усул билан тўртбурчак ичидаги акс эттирилган тасвирлар ҳаракатини тадрижий тарзда кўрсатиб, расмдаги воқеалар ривожи доирасини янада кенгайтиришга эришди. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сига ишланган «Хева қалъасини қамал қилиниши» тасвирий асари ёки Низомийнинг «Ҳамса»сидаги қурилиш ишларининг боришини акс эттирувчи суратда ҳам композициянинг ечими янгича талқин этилганини яққол кўришимиз мумкин. Беҳзод бундай бадиий изланишлари натижасида яъни композицияга янгича йўналиш бериш орқали ўз давригача бўлган кўплаб асарларга янги бичимдаги либос кийдирди. Бу эса мусаввир дунёқарашидаги, ижодий, бадиий йўналишнинг фалсафий қирралари, композиция ечимларини янгича ифода этувчи мактаб бўлиб қолди.



Б



В



2-расм. А — Шаффофф тарх (Корбьюзе)  
Б — «Тұқма» тарх  
Г — Тескари перспектива (миниатюра)

Композиция ечими үзига хос бир фан. Үнга ҳар бир халқнинг үтмиши, тарихи, маданияти ва урф-одатлари үз тасирини үтказиши табиий. Масалан: ҳинд халқининг хилма-хил мұжаз тасвирий санъати у ерда яшаган бир неча халқлар анъаналарини акс эттириши, турли миллаттарға мансуб урф-одатларни үзіде мужассамлантырганини күриш мумкин. Ҳинд мұжаз ранг-тасвир асарларыда турфа мактабларға мансуб композиция ечимлари акс этиб туради.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Бобур ва Хумоюн асос солған

хинд мұъжаз ранг-тасвир мактабининг мусаввирлари услубла-рида Моворауннахр, Ҳирот, Табриз мактабларига хосликни күрсак, айни пайтда хиндларнинг қадимий Ажанта ва Багҳа ибодатхоналарининг деворий расмларидан ҳам андоза олинган-лигининг гувоҳи бўламиз. Ҳинд мұъжаз ранг-тасвир мактаби услугуга яққол мисол бўладиган белгилардан асосийси бу — композиция талқинидаги инсон гавдаларини ён томондан (профилда) тасвирланганидир. Бу услугуда қадимий Миср, Юнон, Рим санъати таъсири сақланиб қолган бўлса, табиат манзараларини тасвирлашда (айрим асарларда) европа услуби қўлланганини кўриш мумкин. Бир неча мактабларга хос ҳислатларнинг бу ўлка мусаввирлари ижодида қулланиши сабабларидан бири, ҳинд рассомларининг барча ҳалқлар санъати билан яқиндан таниш эканликлари бўлса, иккинчидан, Ҳиндистонга бошқа ҳалқлар ранг-тасвир санъати вакилларининг куплаб келиб ижод қилганликларидадир. Ҳиндистонга келиб ишлаган ижодкорларнинг асарларини ҳинд мусаввирлари ўзига хос равишда ўзлаштириб боришлари натижасида кўплаб ажойиб асарлар яратилган.


Аслида, ўз мукаммал санъатига эга бўлган ҳар қандай ҳалқ ижодкорлари, бошқа манбалардан қанча фойдаланмасин, асарларида ўз ҳалқининг ички дунёсини, қадимий маданияти изларини беихтиёр намоён қиласвериши табиий ҳолдир. Ҳар бир ҳалқ ижодкорининг шаклланишида шу ҳалқнинг миллий маданияти, тарихий анъаналари мухим ўрин тутади. Ўзбек ҳалқининг ҳам мұъжаз ранг-тасвир санъати қадимдан бўлган, бундан буён ҳам равнақ топаверади.

## Композиция мезони

Композиция катта маҳорат меваси бўлиб, бадиий адабиёт, меъморлик, мусиқа, қўйингчи уй-рўзгор ишларимиздан тортиб санъат ва техникагача, яъни ҳар соҳада буй кўрсатиб туради. Уй-рўзгор буюмларини тартибли, шинам жойлаш, унинг яхши куриниши, бир-бирига чирой бериб туриши учун қулай вазиятни ахтариш жараёнида, ўзимиз сезмаган ҳолда композиция қонунига мурожаат қиласиз. Биз таърифламоқчи бўлган композиция тушунчаси бу билан чегараланиб қолмайди, албатта, аммо шу ҳолатдан андоза олиб қаралса фикримиз ойдинлашиши осон кечади. Маълумки, табиат сирлари билан яхшироқ танишиш учун уни жиддийроқ ўрганиш керак. Табиат гаройиботларга тўла. Дикқат билан қаралса ундан куплаб композиция унсурларини топиш мумкин. Ҳар бир ижодкор томонидан яратилган асар гояси, яъни композиция ҳар хил мазмун ва маъно касб этади.

«Композиция» яратиш қонун-қоидаларини ўрганиш билангина ҳар бир ижодкор маҳорат эгаси, уста санъаткор бўлиб

қолаөвермайды. Лекин бу қонун-қоидаларни билиш санъаткорни күр-күрона изланишлардан халос этади, түгри йүлга солади, чинакам санъат асари яратиш йүлида ҳар жиҳатдан яхши ёрдам беради. Композиция ижодкор дунёкараши, сезгиши, идроки, давр талаби туфайли табиат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда вужудга келади. Ҳиссиёттинг тасвирий талқини орқали у бизга таъсир күрсатыб, эътиборимизни ўзига тортади. Композиция назарияси қонун-қоидалари қанчалик пухта ўрганилмасин, агар ижодкор томонидан амалий иш, изланиш олиб борилмаса тўлаёнли сермазмун композиция яратиб бўлмайди. Тасвирий санъат асари композицияси кўпроқ амалиёт билан баҳолангани сабабли, у ўрганувчидан икки «кутб» назария ва амалиётни ўзаро мувофиқ ҳолда боғлаб олиб боришини талаб қиласди. Яъни, ҳар бир ижодкор асл мақсадига ҳар қандай назарияни амалда тадбиркорлик ва маҳорат билан кўллашиб орқали эриша олиши мумкин.



3-расм. А — Сатҳдаги тасвирий ҳажмлар олдиндан орқага йўналаётгандек жойлаштирилган  
Б — Сатҳдаги тасвирий ҳажмлар орқадан олдинга йўналаётгандек жойлаштирилган

Шуни таъкидлаш керакки, тасвирий композиция тузиц, яратиш маҳоратини яхши эгалламаган меъмор ёки рассом ижодий баркамолликка эриша олмайди. Чунки, ҳар қандай бино андозаси ёки кўриниши, шакли, шак-шубҳасиз шу санъаттинг илмий негизига асослангандир. Композиция ижодкор рассом ёки меъморни оламга фалсафий қарашга ундейди, унда атроф-мухитни табиат билан боғланишда кўриш салоҳиятими ўстиради, нафосат ҳиссиётини ривожлантиради. Композицияни тан олмаслик ёки унга юзаки талаб ижодий идрокка салбий таъсир кўрсатади.

Композиция шундай санъатки, унга ҳар бир ижодкор ижод жараёнида мурожаат қилмай иложи йўқ.. Чунки, композиция бадиий тафаккур каби мухим омиллардан биридир. Инсонларга

фалсафий фикрларини тушунтирибгина қолмай, балки ўз шахсий муроҳазаларини ҳам сингдириб, ҳадя эта оладиган ижодкор, уларнинг нафосат сезишлари даражасини ва дунёқа-рашларини ўзгартиришга, кенгайтиришга қодирдир. Рассомларимиз томонидан кашф этилган тасвирий санъат композициялари — асарлар кишиларимиз онгини, зеҳнини, даврга булган муносабатларини тубдан ўзгартиришга кўмаклашадиган воситалардан бири ва энг муҳимиdir.

Ижодкор табиат ва жамият ҳодисаларини ўзича англаб тушунади, буюмларнинг «янги» шаклини, «янги» образини, янги тавсифини яратишда табиатдан, ҳаётдан ўрганиб, ижодий фаолияти билан унга қайта жон бағишлиайди, бу ижод маҳсулотининг «янги» сиймосини яна инсонларнинг ўзига инъом қилади. Бундай ижод эъсонида фақат табиат чиройигина ўз аксини топиб қолмай, балки кишиларнинг орзу-истаклари, жамиятнинг ютуқ ва эртанги орзулари ҳам ифода этилади. Кишилар бир қараашда ҳаётда ўзлаштиrolмаган, уларнинг нигоҳидан четда қолган айрим буюмлар ижодкор яратган тасвирий санъат асарида ўз ўрнини топади, ўзгача сермаъно фикрларни ифодалайди.

Ижодкор, табиат томонидан яратилган нарсаларнинг сирларини ўрганар экан, ўз фикрини тасвирларда ифодалашда, ўзгалар кўрмаган қирраларни ҳамда улар тушуниб етмаган турфа жиҳатларни топиб талқин этишга ҳаракат қилади. Бундай буюмлар одатда асарда композициянинг ягона асоси бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун мусаввир табиий воқеаларни қанча кўп идрок этса улар ҳақида чуқур фикр юритса, яъни табиатдан бадиий озуқа олса, иложи борича ўзига хос услугуб, «янгича» дастхатда ишлашга ҳаракат қилса, одатланса унинг санъат асари шунча таъсирчан, жонли чиқади.

Самимий, қалб садоси сифатида яралган санъат асари ўлмайди, у доимо ўзига томошибинларни чорлаб, кувонтириб яшайверади. Бадиий баркамол санъат асарларининг яшаш даври вақт чегараси билан чекланмайди. Чунки, ундаги «сифат кучи» катта меҳнат ва чинакам ижодий тафаккур эвазига яралганидадир. Мусаввир томонидан ижод қилинган тасвирий санъат асарини ўрганилар экан, у биздан зеҳн, фаҳм-фаросат билан мушоҳада қилишни талаб этади. Ҳақиқий санъат асари шу тарзда тушунилсагина, унга одилона баҳо бериш мумкин.

Асарнинг композицияси таҳлил қилиб ўрганилар экан, у қайси услубда ишланганлигига эътибор берилади. Шу аниқланган услуб моҳияти орқали асар ўзининг ҳақиқий баҳосига эга бўлади ва қадр топади.

Ҳар қандай ижодкорнинг ижод маҳсули аввало шакл куриниши, мавзу, маъноси жиҳатидан баҳоланади. Асар ўта содда ва айрим камчиликлардан ҳоли бўлмаслиги ҳам мумкин. Аммо ўқитувчи томонидан талабаларга композициянинг тузилишидаги нуқсон ва камчиликларни кўрсатиш, атрофлича тушунтириш, ютуқларни ҳам ажратиб кўрсатиш талаб этилади,

сўнгра уларга аниқ тавсиялар бериш керак.

Ўқитувчи талабаларга машҳур рассомлар яратган асарларининг сирларини талқин этишда, композиция моҳиятини, унинг бу тасвирдаги андозаси ҳамда унинг зиммасига юкланган жозиба кучи ҳақида аниқ сўзлаб бериши лозим.

«Композиция» назарияси методик жиҳатдан бир киши томонидан тўқис яратилиши мушкул. Бу мураккаб иш булиб, ҳар хил илмий изланишлар, тажрибалар утказиш асосида ёндошиш мумкин булган масала ҳисобланади. Санъатшунослар, олимлар, муаллиф-мусаввирлар бу мавзу устида тажриба алмашиш ҳамда илмий баҳслар олиб боришли зарур.

Талабалар билан композиция ҳақида сўз, машғулот олиб борганда, маҳорати шаклланган рассомлар ижоди асосида фикр юритиши мақсадга мувофиқдир. Муайян ижодкор асарлари таҳлил этилса талабаларга қулайлик тугилади, улар композициянинг аниқ далил-исботларини, ечимларини осонликча топа оладилар.

Рассом ижодини юқори погонага кўтарадиган бирдан-бир мезон у яратган композициядар. Шундай экан, композиция асарнинг гоявий ифодасига кўп жиҳатдан маъсулдир». Композиция фани ва унинг методикаси ҳозирги «англаш кийин бўлган» (кубизм, абстракционизм) йўналишларга кириб бораётган ёшларни тўғри йўл танлашлари учун ёрдам берувчи восита-лардан биридир.

## Композиция ва санъатдаги оқимлар

Композиция санъати узок даврлар мобайнида турлича идрок этилди ва талқин қилинди. Тасвирий санъатда ҳар хил оқимлар пайдо бўлди. Улар реализм, кубизм, империоционизм, модернизм, суюреализм ва ҳоказолардан иборат. Шулар ичидаги абстракционизм оқими рассомнинг руҳий кечинмалари ифодаси булиб, воқеликни сезги асосида тасвирлашга уринади. Бундай санъатни ҳамма ижтимоий гурухлар бирдай тан олмайди. Чунки қалbdаги тутённи, ҳис-ҳаяжонни аниқ ифода этиб бўлмайди Масалан, Франциянинг моҳир рассоми Пикассо (1946) ўз асари «Буқа» нинг реал тасвирини бир неча бор чизади. Лекин ўз ишидан қониқмайди. У узоқ вақт бу асар устида ўйлайди, уз қалбига, туйғуларига қулоқ солади. Натижада унинг кўзига кейинчалик буқа оддий буқа эмас, бир уюм гўшт булиб туюлади. Абстракция санъати йўсинида у буқани «гўшт уюми» сифатида талқин этади. Шунинг учун ҳам абстракция санъати фақат моҳиятни ифодалайди, дейиш мумкин. Бундай асарни эса ҳамма ҳам тушуниб, қабул қиласкермайди. Футуризм ҳам шу каби оқимлардан бири булиб, формализм (шаклбозлил) йуналишидаги санъатдан келиб чиқкан.

Санъатнинг бу оқимлари «мен» ҳам, «жамият» ҳам табиатда

иккиламчидир, деган гояни илгари суради. Аслида, жамият «Мен» ёки «Биз» лардан иборатдир. «Мен», «Биз ва ҳаммамиз» иборасининг маъноси шахснинг жамият билан биргалигини англатиши ва бундай йўналиш демократик принципларга хос. «Мен» ва «ҳаммамиз» дейиш билан табиат ва жамият, шахс ва жамият бир бутунликка чақирилади. Бундай йўналишдаги санъат асари асосан, сентиментал бўлиб, инсонларни табиат билан ҳамнафасликка даъват этади. Бу каби ақидага асосланган йўналиш ҳозирги кунда муҳокама этилаётган, таъсир доираси аниқланаётган энг долзарб санъат муаммоларидан биридир.

Одатда ижодкорнинг уммондай терай ва чексиз тафаккури, қалб түғёнлари композициялар кўринишида ўзининг гўзал бадиий инъикосини топади. Кенг қалбли юксак тафаккур эгаси бўлган киши ижодда ҳам ўзлигини кўрсатади. Демак, композиция санъаткордан чукур билим билан бирга, моҳирона бир тарзда хаёл қила билиш — тахайюлни (фантазияни) ҳам талаб қиласи. «Чиройлилик ва уйғунлик» — бу умумий андоза бўлиб, чиройлиликни, унсурлар уйғунлигини англамасдан туриб композицияси бетакрор мукаммал кўпчиликка манзур санъат асарини яратиб бўлмайди.

Санъат асарининг асоси бўлган композиция ҳақидаги билимлар амалий иш жараёнида мунтазам ўзлаштирилмас экан, унинг объектив қонунлари билан юзма-юз келинмас экан, машгулотларда яхши натижага эришиб бўлмайди.

Демак, композиция яратилган шаклларнинг ўзаро мувофиқ уюшмасидан ташкил булар экан, бунда эса шакллар ижодкори қандай тафаккур эгаси эканлиги санъатдаги оқимларнинг қай бирига хайриҳо бўлганлиги катта аҳамиятга эга. Композиция бадиий фикр маҳсули бўлганлиги сабабли, у ижодкорнинг малакали ёндашуви натижасида жамиятдаги анъаналар, табиат қонунларига риоя қилинган ҳолда яратилади. Ҳар бир истеъдод ўз онги доирасида асар яратади. У эса ҳолис баҳоланиши лозим. Ҳозиргача оқимларга ҳам турли тамғалар босилиб келинди. Уларнинг баъзилари реакционликда айбланди. Аслида санъат оқимлари турли сиёсат нуқтаи назаридан эмас, балки умумбашарий қадриялар мезони, хурфикрилик асосида баҳоланиши лозим. Талабалар, илгари нобоп оқим деб хисобланган футуризмдан ҳам кимлардир завқ ола билишини бугун етарли даражада тасаввур эта олишлари зарур ва санъат асари яратиш каби мураккаб жараён айрим камчиликлардан ҳоли бўлмаслигини англашлари лозим.

## Абстракционизм

Абстракт сўзи лотинча бўлиб, мавҳум деган тушунчани англатади. Абстрактлаш нарса, воқеа, ҳодисаларнинг мавҳум томонларини аниқлаш, уларнинг жузъий томонлари асосида фикр юритишидир.

Аввало фикр юритилаётган масаланинг амалий жиҳатини кўриб чикиш лозим. Кишиларнинг фикр юритиш қобилиятини ўстиришда, шакллантиришда ҳамда уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришда амалий иш асосий меъзон ҳисобланади. Одамдаги дил ва маънавий савия тараққий этмай туриб, бадий асар, санъат ўз қадрини топмайди. Одамларнинг санъат билан алоқасини аниқлаш ва белгилаш, жумладан, санъатнинг жамият томонидан қабул қилиниш даражасини аниқлаш мусаввирнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Санъат эркинлиги тушунчаси рассом имкониятларининг доираси гоят кенгайланлигини билдиrsa-да, бу имкон жамиятдаги яшаш тарзидан, ҳаётдан ажралган ҳолда бўлмаслиги лозим. Санъатнинг асосий мақсади, аввало, рассом замондошининг, томошабиннинг маънавий оламини бойитиш ҳамда нафосатли дунёқарашини тарбиялашдир. Яратилган санъат асарининг гоявий қиймати, бадиийлиги, ифода воситасининг теранлиги, инсон тарбияси учун аҳамиятлилиги рассом истеъодидини ва унинг «эркинлигини» белгилайдиган мезондир.

Санъат эркинлиги миллий санъат негизини унутмаслик ва уни замон талабига, даврга мослаб янгича шакл-шамойилини яратишидир.

Миллий(колорит) ранг-бүёқлар мажмуаси ҳам, шу миллат яшаётган табиатни, шароитни, иқлимини ҳамда унинг шаклан кўринишини намоён этади. Мусиқашунос тили билан айтганда, дутор-танбур чиқарадиган акс-садони, қанча уринмайлик бошқа мусиқа асбобидан чиқариб бўлмайди, бўлганда ҳам, дутордан чиққан майинлик, ёқимли оҳанг ўрнини бошқа товуш эгаллайди.

Демак, миллий шаклдан узоқлашганда санъат эркинлиги ҳам ўз негизини ўзгартирас, йўқотар экан. Ҳар қандай оқим ўз ўзанидан ажралмасагина ўз номига мувофиқ бўлар экан. Яратадиган асарни айнан, қайси оқимга ургу бериб, шу оқим йўналишида тасвирнинг моҳиятини ифодалаган тақдирдагина, унинг маҳоратини ижод қонунлари асосида муҳокама қилиш мумкин бўлади. Гояни ифодалашнинг усул ва услублари кўп жиҳатдан факат рассомнинг ёлғиз ўзининг дунёқарашига мансубдир. Рассомнинг ифодалаш тарзида шартлилик катта аҳамиятга эга. Аммо, ҳар бир куйнинг нотаси бўлгани каби, шартлиликнинг ҳам ўз тасвир чегараси бузилиб кетмаслиги керак. Тасвирий чегара бузилди деган сўз, рассомнинг онгли равишда иш юритмаганлигидан даракдир.

Факат ички ҳис-туйгу ҳосиласи бўлган тасвирий асарлар ҳаммага ҳам гоявий озиқ, завқ-шавқ беравермайди, албатта. Тасвирланган нарсалар зиммасига ифода, моҳият юклатилган-дагина асар томошабинни фикр юритишга ундейди. Бу ҳолда мусаввир маҳорати гоят муҳим аҳамият касб этади. Расмдаги таъсиричанлик рассом маҳорати, қурдатини белгилайди.

Баъзи асарларда ўткир фикр, ички ҳаяжон фалсафаси

таъсирчан куч сифатида мавжуд булади. Айрим рассомларнинг мавхум фикрлаши, баъзи буюмлар тасвири моҳиятига масъулиятсизлиги, бефарқлиги асарда шундоқ кўриниб туради. Ҳар ҳолда, оддий ва аниқ нарсани кўриб ўзгаришсиз тасвирлаш томошабин учун ажабланарли эмас.

Рассом аниқ ва равшан нарсани, муайян предметни ўз ҳисстайгуси, тасаввур олами орқали қайта жонлантирса, унинг замирида яширган сирларни очиб кўрсатса, асари орқали томошабин билан фикрлашишга имкон яратади. Бундай фикрчан томошабин ўз навбатида тасвир орқали берилаетган ахборотларни тўлалигича қабул қиласди. Агар рассом ўз фикрини аниқ талқин қиласа, асари кенг оммага тез етиб боради. «мавхум» йўл эса ижодкор билан томошабин орасида катта жарлик ҳосил қиласди.

Бироқ шундай гуруҳдаги томошабинлар ҳам борки, улар мавхум тасвирдаги умумий ранглар қоришмасидан ҳам баҳра оладилар. Шу тасвирга ўз нуқтаи назарларидан келиб чиқиб ёндошадилар.

«Эркин йўл» танлаган рассом ифодаси томошабин учун ноаниқ бўлса, бу ҳолда томошабин айборми ёки мусаввир? Бундай тушунмовчиликни қандай қонун билан бартараф этиш мумкин? Ваҳоланки, рассом томошабинга «тасвиримни кўриб бундай тарзда қабул қиласан», деган даъвони қилолмайди. Чунки бадиий асар ҳам фалсафий тафаккур тимсолидир. Ундан ҳар бир киши ўзича — савиаси, диди-фаросати, дунёқарашига яраша турли фикр-мулоҳазалар чиқариши мумкин. Бадиий асарни тушуниш тафаккур сингари гоят кенг тушунчадир.

«Санъат эркинлиги» мусаввирга битмас-туганмас имкониятлар беради, деган гап эмас. Мусаввир табиий шаклни, ноаник шакл билан алмаштиришини, бу билан мавхумликка йўл қўйишини эркинлик деб бўлмайди. «Эркин» оқим намояндалари ҳатто ўз ҳамфикрлари билан ҳам санъатнинг умумий тилида мулоқот олиб боришга тоқат қилмайдилар. Ҳолбуки, тасвирланаётган қиёфадан «эркин» фойдаланиш кўпинча рассомни масъулиятсиз, бекарор қилиб қўйиши ҳам мумкин. Абстракт (мавхум) тасвирий усул табиий қонунларни, ўз майлларига қараб янгилаб туради, чунки уларни чеклайдиган аниқ меъёрнинг ўзи йўқдир.

Аслида абстракт тасвирий усул ҳам ижод доирасида мутлок зарарсизdir. Чунки, ҳар бир усулнинг ҳам камчилиги ёки ютуғи бўлиши мумкин. Шунга асосан, унга, ютуқлари маъносида ёндошсак, бу соҳада ҳам томошабинни ҳаяжонга соладиган, фикрини уйготадиган ўринларни топсак, ажаб эмас. Баъзан ҳаётда абстракт усулнинг заруратини ҳам сезиш мумкин. Жумладан, тўқимачиликда, яъни газламага гул солишда, безашда абстракционизм — «эркин» санъат оқими қул келади. Тасвирий санъатнинг бу тури ҳақида жуда күп фикрлар, мулоҳазалар айтиб келинади. Ҳатто уларнинг қай бири ҳақ, қай

бири ноҳақлигичи әжратиш қийин. Баъзида шундай вазият вужудга келадики, бадиий безак фақат «абстракция» санъати ечимида ўзининг тугал даражасига эришади.

Инсоннинг яратувчилик бобидаги саъй-харакатлари, фантазияси, маҳорати орқали шаклланган жаъмики услублар, ўз ўрнида бетакрор муайян вазифани бажаришга қодирдирлар. Эндиликда биз, ўзимиз ўрганиб қолган кўникмаларимиздан, қолипга тушган тор доирадаги мулоҳазаларимиздан воз кечишимиз керак бўлган давр келди. Бу — фақат тасвирий санъатга тааллуқлигина булиб қолмай, меъморчилик, мусиқа, адабиёт соҳасига ҳам тааллуқлидир.

Бугунги ошкоралик талаб қилаётган, реалистик санъат оқимига муносабатчи? Агар узок ўтмишдаги миллий санъатимиз ҳисобланган мӯъжаз тасвирий санъат — «мусулмон санъати» ва кейинчалик ташкил топган европа, ҳозирги реализм мактаблари ҳақида фикр юритилса, даврлар орасидаги фарқ якъол намоён бўлади. Ҳозирги ёшлар дунёқарашида, тарбиясида, онгida, Европа мактабларига мойиллик кўпроқ сезилади.

Тафаккур оламини бойитиш учун бўлган эҳтиёж буйруқ орқали ҳал қилинмайди. Ёш авлодни дунё тан олган миллий мӯъжаз санъат руҳида тарбиялаш, уларга «мусулмон санъати»ни, яъни миллий тасвирий санъат мактабини ўргатиш ўқитувчиларнинг бурчидир. Хар бир миллат вакили ўз она тили, мусиқаси ва миллий санъатисиз дунёвий санъат даражаси миқёсига чиқа олмайди. Бу жараён ҳал бўлгандагина барча халқлар бир-бирларининг маданияти, санъатидан маънавий ва нафосат завқини олишга мұяссар бўладилар. Санъатнинг миллий турлари қанчалик кўп бўлса, миллатнинг тафаккур доираси шунчалик кенг қамровли бўлади. Масалага фақат шундай ёндошиш орқали тор фикрлаш доирасини, миллий маҳдудлик чегарасини бузиб ташлашга мувваффақ бўлиш мумкин. Санъатнинг ҳозирги босқиҷдаги энг асосий вазифаси санъат ҳақидаги тушунчани «ҳаваскорлик санъати» доирасидан олиб чиқишидир. Бунинг учун санъат музейлари, ўқувчи ёшлар саройлариидаги, ҳамда, мактаблар қошидаги тасвирий санъат тўгараклариидаги устоз мутахассисларнинг олиб бораётган ишлари талаб даражасида бўлиши керак. Санъат ҳақидаги фаннинг — энг муҳим вазифаси, миллий санъат тарихи ва умуман, унинг қонунларини ижодкор ёшларга чуқурроқ етказиб беришдан иборатdir.

Санъат бошқа соҳалар билан ҳам алоқадор: китоб безаш санъати, меъморчилик, тасвирий санъат, халқ хунармандчилиги, кулолчилик, ўймакорлик, кошинкорлик ва бошқаларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Санъат тарихи фани мактаб дастурларида ўз аксини топиши ўрта ва олий ўкув юртларида энг севимли дарслар қаторида бўлмоғи керак. Зоро, миллий маданиятнинг асосий манбаларидан бири санъатдир.

## Чизиқларнинг тасвирий маъноси

«Нуқта — потенция ҳолатидаги барча чизмачилик имкониятларни ўзида мужассамлаштирган энг қисқа шаклдир». (С. А. Павловский, Ксерокопия из цикла лекций. Москва, 1971 г. 22-б.)

Чизиқлар тасвирий санъатда энг зарур унсур булиб, шакл ва чизги (тасвир) унинг ёрдамида яратилади. Чизиқ уз тасвирий кучи ва ифода шакли билан тараққиётнинг ҳамма босқичида иштирокчи, ҳар қандай даврнинг яратувчилик бобида биринчи ашё бўлиб хизмат қиласеради.

Нуқта томошабин томонидан тўхтам маъносида тушунилади. Бироқ нуқта ҳам ўзининг айланиш ўқига эга. Унинг ҳаракати айланма ҳаракат, деб таърифланиши мумкин. Нуқта потенциал жиҳатдан кўриш чегарасигача кичиклашиши ва доғ бараварида катталашиши мумкин.

Нуқта тасвирда биз томон ва ичкари томон ҳаракатда бўлади. Бу ҳаракат таассуроти унинг четларининг шакли туфайли намоён бўлади. Масалан, ботик четлар ичкарига бўлган ҳаракатни, қабарик четлар биз томонга қараб ҳаракатни таъминлайди.

Чизикдан фарқли ўлароқ, нуқта, мувозанатни, тургунликни (статикани) ҳам ифода этади. Чунки, нуқта вертикал, горизонтал ва диогонал буйича йўналишга эга бўлмайди. Лекин унинг ифода сифатлари, яъни ҳаракати композиция учун муҳим аҳамиятга эга. Нуқта бошқа тасвирий воситалар орасида диккатни ўзига кўпроқ жалб қиласиди ва тез ҳаракатли чизиқ айланасида «тўхтам» ролини ўйнайди.



Чизиқ ҳам нуқта каби бир неча ифодавий аҳамиятларга эга. Зеро, «Чизиқ нуқтага солиштирганда кўпроқ даражадаги ифодалилиги билан ажралиб туради ва бир ўзи график тасвир учур етарли материал бўлиб хизмат қиласиди» (В. Кандинский).

Чизиқни қуидагича тавсиф қилиш мумкин:

1. Бир йўналишда жойлашган қатор нуқталар сифатида. Чизиқ түгри ёки қийшиклигидан қатъий назар у ички ҳаракатнинг ифодасидир. Чизиқ бу ҳолда, ўзининг ички талқини туфайли ҳаракатнинг ибтидоси ва тинтиҳоси бўлиши мумкин:

2. Чизиқ йўғонлашуви ва ингичкалашуви сабабли, узи ётган юзада тебранма ҳаракат тасаввурини тугдириши мумкин. Шундай у гоҳ ичига кириб, гоҳ устига чиқиб кетаётган орқа қисм томонидан сикилиб боради. Шу туфайли ифодада у тешик тарзида, гоҳ эгат тарзида, гоҳ хошия тарзида идрок этилади;

3. Чизиқни юзанинг қисқариш ифодаси тарзида, аникроги, юзанинг ичкарисига кириб бораётган гулacha тарзида ҳам тушуниш мумкин. Шу маънода у энг кўп ифодавийликка эга. Негаки, бутун юзанинг ифода қудратини (энергиясини) (рангли гулacha) ўзига ютади. Шунинг учун рангли «тарҳ» ёрқинлик



- 4-расм. А — Горизонтал түртбұрчакларнинг үқ чизиқлари жүшқинлик ҳосил килауди  
 В — Үқ чизиқлар вертикал түгри түртбұрчакда жүшқинлик ҳосил килауди  
 Г — Томонлари тенг бүлған түртбұрчак ичига жойлашған үқ чизиқлар ҳаракатни бир маромда ушлаб туради

жиҳатидан атрофидаги дөглардан күра үткірроқ күриниши керак:

4. Чизиқлар, одатда түгри ва зғри бұлади. Уларнинг барчаси ҳаракатни түрлича ифода этади. Зғри чизиқ, айниқса нотекис ҳаракатни ифода этиши билан ажralиб туради. Агар бу ҳолда дикқатни бузувчи тұхтатишлар бўлмаса, түгри чизиқ яққол күриниши мумкин. Шунинг учун у бизга энг қатъий, ҳаракатли зғри чизиқ эса — аксинча, мураккаб ҳаракатни ифода эта-ётгандек туолади.





Мураккаб зғри чизиқнинг ҳар бир ҳаракатида түгри чизиқ

унинг ўқи хисобланади. Демак, тўғри чизикларгина йўналишни белгилайди. Шу боис, текис (горизонтал), тик (вертикал), киялама (диагонал) чизиклар каби тушунчаларнинг асосий йўналишлар тарзидаги аҳамияти жуда муҳимдир.

5. Чизик чизмачиликда шаклнинг суратини (доғлар, турли жисмлар ва ҳ. к.) белгилайди. Бу унинг энг оддий моҳиятидир.

6. Тасвирда чизик йўғонлашиб ва ингичкалашиб маълум юзада бўртмаликни ифода этиши мумкин. Масалан, йўғон чизик баландлик, ингичкаси пастлик ифодаси каби таассурот ҳосил қиласди. Чизик йўғонлашиб бориб, текис кенг юзага айланиб кетиши ҳам мумкин.

7. Кесишадиган чизиклар тасвир юзасида чукурлик таассурти туғдиради. Бу эса тўсиш йўли билан шаклнинг чукур жойлашишини курсатишнинг энг оддий усулидир.



5-расм. А — Квадрат текислик сатҳи сақланган ҳолат  
Б — Концентрик квадратлар текислик сатҳига чукурлик киритилган ҳолат  
В, Г — Квадрат сатҳи ҳар хил шакллар билан тўлдирилган ҳолат

8. Ифодали ҳаракат туфайли чизиқ кенг маъно қасб этади. Умуман у (мусиқада, рақсда) йўналиш хусусиятини белгилайди. Чизиқлар ёрдамидаги график тасвиirlар фақат санъатда эмас, балки фанда ва ҳётда ҳам кенг кўлланиши мумкин.

Масалан, юза — математик жиҳатдан түгри ёки эгри чизик ҳаракатининг изи сифатида белгиланади.

А) Юза тасвири, одатда геометрик (оддий ёки мураккаб) бўлиши мумкин. Геометрик шаклларнинг келиб чиқиш маъносидаги илдизини йўқотган янги шаклларнинг мураккаб сатҳларини ифода этувчи юзаларга қараганда, уларнинг хусусиятларини урганиш осонроқ бўлади.

Бундан ташқари оралиқ юза шакллари ҳам бор. Улар очиқдан-очик геометрик ибтидога эга бўлади. Лекин силжишни бошидан кечирган юзалар фақат тасаввур этилувчи шакл ҳосил қилганлиги учун уларга текислик билан бир маънода қараб бўлмайди.

Б) Оддий чизиқ ҳам юза ҳақида тасаввур беради. Яссилик кўриниши жиҳатидан шаклнинг ташқи томонини ифода этади. Мураккаб сатҳлар оддий, ҳатто энг оддий (элементар) геометрик кўринишлардан (комбинациялардан) ташкил топади. Шунинг учун юзалар моҳиятини идрок этиш нуқтаи назаридан оддий геометрик шаклдаги қиёфаларнинг (фигуралар) хусусиятларини ҳам алоҳида кўриб чиқиш зарур. Чунки бу уларнинг тасвирий ифодаси ҳисобланади. Масалан, квадрат (ҳар томони тенг ўлчамли тўртбурчак) биз томондан энг барқарор шакл сифатида идрок этилади:

1. Бурчакка қўйилган квадрат ҳам ўз мувозанатини йўқотади ва унинг огиш бурчаги турли даражадаги ҳаракат йуналишини (динамикасини) беради. Бу йуналишларни вертикаль ва горизонтал жиҳатдан турли даражадаги огиш деб қарап мумкин.

Бекарор ҳолатда турган квадрат оддий геометрик шакллар орасида энг мураккаби ҳисобланади. Унинг бу хусусияти рангга қараб оғирлашади ёки енгиллашади, кучаяди, ё заифлашади.

2. Квадрат ичida (яширинган) ҳаракатлар ҳам бўлади. Масалан, унинг юқориси ва пасти, чап ва ўнг қисмлари, бурчаклари ва уртаси амалиётда турлича идрок этилади. График йўл ёки ранг билан бу ҳаракатларни тавсифлайди ва очиб ташлайди, уни абстракт ҳолатдан аниқ ҳолатга айлантиради. Квадрат гўё жонлангандек ва бизнинг сезгимиз ҳистойгумиз томонидан яхширок англашилгандек бўлади. График йўл билан унинг нисбатини аниқлаш ва бу усуслни ҳар қандай геометрик шаклга қуллаш ҳам мумкин. Шунинг учун бу каби сирли имкониятларни тушуниш, унда мавжуд бўлган ҳаракат йуналишларини ҳис этиш жуда муҳим. Шу ўринда квадрат юзасининг ичидаги композиция ўқлари ва йуналишлар мутаносиблиги (симметрияси) қаршилиги жойлашишдаги қийинчиликларни келтириб чиқаришини ҳам таъкидламоқ жоиз.

Бу борадаги ҳар қандай силжиш, муқаррар равишда, бошлангич шаклга таъсир этади. Чунки, квадрат бўлинганда тасвири соф геометрик шакл бўлиб қололмайди. Лекин, мусаввир тасвир этиш қоидаларидан фойдаланиб, квадрат кўринишини сақлаб қолиши мумкин.

3. Квадрат майдонини камайтириш ёки аксинча, кўпайтириш, уни тўртбурчак, ромб, трапеция тарзида ифодалайди. Яъни, бошқа геометрик шакллар хусусиятлари билан бир қаторда квадрат хусусиятларининг маълум қисми ҳам сақланиб қолади. Асаддаги бу яширин ҳаракатлар янада мураккаблашган график ва тасвирий ифодага эга бўлиши мумкин.

4. Квадрат кўриниш нуқтаи назаридан маълум ўзгартириш модуляция қилинганидан сўнг, ижобий ёки салбий шаклга айланиши мумкин. Масалан, биз унинг бурчакларини юмалоқлаштирасак, у юзага ётади ва (бизнинг таъбиришимиз бўйича) ижобий шакл сифатида идрок қилинади. Агар унинг томонлари ботиқ бўлса, у тешик сифатида кўринади — яъни салбий шакл сифатида англашилади. Чунки ортиқлик (фон) четлари устига ётади.

Мавхум (абстракт) ҳолатдаги квадрат бетараф атроф мухит ва ички тадрижий («градиция»)нинг барча таассуротларини ўзида акс эттираётган шакл бўлиб қолади.

1. Учбурчак ифода шиддатига эга бўлган шакл ҳисобланади. Учбурчакнинг барча кўринишдаги шакллари турли кучдаги ифода шиддатига эгадир. Масалан, тирсагига суюнган одамни кўз олдимизга келтиришимиз мумкин.

2. Учбурчакнинг бир томони асос сифатида, уфқ чизигига мос келгандагина у барқарор (турғун) бўлиши мумкин. Учи билан қўйилган учбурчак тебранма ҳолатга тушиб қолади. Унинг бу хусусияти композицияда драматик ҳис-туйгуни вужудга келтиради. Бу ҳолат учбурчакни эслатувчи ҳолатдаги барча қиёфа, шаклларга ҳам таалуклидир. Масалан, бир оёқда турган одам.

3. Барча шиддатли ифодага эга шакллар учбурчак тарзига интиладилар. Бу шиддатни чексизлик томон йўналган мовий ранг билан янада кучайтириш мумкин. Масалан, у аксинча қарама-қарши (контраст) бўлган сариқ ранг шиддатини заифлаштиради. Шундай қилиб ранг ва шакл хусусиятлари орасида жиiddийлик (драматик) вазияти юзага келади.

4. Учбурчак талқинидаги кескинлашув унинг ички тузилишига, турига боғлик;

а) тенг томонли учбурчакнинг ўртадан бурчаклар ва томонлар сари интилиши, бу бурчакларнинг энг четдаги нуқталига қараб кучайиб бориши демакдир;

б) тенг ёнли учбурчак асосдан баландлик томон ўсиш каби ифодали ривожланиш йўлига эга;

в) бир бурчаги тўғри бўлган учбурчак турли хил аҳамиятга

эга булган томонларга эгадир. Унинг гипотенузаси энг кўп узгарувчи тебранма хусусиятга эгадир.

5. Ҳар бир учбурчакда квадрат ва доирага нисбатан нисбий шакл очиқ ифода этилади.

1. Доира, муайян кенгликда тўплланган шакл бўлиб, унда марказдан қочма куч, марказга интилма куч ҳамда айланма ҳаракатлар бирлашади.

2. Доира юза ичидаги шаклни ҳосил қилувчи марказга эга. Доира тасвирий юзада ётади. Демак, у бизнингча, учбурчакдан фарқли ўлароқ ижобий шакл ҳисобланади.


3. Ифода англатмайдиган асосга эга доира тургунликда булади. Доира четлари деформацияси ёки оғирликнинг ички ҳаракати ҳисобига, у ҳаракатлана оладиган ёки тургун ҳолат ифодаланади. Бунинг учун турли чизма тасвири (график) усуллардан фойдаланилади.





4. Доира шаклидаги ички ифодаларнинг йигиндиси, мукаррар равишда, бошқа шакллар ичидаги тинчлана борувчи ҳолат тугдиришга имкон яратади.

5. Куриниши доирага яқин турадиган бошқа хилдаги жисмни куриб туриб, у орқали доирани идрок этилаётганда купёкламали шакл катталашиб боради. Элепсни куриб идрок этиш, доирани куриб идрок этишдан, узун уқда икки вазни марказнинг ҳосил булиши билан фарқланади. Мураккаб тасвирий комбинацияни куринишидаги энг оддий геометрик фигуруларни куриб идрок этиш ҳақидаги барча фикрлар таркиб тузилмали (структуравий) аҳамиятга эгадир. Яъни, ҳар қандай шакл мураккаб ифодада ҳам ўзига ўхшаб туриши учун у асл қиёфасидан оддий чизмагача бўлган ҳолатга келтирилиши мумкин. Шунда энг оддий геометрик шакл хусусиятларини, шартли равишда оддий қиёфага уйғунлашадиган ҳар қандай мураккаб шаклларга ҳам боғласа бўлади.



Биз юқорида, юзада ўз тасвирини топган оддий геометрик шаклларнинг тасвиридаги ва кўринишдаги хусусиятларини кўриб чиқдик. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу жараёнда рассом шаклларни пластик маъно билан бойитади. Улар якка, алоҳида ҳолатда мавжуд бўлмай, балки бир-бирига нисбатан узвий муносабатда тасвирланади. Агар оддий шакллар дунёсини ифодасиз, ўзаро муносабатда тасвирлаш билан чегараланиб қолинса, уларнинг бир-бирлари билан қандай муносабатда булишларини аниқлашга ҳаракат қилинмаса, унда асаддаги фикр изчиллиги бузилади. Ва гоя ўз ифодасини топа олмайди. Маълумки, факат нақшларгина геометрик шаклларнинг комбинацияси куринишида намоён булиши мумкин. Шу сабабдан у, ритм ва пластика нуқтаи назаридан қаралганда тугалланган бутунликни ташкил этади. Бу ҳолда ҳам санъатнинг турларидағи каби ранглар товланиши, қарама-қаршилик (контраст), параллеллик ҳамда мутаносиблик (симметрия) қонуни амал қиласи. Улардаги ранглар жилоси шаклнинг ифодавийлигини кучайтиради, ҳатто моҳиятни белгилайди.


КОМПОЗИЦИЯДАН НАМУНАЛАР


























Тасвирдаги бу шартлиликларнинг барчаси — томошабин онгига рассом таклиф этган шаклнинг тикланиб, сақланиб қолиши кераклиги мақсадини кўяди. Бундан ташқари, шаклларнинг ҳар бири қандай таққосда, нисбатан, қандай яқинузоқликда жойлашган бўлмасин бир-бирларига жуда кучли таъсир этадилар. Бу таассурот шу қадар кучли бўладики, ушбу ҳолатни шаклнинг бузилиши (деформация) деб атаса ҳам бўлади. Бунга кўп мисоллар келтириш мумкин. Уларни жадвал куринишида ифода этиб бўлмайди. Рассом бу тажрибага доимо дуч келиб туради. Ҳеч бўлмагандан бундай иллюзияларнинг ичидаги кенг тарқалганларини билиб қўйилиши шарт (энг кўп тарқалган кўриш иллюзиялари акс этган жадвалга қаранг ва ўзингиз тасвирини чизинг).

Энди тасвирдан бундай иллюзияларнинг тарқалиш миёси-ни куриб чиқамиз:

**Нисбат бўйича:** кичик жисм катта жисмнинг олдида яна ҳам кичик булиб куринади. Кўп нуқтали гардишлар юзани ё каттадек, ёки аксинча кичикроқдек кўрсатади. Тourtburчак ичидаги қатор вертикал чизиқлар каттароқ кўрсатади.

**Йўналишлар бўйича:** икки параллел чизиқларни кесиб ўтаетган диагонал уларни гўё параллел эмасдек қилиб кўрсатади.

**Кўриш инерцияси бўйича:** йўналишни ифода этаётган чизик узилса, берилган йўналиш эпкини хаёлан давом этади. Эгри чизиқларни ташкил этган ёй марказларни нигоҳ билан излашга мажбур этади.

**Ранглар оламида:** тўгри ва давомли контрастлар, шуъла ва ҳ.к. лар мавжуд. Оқ шарпа устидаги қора шарпа кичикроқдек, қора шарпа устидаги оқ шарпа эса каттароқдек куринади. Рассом томонидан бундай кўришни иллюзиялар ҳисобини аввалдан бузилишидан қутилишга интилиш деб тушуниш керак эмас. Чунки ижодкор композиция тузишда улардан фойдаланиши мумкин.

## Юза сатҳидаги чуқурлик тасвири

Энди тасвирдаги энг «сирли» унсур бўлмиш юзада акс этган чуқурликнинг тасвирини ўрганайлик. Бир варақ қофоздан иборат текис сатҳда чуқурлик тасвирини ҳосил қилишга қандай эришилади? Бунинг учун агар чуқурликни тасвирий тасаввур деб атасак, янада аниқроқ бўлади. Чунки чуқурлик ҳақиқий ботиқлик, пастлик бўлмай, балки бу чуқурлик ҳақидаги тасвирий тушунчадир. Аммо шунга қарамай, тасвирда ўз аксими топган чуқурликни аниқ ҳис этамиз. Биз юза ва юзанинг сатҳи ҳамда тасвирнинг яссилиги ҳақида фикр юритган эдик. Маълумки, юзада тасвирланган ҳар қандай шакл ўша юзада тебранишлар ҳосил қиласи. Тасвирни бир-бири билан тўсиш, бир шаклни иккинчиси билан кесиш каби тасаввурни ўзлашти-

риш йўллари ҳақида биламиз. Бу тасаввур чуқурлик ясашга ҳам тааллуклиди.

Чуқурликни ифода этишда, турли хил режалар асосида масофа ҳисобланади. Нигоҳ ҳаракати мато юзасидан чуқурлик томон йўналиши мумкин бўлгани учун, рассомга бу ҳол йўналиш ҳисобланади. Бу жараённи шартли равишда ўз аниқ ифодаси ва хусусиятларига эга бўлган учта режага бўлиш мумкин. Бу — биринчи, ўрта ва орқа режалардир.

Идрок этиш талабларига кўра, бу уч режани тасвирий юза тузилишида катта аҳамиятга эга бўлган баъзи бир хусусиятлар ташкил қиласиди. Ифода этилаётган жисмни макондан айириб томошабин ва рассомсиз холи тарзда фараз қиласиди. У гўё бизга завқ берадиган, атрофимизни ўраб турған турфа дунёнинг бир бўлагидек туюлади.

Шу тобда куйидаги ҳол содир бўлади: биринчи режада — кўп ўринларни кўз кўрмай ўтказиб юборади, учинчи режада — буюм узоқлашганлиги сабабли барча икир-чикирлар аниқ куринмайди. Аммо, иккинчи режада эса-буюмлар керакли даражада бўрттирилгани учун аниқ куринади.

Шундай вазият юзага келадики, унда бизга қўриниб турған буюмларни тасаввур этишимиз учун биринчи ва учинчи режалар аниқлигидан воз кечишимиз керак ёки агар ҳамма нарса бир хил аниқликда кўриниши учун орқа режани ўртагача, биринчи режадан эса иккинчи режа даражасига сурниб қўйишимиз керак. Шунда барча режалар ўрта режа ҳолатида туриб қолади. Уларни бир хил сифатдаги аниқликда тасвирий этиш мумкин бўлади. Тасвирий ифода кўш ўлчов шартига эга бўлади ва чуқурликнинг барча чизма сифатларини сақлаб қолади. У тасвирий юзада «ушланиб» қолади. Биринчи режа биз томон чексиз равишда ўзи чиқиб келавермайди, чуқурлик эса мавхумлашади ва ниҳоят ҳосил бўла олмайди.

Рангли композицияда бу жараён шундай кечадики, чуқурлик томон ҳаракатланаётган ранглар олдинги пландаги қиёфа, шакллар катталигининг ортиб боришига, зид ҳолда биринчи планни эгаллашига, учинчи пландаги режалар биз томон ҳаракатда бўлишига олиб келади. Аммо ранглар масаласида кенгроқ сўз юритишга тўгри келади.

Маълумки, чуқурликни ифодалашда перспектива қоидасидан фойдаланилади, дедик. Бунинг учун аввало, тузилиши ҳар хил бўлган тартибларни ва уларнинг тасвирий ифода имкониятларини аниқлаб олмоқ зарур. Чизиқли перспективада чуқурлик томон йўналиш биринчи пландан бошлаб, аниқроғи, ромдан ёки юза четидан бошлаб ҳисобланади. Бунда параллел чизиклар уфқда (горизонтда) тўқнашади. Бу маконни хаёлий тасаввур этмоқ зарур, чунки кузатиш нуқтаси (узоқлашиш нуқтаси тасвири чегарасидан ташқарида) бўлиб, бу ҳолда предметлар изчилликда жойлашади. Перспектива таркибининг яна бир неча хил тартиблари мавжуд. Биз, юқорида қисқача

қилиб оддий чизмадаёқ күзга ташланадиган қарама-қарши усулларни айтиб ўтдик, холос.

Тасвирий жараёнда рассом ўзини ўрта планда ҳис этади. Бунда, орқа ва олдинги планлар деформацияланади, яъни ўзгаради. Лекин умумий тасвирий юзанинг ифодасида сифатми, ўзгариш аниқ кўриниш ҳосил қиласди, чунки юзадаги барча планлардаги ифода ўрта, энг фаол пландаги ифодага тенглашади. Ўрта план олдинги ва орқа планлар орасида қисиilib қолгандек туюлсада, тўгри қисқаришида ҳам, акс перспектива-да ҳам ҳеч нарса йўқотилмайди.

Ўйгониш даврида ишлаб чиқилган, ва айниқса, театр безак рассомчилигига муваффакиятли кўлланиб келинган чизиқли перспектива объектив тасвирий ифода яратишга имкон бермайди. Бу ҳолда объект чексиз равишда узоқлашаётгандек хаёлий кўриниш касб этаётгандек туюлади.

Тасвирий санъатнинг бальзи турлари (кубизм) да ҳам шунга ухшаш ўзгаришлар юз берган эди.

Византия ва рус иконаси ҳамда шарқ миллий музъказ суратларида акс перспектива тушунчалик пайдо бўлиб, тасвирларнинг шу тарзда акс этиши ва шаклланишига имкон тугилган. Бу ҳолда рассом нарсаларга қандай йўналишлар нуқтаи назаридан қараётганилиги муҳим.

Рассом алоҳида талаб асосида ишлаган кўринишда тасвирлаган нарсалар оддий табиий кўринишдан тубдан фарқ қиласди. Гап шундаки, у ҳамма нарсага икки хил назар билан қарайди. Яъни, дикқатини бир объектга тўғридан туриб қаратиши мумкин, унинг атрофидаги нарсаларни эса гўё ён томондан туриб кураётгандек бўлади. Ҳамма нарсага эътиборсиз, бирон объективни алоҳида, ажратмаган ҳолда умумий, ялпи қараши ҳам мумкин.

Биринчи ҳолатда, объективнинг бирон-бир нуқтасига тикилганида, қолган нарсаларнинг барчаси шу вақтда гўё ўзгариб кетгандек бўлади, яъни у рассомнинг дикқатига бўйсунади. Энди дикқат-эътиборга бўйсуниш ҳолати юзага келади. Эътибордаги предмет (назорат қилинаётган объект) аҳамият ва ўлчов жиҳатидан ўзгаради. Бу ерда дикқатни якка ўзи тортган манзара кучогидаги одам тасвирини мисол қилиб олишимиз мумкин.

Бефарқ назар билан қаралганда атрофидаги барча нарсалар бир хил маънога эга бўлиб қолади ва майда-чуйда предметлар фарқ қилинмаган ҳолда, умумий идрок қилинади. Буни, узоқдан кузатиш дейилади. Унда ҳар қандай детал яхлитликка шу қадар бўйсунадики, улар алоҳида объект сифатида яшашдан тухташга мажбур. Сабаби, яхлитлик — объектга айланади. Рассомнинг иккала усулда кўра билиши эса ифода хусусиятлари услубларини белгилаб беради.

Алоҳида бир объектга эътибор билан қаралганда атрофидаги барча нарсалар гўё муҳит тасаввурини тугдирадиган унсурлар

бўлиб қолади ва узоқдан туриб кузатганда жузъий қисмлар (аксессуарлар) даражасига тушиб кетади. Бу икки йўлнинг аралашуви ижодий усулнинг тўлақонли ва изчил эмаслиги ҳақидаги ҳақиқатни юзага чиқаради.

Макон, одатда доиравий идрок этилади. Нигоҳ бир нуқтага тикилган вактда кўз нури кўзни шу нуқта билан боягайдиган радиусни ташкил қилгандек бўлади. Нигоҳ назорат майдонидаги бошқа нуқталар томон аста-секин юргизилганда, гўё ярим доира марказига тушиб қолгандек туюлади. Барча тик ва ётиқ чизиклар ярим доира ичидаги букиладилар. Шу туфайли куришнинг доиравийлигига бўйсунган ҳолда тик ва ётиқ йўналишлар тасвири букилган чизиклар кўринишида бўлади. Фақат архитектура лойиҳаларида барча тик ва ётиқ юзалар сингари шартли перспектива «рейшин» бўйича тасвирни ва учбурчакни ҳосил қиласди. Тирик мавжудодларни кўриб идрок этиш тўғри чизиклар қоидаларига бўйсунмайди. Улар умуман космик бўшлиқдаги тасаввурда мавжуд бўлмайди.

Суратда барча тўғри чизиклар тасвирни доиравий ҳис этишга бўйсундирилади. Сурат чизмадан шу билан фарқланади. Бирон бир «тўғри» чизик манзара ёки натюромортда чизгич ёрдамида чизилса, у яна эгри тасаввур бериши мумкин.

Агар нигоҳ иллюзияси сифатидаги ҳар қандай чизик ўзгариши (деформациясини) инобатга олинадиган бўлса, бу таассуротлар остида тасвир қандай мураккаб шароитда яратилиши аниқ, бироқ барча таассуротлар ва шакллар ҳолати ҳисоботи тасвирий ифоданинг мураккаб пластиинкасини яратади.

## Тасвирни кўра билиш

Кўриниб турган ёки тасаввур этилаётган обьектни бевосита тасвирий юзага кўчириш — унинг ифодали талқинига кафил бўлмайди. Ифода даражаси — обьектнинг бадиий қийматига оптималь яқинлашуви, бу бадиийлик матога қай даражада аниқ кўчганлиги билан белгиланади. Лекин шу аниқ мезон мавжуд бўлса ҳам обьект янги мухитга кучеётуб, қандайдир хусусиятларини йўқотади. Жисм ясси юзага маълум ўлчовларга бўйсунган ҳолда тушар экан, кўплаб ўзгаришларга учрайди.

Жисмнинг асл кўриниши ва мато сатҳидаги ифодасида мавжуд қарама-қарши ва номутаносиб ҳолларни ҳал этиш композиция вазифасига киради. Бундай ижодий жараён мақсади яхлит ифодани излаш, яъни бадиий шакл экспрессиясидир. Тасвирий воситалар эмоционал пластик шаклга қатъий мослаштирилади. Бу зарурият эса ифода яхлитлигини талаб этади. Лекин бу яхлитлик — жисмлар кўриниши, шакли устидан тўла ҳукмронлик қилиш, уларни хоҳлаганча чизиб, томошабинга ўзга тушунчада тикиштириш деган сўз эмас,

аксинча, унинг баъзи хусусиятлари кўзга кўринарлироқ бўлса, уша хусусият ифодаси кучлироқ таъсирчан чиқади.

Композиция жараёнини кўйидаги тасаввур қилиш мумкин:

1. Бир мунча тугал бўлакларга бўлинниш ва шу ондаёқ йигилиш.

2. Йигилишнинг тарқалишига қарши туриш

3. Инкор этиш.

4. Абстрактланиш — аниқликка олиб келиш.

5. Шаклсизлик.

6. Турғунсизлик ҳолатидан мувозанат излаш.

7. Муросасизлик — муроса мавқеини тиклаш.

Композиция бу — диалектик жиҳатдан мураккаб жараён бўлиб, унда фақат энг кичик ва оддий заррачалар эмас, балки бутун бир галактик образлар системаси кураши давом этади. Бу қарама-қаршиликлар кураши мазмуни спорт мусобақаси каби қизгин курашларда эмас, аксинча ўзаро келишувчанликка эришишда, маълум ифода учун жипсероқ бирлашувдадир. Чунки турли унсурлар келишувчанлиги асарга ўзгача маъно берib, бошқача ҳаёт багишлади. Шунинг учун бу мухим унсурларни топиш, танлашга талабчан бўлиш лозим. Ана шундай топқирлик асарнинг табиийлигини, пурмаънолилигини, жозибалилигини, умроқийлигини таъминлайди.

Рассомнинг тахайюли (фантазияси), дунёқараши, воқеликка муносабати пировард натижада, унсурларни сифат ва сон жиҳатдан танлашида кўринади. Шу ўринда «Тасвирни тушуниш учун ҳам тасвир керакми, ёки тасвир қандай йусинда кўрилади?» деган ҳақли савол туғилади.

Суратга нигоҳ ташлаганда, дикқат-эътиборни алоҳида предметларга қаратиш ва атрофдаги бошқа нарсаларни унга нисбатан кўриб чиқиш мумкин. Бу ҳолда атрофдаги мухит гўё мусаввир таъбири билан айтганда «ёнлама нигоҳ»дек идрок қилинади ва асосий предметлар ифодасига бўйсинган ҳолда деформацияда бўлади. Шунингдек, умумий нигоҳ билан, «узокдан» қарашда, ҳар бир предметни алоҳида ажратмай, расмни ялпи ҳолда кўрилади. Сунгги ҳолатда барча деталлар шу яхлитликка бўйсунади. Бу қонунга бўйсунган предметлар ўз мустақил ифодасини йўқотади, демак, деформацияга учрайди, яъни ўзларини яхлитлик учун қурбон қилиб ифода мөҳиятларини ўзgartиралилар. Идрок этишнинг бу икки усули композиция хусусиятини белгилаб беради, дейилса хато бўлмайди.

Биринчи ҳолатда ифода шиддати аниқ сезилади, иккинчи ҳолатда эса ҳамма нарса бир текис, бир хилдек туюлади. Суратни кўрган киши у ёки бу предмет алоҳида мавжуд бўлиши мумкинлигини ҳатто тасаввур эта олмайди. Лекин баъзи рассомлар унсурларни алоҳида тасвирлашга қизиқиб кетиб, уларга беихтиёр алоҳида ургу берив қўядилар, натижада бундай унсурлар яхлитликдан «тушиб қолади». Бундай

холатда композицияйликнинг энг мухим шарти, мезони бўлмиш яхлитлик бузилади.

Композиция маҳорати аслида яхлитлик йўлида хусусий-ликни қурбон беришдир. Лекин «курбон бериш» «унчалик мухим бўлмаган» унсурни эътибордан сокит қилиш деган сўз эмас. Чунки иккинчи «тоифали» унсурларсиз асосий шакл ўз ифодасини етарли даражада топа олиши мумкин эмас. Ҳар бир ҳолатда меъёрни билиш зарур. Майда унсурлар катта миқёсни келтириб чиқаради, шунингдек, «катта» шакл, вақт жиҳатдан идрок этиладиган тасвирда иккинчи даражага тушиб қолса ҳам самара яхши бўлмайди. Бу ҳолда асар ўз таъсиранлигини, гоявий салмогини йўқотиб қўяди.

## Объект ва тасвир

Санъат асарининг яратилиш дақиқалари, яъни «инкубация» даври — ижодий жараённинг амалий даври ҳисобланади. Асарнинг туғилиш даври, ибтиносини эса дунёнинг бирламчи тафаккур ҳис этиш дамларидан излаш лозим. Шу ўринда рассом қалбидаги гўзалликка интилиш, иштиёқ гоят кучли экани ҳақида ўйлаб қоласан, киши. Нима учун рассом айнан бир қатор воқеалар ичидан биттасини танлайди. Ҳавас, истак, изланиш бадиий тафаккур учун замин ҳозирлайди. Лекин куруқ хаёл ёки эхтирос бадиий юксаклик ҳисобланмайди. Бирор шакл матога кўчирилса ва ҳатто рассом томонидан гоят безалиб, тирик табиатдагидек жонлантирилса ҳам у фақат воқеликни натуралистик ёки романтик жиҳатдан акс эттириши мумкин, холос. Бу асар истеъдод ёки гайрат ҳисобига бажарилиши сабабли санъатга даҳлдор ҳисобланади. Ҳар қандай санъат асари эса турли материаллар, ранг-буёклардан фойдаланиб яратилган бир мўъжизадир.

Агар ўша воқелик тасвирий моделни, бадиий ифодани ўзида мужассам этмаса, тасвирий санъат ундан манфаатдор бўлмайди. Шунинг учун ҳам кўрган нарсадан, воқеадан ҳайратланган, мафтун булган, ҳаяжонланган рассом агар ҳиссиётларини гавдалантириши лозим булган материал воситасида бадиий жиҳатини тополмаса, изланишда, хаёл суришда давом этаверади.

Шундан сўнг ижоднинг энг оғир босқичи — яъни бадиий тасаввурнинг бадиий тасвир сифатида кундалик ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб яшаши учун восита ролини ўтовчи турли-туман унсурларини қидириб топиш бошланади. Натижада булажак асар тагига етиб бўлмайдиган сирли оламга айланади.

Санъатнинг барча қонуниятларини ўрганиш ва ҳаттоки ўзлаштириб олсада, ҳар қандай инсон ҳам етук рассом булавермайди. Шунинг учун қўлидан расм чизиш келмайдиган, фалсафий мушоҳада қила олмайдиган киши ўз кучини кўркуона истиқболсиз машгулотга сарф этмагани маъқул.

Санъат асари унинг гояларини ҳис этишдан бошланиб, уша ҳиссиёт жараёнининг ифодаси билан тугайди. Бу ижодий цикл ургаларида изланиш, тасвир воситаларини танлаш каби жараёнлар содир бўлади. Буларнинг ҳаммаси ифоданинг бадиий шакли юзага келиши билан ниҳоясига етади. Ана шу оралиқда ижодий услугуб ўзини намоён этади.

Агар рассом ўзининг дастлабки ҳис-туйгуларидан узоклашиб ёки ортиқча тафсилотларга берилиб кетса, аввалги содда тасаввурдан воз кечса, у мантикий ривожланиш туфайли ижодий ўсиш жараёнига тушиб қолади. Бу ҳолатда ижодкор, баъзан бошлангич импульсга мос тушмайдиган ижодий услугга — юзаки стилизация йўлига тушиб қолиши мумкин. Натижада қўйма тарзда тугилган дастлабки ҳис-туйгу бадиий шаклда уз ифодасини тополмайди. Баъзи ҳолатларда мусаввир ягона тўғри йўлни излаб топиш учун етарли даражада изланмай, тиришқоқлик курсатмай, қийинчиликлардан ўзини олиб қочиши ҳам мумкин. Очиги, бу ҳолда рассом ўз виждони билан яккама-якка олишади ва табиийки, образ ифодасидаги самимиятни ҳеч ким назорат қила олмайди...

Ҳар қандай назария бирор фойдали тажрибанинг акс садоси бўлиб, у бирор ақидани асос қилиб олиб иш бошлашга ёки хатони тушунишга ёрдам беради.

Тасвирий санъатда концепциянинг ёрқинлиги, мантиқи, ифода воситалари чинакам уйғунлашиб бир образга бирлашгандагина бадиий натижа бериши мумкин. Одатда жўшқин маъноли фикр барча бошқа умумий фикрларни ўзига мужассам қила оловчи ички ўзак бўла олади.

Хиссий-пластик дебоча ва унинг ифода роситалари рассомнинг асосий мақсади нима эканлигидан дастлабки маълумотни беради. Чунки у мақсадни шивирлаб гапирса-да, агар у уринли бўлса, дарҳол эштилади. Баъзан бундай дебоча билан қаттиқ «қиҷирилса-да», уни ҳеч ким эшитмаслиги мумкин.

Тасвирий воситалар тайёр ҳолда бўлмайди, улар фақат шаклий ифода зарурати туфайли пайдо бўлади, улар материал хусусиятига боғлиқ бўлиб, инсон кўзларининг психофизик кўриш қонунларига ва рангларни, чизиқларни, ҳажмни, бўшлиқни идрок этишларига асосланади. Бунда иш рассомнинг маданияти ва маҳорати билан ўлчанади.

Рассом ким ўзи? Кашфиётчими ёки ихтирочими?

Дейлик, каффиётчи илгаритдан мавжуд нарсани излаб топади ва маълум қиласди. Ихтирочи эса тамоман янги нарсани яратади. Рассом одатда аввал мавжуд бўлмаган нарсаларни яратмоқчи бўлади. Аммо санъат предмети бўлишни кутиб турган нарсани кашф этади.

Рассом ўзининг жушқин туйгуларига, ҳиссиётларига таънмаган ҳолда тасвирий санъат соҳасида бирор янгилик яратиши мумкинми? Кристаллар фақат ички таркиб мантиқига шаффоф кўриниш қонуниятларига бўйсунгани каби мусаввир

ҳам қўли остида турган воситалар ҳамда ўз туйгулари доирасида ижод қиласидими ёки қандайдир ташки мухитдан озиқа олишга муҳтожми?

Аслида мавжуд бўлган, аммо одамларга маълум булмаган нарсаларни кашф этиш, бу — фахрли иш, аммо табиатда мавжудларидан фарқли үлароқ янги шакл яратиш, бу — инсон хаёлида сунъий дуне яратиш демақдир. Бу фикрнинг назарий жиҳатига асло алоқаси йўқ бўлган ижодий холосадир.

Кашфиётчи табиатнинг хали ечилмаган сирларини очиш мақсадида уни ўрганади. У бу билан ўз усулини мукаммаллаштириб борар экан, ижодий жараёнда кўрган-кечиргандарига тақлид қилиб, ўзлаштириш асосида маҳоратини намоён этади.

Ихтирочи эса аксинча, табиатда кашф этилганларидан сифат ўзгаришлари ясайди ва янги бадиий шакл яратади. Аммо формулалар тили билан гаплашадиган математик рамзийликни тафаккур чегарасидан ташқарига олиб чиқиб кетолмагани каби дунёнинг сунъий шаклларини «кашф этиш» ҳам нисбийлик қонунига асосланган бўлиб, маълум эстетик доирада амалга оширилади.

Кашфиётчи табиатнинг битмас-туганмас жумбоқقا тўла сирли китоби қоидаларига суюнган ҳолда кутилмаган услуб йўлларини танлашга, дунёга ҳар қандай бир бурчакдан туриб, ўз нуқтаи назаридан кўз ташлашга ҳақлидир. Аммо у оддий кузатувчи бўлиб қолавермайди. Табиат унсурлари ичida кўпроқ нимани қадрлаш унинг ўзига боғлик нарсадир.

Ихтирочи табиатнинг кўпдан-кўп қонунларини тушунган, эътироф этган ҳолда ўз билими асосида, гўзаллиги бекиёс табиатдаги турли шакллар ва комбинацияларни ўз ҳолича топиб одамларга тақдим этади. У ҳаётни узлуксиз ўзгариш жараёни деб тушунади. Албатта, ўзи ихтиро этаётган нарсаларни табиатдан тайёр ҳолда олмайди. Бу жараён мураккаб изланишлар самарасидир. Ихтирочи табиат билан ўзаро янги муносабатларни яратади. Бунда у статистик холосаларга эмас, балки ўз сезгилари, олдиндан кўра билиш қобилияти, ҳамда воқеаларнинг мантиқий ривожи қонуниятига суюнади. У, кўпинча, кўринишнинг ўзгарувчан тасвирига яширган, дунё тилсимволини кашф этишга тушунишга ҳаракат қиласиди. Келажакка амалий ва бадиий жиҳатдан мурожаат этишга интилади.

Ихтирочи — ижодкор, рассом учун дунёни тушуниш ва уни бадиий жиҳатдан ифода қилиш соф мутаносиблик қонунига асосланган жараён эмас. Чунки кўриниб идрокланадиган ва ҳис этиладиган дунёга нисбатан бўладиган муносабатлар ихтиёрийдир. Нисбат қонунни барча имкониятларни қайта куриб чиқишига ва янгича муносабатларни белгилашга мажбур қилиб, айни замонда хусусийликни, бутунликни ҳис этишини ҳам тақозо этади.

Дунёга бўлган муносабатда рассомнинг нуқтаи назари

мухим ақамиятта эга. Ана шу нүктәи назарда баъзан дунё фавқулодда, турфа күринишларга эга бўлади. Пировард натижада ундаги нарсалар қанчалик узгарса мусаввир ҳам янги-янги ракуслар қашф этаверади. У иллюзионист каби маълум чегара доирасида ҳаракат қилмайди, балки ижодий фаолият орқали бадиий воситаларни ишга солиб, дунёни янгича, узга ҳолатларда курсатади. Бу билан рассом дунёни абстракт ёки аник ўрганишга кўмаклашади.

Дунё ҳақидаги тушунчани қандай ҳолат кўпроқ бойитади: бир нүктада туриб кузатишми ёки турли нүкталардан туриб кузатишми? — деган савол тугилади.

Табиийки, инсон ерда яшайди, қуёш ва сайёralар унинг атрофида ҳаракатда бўлади. Эндиликда бу тушунчага ўзгариш киритиш мумкин, яъни инсоннинг ўзи коинотдаги ҳаракатнинг бир қисми ва иштирокчиси бўлади. Шундай экан, дунёга нисбатан фикр ҳам ўзгариши керак! Ҳозирги замон санъатимизда бу масала жуда орқада қолаётганини пайқамай иложимиз йўқ..

### Тасвирий ифода ва унинг юзадаги талқини

Тасвир ўз моҳияти жиҳатидан бошқа одамлар идрок қила олиши мумкин бўлган гоялар, ҳис-туйгулар, тушунчалар, образларни кўргазмали ифодалаш омилидир. Яъни тасвир одамлар орасида бадиий ва маънавий мулоқот воситаси вазифасини бажаради.

Масалан, бирон сўзни англатадиган тасвир қадимий суратхат замондошлар ва келажак авлодга ҳис-туйгу ёки гоявий ахборот узатишнинг энг қулай воситаси бўлган. Бундай ёзувларни қулийлаштириш мақсадида тасвирда ифодаланаётган предметларга хос белгилар ўта даражада умумлаштирилган. Суратдаги шаклни ифодалашни умумлаштириш жараённинг тўхтовсиз давом этиши иероглифлар, михнат ва ниҳоят ҳарфни ихтиро қилишга олиб келди. Ҳарф бу жараённинг пировард натижаси бўлиб қолди ва у шартли белгига айланди. (Мисрнинг суратли ҳарфларини эсланг). Иероглиф суратли ёзув билан узоқ бўлса-да алоқага эга, ҳарф эса бундай тасвирий имкониятдан тамоман узоқдадир. Бу ерда абстрактлашган тасвирнинг чегараси яққол кўриниб туради. Уни умумлаштириш даражаси шаклга хос белгилар сақланиб қолгунча ривожланиб боради.

Абстракт санъат айнан шу чегарада: ҳақиқатни ҳис этиш ва мавхумлик орасида туради. Шу чегарани босиб утиш билан шартлилик интихосига етиб боради. У билан одам орасидаги мулоқот мураккаблашади. Чунки шартлилик доимо ахборотни уқиб олиши талаб қиласи. Шундай бўлгач, шартли белгиларга ҳамма тушунавермайди, аммо маълум шарт-шароитларда муайян шартлилик оммалашади, умумжамият мулкига айланади.

ди яъни кенг миқёсда тарқалади. Шунда ҳам бевосита мулоқот ўз ўрнини бевосита ҳолатга бушатиб беради ва уни идрок этиш маълум даражада тайёргарликни талаб қиласи.

Табиий тасвирнинг белгили ёзувга қадар бўлган эволюциясини тасаввур этиш инсониятнинг тасвирий санъатга муносабатни қандай бўлганлигини бирмунча ойдинлаштиради. Тасвир мулоқот воситасидан белгили ёзувга айланганидан кейин кургазмали тасвир алоҳида йўлдан — юзага чизиладиган асарлар орқали ривожланди.

Қадим замонлардан бўён тасвирий санъатда икки йўналиш: натураграфия ва идеография мавжуд бўлган. Уларнинг қайси бири устун эканлиги ҳақидаги баҳсларга берилмасдан шуни таъкидлаш керакки, бу иккала йўналиш ҳам инсоннинг маънавий табиатига мос тушади. Агар натураграфияда, кўпроқ, табиат ва ташки қиёфани курсатишга ҳаракат қилинса, идеографияда эса унинг моҳияти ифода этилади. Баъзан тасвирдаги бу икки йўналиш бирлашиб кетади. Бошқача айтганда, бу тасвирий санъатдаги натуралистик, рамзий (символик) равишда фикрлаш ва ҳис этиш демакдир.

М. Бернштейннинг фикрича рамзий фикрлаш доимо диний ёки фалсафий ифода учун қул келади. Бу ҳолат турли шаклларни тасвирлашда изоҳ берувчи восита сифатида ҳам зарур. Бу гоя йўлида натурачиллик мактабининг ташки кўринишга хос баъзи майд-чуйда унсурларидан кўз юмилиб, гояга ургу берувчи шакллар муболага билан тасвирланади. Юксак бадиийликка эришишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат асарнинг ҳар бир унсурiga кўпроқ юк тушади, шу сабабли тасвирий воситалар гоят эҳтиётлик билан ифода этилиши зарур. Тасвирий воситалар пластик гоя томон ўзгариб боради. Ҳар қандай ишора, ҳатто кичик унсур ҳам рассом қўлининг изидир. Суратда рассом қалбини ларзага келтирган фикрлар тўлиқ бўлишига эришмоқ зарур.

Саҳнадаги актёр образни рисоладагидек ҳаракатлар қилиш, юз имо-ишоралари ва овозини ўрнига қўйиш орқали томошабинга етказиши керак. Бу ерда икки зарурат бўлиши мумкин. Агар «қўл» олдинга кетиб қолса, унда ҳунармандлик асари булиб қолади. Агар «қўл» орқада қолиб кетса — унда аниқравон нутқ ўрнига тушуниб бўлмайдиган гўлдираш эшитилади, ички ҳолатни ифода этишда ожизлик сезилади. Рассомнинг тасвирида эса ҳаракат рассом ҳис-туйгулари билан уйғунлашиб кетиши лозим. Шундагина ижодкор сеҳрли қўлининг изи ижодий ҳажми-хатликка эришади. Ҳар қандай чизги, из эса маълум бир ифодага эга бўлади.

Рассом ишга тушгач, қил қаламни шундай дадил юргизиши керакки, у юрак тубидаги теран фикрларни юзага чиқарсин. Шундагина ташки дунё ранглар тилида, тасвир юзасида, чизгига (суратда) қанчалик ўз ифодасини топаётгани равшан бўлади. Бунда сурат, чизиқлар, рангли додлар, уларнинг

ифодаланиши акс эттирилаётган нарса қиёфасида мавжуд ранг оҳанглари багланишининг идеографик ёзуви сифатида намоён бўлади. Бу ҳол рассом композиция яратишида ифодали курилиш ашёси бўлиб хизмат қилади.

Ҳар бир тасвир усулига ҳис-туйғуга бой ранг-баранглик деб қарамоқ керак. Ранглар товланиши композициянинг муҳим унсурни бўлиб, бу — сўзсиз раксdir. У тасвир юзасида ҳар қандай ззгу фикрни ифодалайди.

### Тасвир юзаси нима?

Тасвир ҳар қандай юзага туширилади. Юзалар яssi, ботик, бўрган бўлиши мумкин. Шуни таъкидлаш лозимки, тасвир усуслари ўзгариб туради. Яssi юза рассомни фронтал ёки тик ҳолатда «тасаввур этишга» мажбур қилади. Ботик юза уни муҳит марказига интилишга мажбур этгандек бўлади, бўрган юза эса рассомларни марказни айланиб ўтишга мажбур этади. Санъатда яssi юзага расм ишлаш кенг тарқалган.

Ҳар қандай яssi юза табиийки бўйига, энига ва маълум шаклга эга. Рассом ўзига маъқул бўлган шаклни танлайди ёки (одатда бу монументал тасвирий санъатда бўлиб туради) юзанинг формати қандай қўринишда бўлиши меъморий иншоот талабларидан келиб чиқиб белгиланади. Бу ҳолда шакл мусаввир олдига ўз шартларини қўяди. Бу ҳақда машҳур рассом Матисс шундай деган эди: «Агар мен бир вараг қоғоз олиб шу қоғоз форматига баглик бўлган суратни чизсам, нисбатлари бошқа бўлган, масалан, тўртбурчак ўрнига квадрат бўлса, мен бу суратни қоғозда қайта чиза олмайман. Лекин мен, ухшаш шаклдаги қоғозга **ун** баробар катта қилиб қўчириш тўғри келганда ҳам оддий катталаштириш йўли билан чекланмаган бўлур эдим» (A. Матис. Москва, «Искусство» 1961 й, 93- б.).

Рассом композицияни каттароқ матога кўчираётганда, расмдаги ифодани сақлаб қолиш учун матони катакларга бўлиб ўтирасдан, суратни хаёлида янгидан жонлантириши, унинг ташки куринишини ижодий тарзда ўзгартириши керак.

Хўш, қандайдир тасвир туширилгандан сўнг юзанинг номинал катталиги масаласи нима бўлади?

Аввало, тасвир, унинг ўлчовлари юза ўлчовлари билан масштаб жиҳатидан мослашади. Йирик тасвирда юза катта қўринади. Шунингдек, номинал юзанинг кўзга ташланадиган шакли ҳам ўзгариши тасвирнинг катта-кичиликлиги ва жойлашишига қараб баландроқ ёки кенгроқ қўриниши мумкин. Яъни, тасвирнинг формат юзасига бўлган қиёсий ифодаси кучга киради.

Шундай қилиб рассом юзага илк бор қўл уриши билан хоҳласа-хоҳламаса нисбий мутаносибликка эришиш учун курашга киришади. Юксак бадиийлик даражасига етказилган

хар бир асарда юзанинг қаршилиги ҳолати сезилиб туради. Бу ерда рассом материалга нисбатан ҳам реал муносабатда бўлади. Юза шакли ва тасвир нисбатига хос икки мисолни кўриб чиқайлик.

Биринчидан, рассом шаклнинг яққол кўриниб турган тасвир ўқини қайтаради, иккинчидан, шаклга зидма-зид ҳолатда композициянинг асосий доминантларини жойлаштиради.

Фараз қилайлик, у уфқ бўйича чўзинчоқ тўртбурчак шаклда, нисбати 1:5 га тенг бўлсин. Бунда қилинадиган биринчи иш — унинг узунлигини аниқлаб олиш мақсадида юзасини бўлакларга бўлиб чиқишидан иборат. Аммо у тик бўлакларга бўлиб ташланса, кўринишидан узун «туюлаётган» юза узунлиги янада узунлашгандек бўлади. Бунга сабаб, кўз шаклни узунлигича эмас, балки бўлаклар орқали идрок этишидадир. Чунки уни ўз ҳолича идрок этишга кўп вақт керак бўлади.

Агар тўртбурчакни бўлаклаш орқали эришилган тасвирий натижа рассомнинг композиция талабларига тўғри келса, у ҳолда шундай ечимда тўхташ мумкин. Лекин умумий шаклнинг тўртбурчаклиги эътибордан четда қолмайди. Ана шунда янги компонентда, тўртбурчак чўзилади, унинг узунлиги бўйлаб чексиз ҳаракат чекланади. Шундай қилиб, иккита қарама-қарши тасаввур: бўлаклаш ва бирлаштириш пайдо бўлади.

Шуни назарда тутиш керакки, тасвирдаги бундай икки қарама-қарши тасаввур килиш кураши санъатга хос бир холдир. Санъат асарларидағи бундай кураш бирлашишни тарқалиш устидан, тўпланишни ёилиш устидан, батартибликни вайроналик устидан ғалабасини намоён этади.

Яъни, мувозанат ҳосил бўлмагунча бу жараён узлуксиз давом этаверади. Элементлар мувозанати, тортиш ва кескин фарқнинг маълум бир вақтда мутаносиб ҳолатни юзага келтиргани — уйгунилк, оҳангдорлик (гармония) деб аталади.

Демак, юзанинг гармоник ҳолатида уни қисмларга бўладиган ва ягона ифодага бирлаштирадиган кучлар мувозанати, ўзаро уйгунилиги ҳосил бўлади, ҳатто бирор тасвир бўлмаган бир варақ қоғозда ҳам шундай потенциал ҳолдаги барча имкониятлар бўлиши мумкин. Квадрат ўз-ўзича бирор ҳаракатни ифодаламайди. аммо унинг ичидаги тортишиш кучлари мавжуддир. Биз юқори, паст, ўнг ва чап қисмларни, бурчакларни турлича идрок этамиз. Унинг юқориси гўё енгилроқ, пасти эса оғирроқ «туюлади». Чапдан ўнгга қараб оғирлик залвори тобора ошиб боради. Бурчаклар диагоналларини ҳам хаёлий йўналишлар ушлаб туради.

Биз тасвирни чизаётганимизда ҳолат мутлако ўзгаради. Масалан, биз квадратнинг пастидаги бир доғ ҳосил қилдик дейлик. Шу билан ҳаракат йўналишини пастга томон ишора этамиз ва асоснинг вазминлигини янада кучайтирамиз.

Агар биз шу йүсинде дөгни юқорига йұналтирасақ, паст енгиллашади. Агар ургу чапдан үнгга ва аксинча бұлғанида ҳам худди шу ҳолат юз беради. Шундай қилиб, нейтрал ҳолатдаги юза тасвир тушгандан кейин мұайян томонға йұналади.

Юза бүйлаб тасвир юритилар экан, турли даражадаги қаршилик ҳис этилади. Құшалоқ композицияда зса юзаниң четлари ва үртасига мұносабати ҳисобға олинади. Тасвириң шундай жойлаштирамизки, унинг маъноси ва ахамияти күрениш қоидаларига мос тушиши керак. Кейин тасвирий үнсурлар бойитилиб бориб, асосий ургуга бүйсундирилиши зарур. Шундай қилиб, ҳаракатнинг йұналишидан, тормозланишидан ва тұхтатишидан белгиланған координатлар бүйича фойдаланиш мүмкін.

Аммо құшалоқ ҳаракат дейилганды, құшалоқ тасвир эмас, балки фақат иккі координат бүйлаб қилинаётган ҳаракат назарда тутилади. Рассом В. А. Фаворский шундай деган зди: «Суратчиликта ишлатиладиган әнг оддий воситалар пластик бүлгәнлиги учун ясси тасвириң яратиб бүлмайды» (В. А. Фаворский. О композиции. Москва, «Искусство» 1933, № 1.18- б.).

Әнді юза сатхидаги тасвириң ифодалашда әнг мұхим бүлған бошланғыч нұқта сифатидаги юзани сақлаб қолиши масаласига келдік. В. А. Фаворский бу борада шуни таъкидлайды: «Ясси тасвир этиш масаласи туфайли беихтиёр равишида тасвириңнің бошқа усул — тасвир юзасини йұқотишига интилаётган, хомха-ёлликни, томошабинни алдашгача олиб боришига интилаётган усул ҳақидаги масала үртага қуйилади».

Иллюзионистик деб аташ мүмкін бүлған бундай тасвир, фақат тенденция сифатида булиши мүмкін. Бу томошабиннинг алданишга ҳохиши күчлилигіда ва мураккаб вазиятда бұлади. Бу одатда панорамада ёки диограммада содир бўлади. Шундай қилиб, гүё иккі қарама-қарши усул: ясси тасвир ва иллюзионистик, яъни юзани йұқотишига интиладиган усулларнинг борлигини тан олиш лозим. Лекин барча даврларнинг класик, ранг-бараг ва мураккаб санъати ҳеч вақт на ясси, на иллюзионистик тасвиридан фойдаланған эмас. Ҳеч қачон юзани йұқотишига интилган эмас. Балки тасвирий юзадан фойдаланған. Ичини ва режаларини тузатиб ёки ҳажмини тузәтиб ундан асос сифатида фойдаланған, рельеф каби жуда мураккаб, масалан, Тициан, Рембрандт ёки Дюрер каби ҳажмларни юзада кенг ифода этган грекларнинг ваза ва тасвирий санъатидан тортиб италияликларнинг ренессанси, барокко ва бошқа даврларга хос бўлған бутун класик санъат шундай йул тутган» (В. А. Фаворский. О композиции. Москва, Искусство, 1933 № 1.18- б.).

Юза турли тарзда ифодаланади. Аммо у тасвирий усул асоси сифатида алохіда мазмунга зга бўлған. Ҳамма ерда тасвирий юза асос сифатида мавжуддир. У маконда режаларни ва асосий мазмунни ифода этишига имкон яратади. Иллюзионистик тасвир юзани бутунлай йўқ қилишига қодир эмас. У фақат құш маъноли

ва номатериал ифодаларни акс эттиради, тасвири йўқ қилишга ҳаракат қилиши билан ҳам аслига ўхшатиб юборади.

Чунки иллюзионистик усул ҳаётий шакл тарзини предметларнинг кўриниши шаклига алмаштиради.

Ҳаёлан қайта тасвир этишга интилиш конформистик тенденцияга хос бўлиб, у шаклдан баҳра олаётган мухитни тусиб қуяди ва натижада яккаланиб қолган предметнинг факат амалий аҳамияти бўртиб кўзга ташланади. Тасвирий санъат соҳасидан кейинги йилларда чиқариб ташланган иллюзионистик усулни тилга олмаслик ҳам мумкин. Аммо бунинг иложи йўқ, чунки юзада бирор мазмунни тасвир этиш рассомлар ва томошабинлар орасидаги мулоқотни шу қадар узоқлаштиради, беихтиёр иш мунозарали тус олади.

Энди мунозарани четга қўйиб масаланинг моҳияти ҳакида фикр юритайлик. В. А. Фаворский бу борада саволни шундай қуяди: «Иллюзионистик (хаёлий) тасвир бўлиши мумкин эмас, деб таъкидласа бўлади, лекин унга қарама-қарши бўлган ясси тасвир бўлиши мумкинми? Бўлиши мумкин эмас экан, яссилик ва текислик орасида фарқ бор. Ясси тасвирининг бўлиши мумкин эмас, чунки ҳар қандай тасвир юза билан чуқур мулоқотда бўлади». Ёки яна В. А. Фаворскийнинг тили билан айтганда: «... унинг устида ётган нарса ҳал қилувчи аҳамиятга эга» (В. А. Фаворский, «О композиции», Москва, «Искусство 1933 № 1.18- б. ).

Айниқса, бу ҳол соя тарзидаги тасвирида аниқ кўринади, яссилик тасвир четларига қараб аниқланади ва шунда у гоҳ юзада ётади, гоҳ тасвир ортидаги сатҳ (фон) томон ҳаракатда бўлади. Соя тарзидаги тасвир шакли ижобий (айланади) ва салбий (учбурчак) бўлиши мумкин. Тасвири ҳосил қилувчи марказ ичida жойлашган шаклга ижобий шакл, марказдан ташқарида ётса салбий шакл дейилади.

Мураккаб, турли хил геометрик шаклли қиёфалар заминида ҳосил бўлган тасвирида (масалан, одам сояси) четлар гоҳ фон устига ётади, гоҳ фон уни сиқиб боради ва шундай қилиб, юзанинг тебрачма ҳаракати ҳосил булади. Бу тасвирий ҳаракатдир. Тасвирида чуқурликни ҳис этиш ҳолатини тасаввур этиш, бир чизиқ иккинчи чизиқни тусиб қўйиши ҳолатини мисол тариқасида олишимиз мумкин. Тусиб қўйилаётган чизиқ тўсаётган чизиқ орқасида, яъни чуқурликда қолган ҳисобланади. Сатҳ юзасида тасвирий воситаларнинг кўринишини тасаввур қилиш учун унинг оддий унсурлари бўлган чизиқ, нуқта, юза, доф ва ҳ.к. ларнинг хусусиятларини ҳам билиб олиш зарур. Шуни айтиш керакки, бу барча таърифлар математик нуқтаи назардан эмас, балки амалий тажрибалар асосида берилган.

## Ранг ва унинг тасвирий ифодаси

Инсон үзининг кўриш қобилияти билан табиат яратган барча ранг жилоларидан баҳраманд бўлади. Ёрг дунёни

нурсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, уни рангиз саънати тасаввур қилиб бўлмайди. Табиат узининг ранг-баранг сеҳрли бўёклари орқали қалбимизга қанчадан-қанча қувонч, шодлик, гурур ва кайфият багишлайди. Тасвирий санъатда рангнинг тутган ўрни тоят катта. Рангни кўриш — бу табиатдаги барча нарсаларни бир-биридан фарқ қилишдир. Фарқ қилиш, бу — кўз билан кўрган предмет ҳақида фикр юргизиш, унга маъно-мазмун бериш, қолаверса ранглар воситаси билан улар ўртасидаги муносабатни ифодалаб санъат асарига жон ато этишдир.

Рангларнинг ҳиссий аҳамияти ўз таъсирини инсонлар кўзида гина акс эттириб қолмай, балки уларнинг руҳиятига ҳам таъсир қиласди. Ранглар тарифномаси ўрганилар экан, унинг янги-янги қизиқарли томонлари очилаверади. Ранг орқали дунё сирларидан хабардор булинади. Зангори ёки ҳаво ранг инсонлар фикрини осмон ва денгиз сари жалб этса, сарик ва яшил (кўк) ранглар эса қуёш ва майсазорларни кўз олдида намоён қиласди.

Ранглар соғ физиологик таъсир кучини кишилар кўзида акс эттирибгина қолмай, у сезигига, тафаккурга, дунёқарашга ва эстетик онгига ҳам таъсир ўтказади.

Кишини унинг устидаги либос безаганидек, табиатни ранглар безайди. Тасвирий санъатда ранглар воситасида қувонч, кўркув, ҳаяжон ифода этилади. Ҳатто драматик образларга маъно багишланади. Табиатдаги буюмларга, нарсаларга нисбатан кишиларнинг ижобий ёки салбий муносабатини ифодалайди.

Нарсаларни бир-биридан фарқ қилиш — рассом учун куриниб турган буюмлар рангини, ҳажмини тасвирий воситалар орқали ифодалаш ва таққослашдир. Таққослаш эса, бу кўз билан кўрган предмет ва нарсалар ҳақида фикр юргизиш, яна шу тасвирланмоқчи бўлган буюмни ижод жараённида бадиий санъат асари даражасига кутаришдир.

Рассом кўз илғамас рангларни бир-биридан фарқласа, топа билса, унга маъно юқласа, бу унинг табиатга онгли равища, фалсафий ҳамда бадиий кўз билан боқишидир. Табиатда учрайдиган ранглар асосан зангори, сарик, қизил, яшилдир.

Агар рангларга бадиий образ юкландиган бўлса, уларни қуйидагича таърифлаш мумкин:

Сарик ранг — рангларни ичидаги энг ёруги. Ўзининг ўткирлиги билан интилиш, ҳаракатни ифода этади. Сарик ранг плакат санъатида шартли равища қуёш, тонгги осмон ёки иссиқ ҳаво, жазирама сахро ва ҳоказоларнинг тасвирий образини белгилайди.

Қизил ранг — киши эътиборини жалб қилиш рамзи булиб, ички ҳарорати билан у одамлар қалбини иситади, руҳини кўтаради, ҳамда қувонч, ҳаяжон багишлайди. Бундан ташқари, қизил рангни қалб ҳароратига, қонга қиёс қилиниши бежиз эмас, албатта.

Зангори — бу ранг сарик ва қизил рангларнинг таъсир кучига нисбатан бўғикроқ, сустроқдир.

Ҳаво ранг — ўз таъсир кучи билан қалбга осойишталик багишлайди, инсон хаёлини бепоён кенгликлар сари олиб кетади. Бу уч хил рангнинг ўзаро бирикмасидан кўплаб ранглар жадвалини яратиш мумкин. Агар, зангори ранг билан қизил ранг бир-бирига қориштирилса — бинафша ранг ҳосил булади. Сариқ ранг билан зангори ранг аралашмасидан, яшил, кўк ранг ҳосил бўлади. Қизил билан сариқ рангларнинг қўшилмасидан қовоқ, яъни қизил-сариқ заргалдоқ ранглари ҳосил бўлади. Қизил билан яшил рангни бир-бирига аралаштирмаслик керак, чунки бундай қоришмада ранглар ўз кучини йўқотади ва натижада сифатсиз, хунук тусли паст ранг ҳосил бўлади.

Ранг бирикмаси тасвирий санъат асарининг мазмунига чуқур маъно, тасвирига жон багишлайдиган асосий воситадир.

Ҳозирги кунда, (меъморчиликда) бинолар қуришда ҳам рангдан кенг фойдаланилаётган бежиз эмас. Қадимда меъморий обидалар салобатини ошириш учун, рангли кошинлардан, ганч ўймакорлигидан, бадиий шакл берилган ёғочлардан, тошлардан кенг фойдаланишган.

Лекин, ҳозирги даврда замонавий уйларнинг сиртқи де-ворларга берилаётган бадиий, амалий безаклар, заводларда тайёрлаб чиқарилмоқда. Булар санъат асари талабига тўлиқ жавоб бермайди. Шундай бўлса ҳам турли ранглар ишлатилгани туфайли, у томошибинлар кўзига ўзгача бўлиб кўринади. Ранглар, нақшлар, безаклар санъат асарларида ўз вазифасини ўташ билан бирга, техника ва транспорт воситаларида ҳам зарурдир. Тез ёрдам машиналари рангининг оқ бўлиши, милиция машиналарининг светафор чироқлари рангидан бўлиши, ўт ўчириш машиналарининг қизил бўлиши одамлар руҳиятига сингиб кетган. Узокдан садо таратиб келаётган қизил машинани кўриш билан, ўт ўчирувчи машина экани дарров тушунилади. Касалхона деворларининг яшил ранг билан бўялиши ҳам бежиз эмас. Бу ранг кишиларга хотиржамлик багишлайди.

Фестивал, карнавал ва бошқа байрамларда сержило турли хил ранглардан фойдаланилиши, байрам кайфиятини яна ҳам оширишда кишиларга кўтаринки руҳ багишлишда энг зарур мезондир.

## Қобилият ва меҳнат

Инсон онадан рассом ёки шоир бўлиб тугилмайди. Инсонга ҳаётининг дастлабки кунлариданоқ теварак-атрофдаги мухит, шароит, ҳаётий вожеа ва ҳодисалар таъсир этади. Натижада бола буларга ўз муносабатини билдира бошлайди. Ҳар ким ўз мақсадига, қизиқишига қараб касб танлайди. Қайсиdir бир фанга, санъат ёки ҳунар турига муҳаббати кундан-кунга ортиб борса, қобилияти ҳам шунга қараб ривожланади ва тараққий этади. Инсонда қанчалик тугма иқтидор бўлмасин, у қобилия-

тини такомиллаштириб, назарий билим билан мустаҳкамланиб бормаса яхши ютуқларга эриша олмайды.

Кобилият — бу тинимсиз меңнат, иштиёқ ва ўз устида ишлаштир. Ҳаётда бироннинг фикрини англаб олиш қийин бўлганидек, чизилган тасвирдаги фикрларни идроклаб тушуниш яна ҳам қийин. Бунинг учун рассом услуби жуда равон, фикри тиник булиши зарур. Еш мусавирда бундай теран фикрликни тайёрлаш борасида, ўқитувчилар зиммасига катта масъулият тушади.

Деворий маҳобатли бадиий безак санъати тасвирий санъатнинг бошқа турларидан ўзининг меморчиликка боғлиқлиги, узоқ йилларга мўлжаллаб ишланиши, салобати, кўлами билан фарқ қилади. Маҳобатли безак рассомдан ҳам, мемордан ҳам чукур масъулиятни талаб қилади. Чунки, тасвир андозасининг пишик яратилиши ҳар бир рассомнинг хаёлига (фантазиясига), ҳамда унинг дунёқарашига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Фантазия — бу рассомнинг маҳорати, дунёқарашидан келиб чиқадиган, тафаккур ва тасаввур маҳсулидир. Мусавир ҳаёт сирларини қанча чукур билса, у яратган асар ҳам шунчалик салмоқли ҳамда чукур маъно ва мазмунга эга бўлади. Агар рассом асарда кўрган нарсаларини — предметларнигина тасвирлаш билан чекланса, уларга ифода ва гоя юкламаса, бундай тасвирнинг мазмuni чекланган бўлади. Шунинг учун ҳар бир ижодкорнинг фикр доираси кенг ва теран бўлмоги лозим. Маълумки, ҳар қандай фикр ифодаси композицияда ўз аксини, мужассамини топади.

Ҳаётни чукур ўрганмай, композиция сирларини эгалламай «салмоқли» санъат асари яратилиши мумкин эмас. Композициянинг — фалсафий, романтик, лирик ёки комик томонларига қараб рассомнинг фикр оламини бир қадар аниқ пайқаб олиши мумкин. Ҳаётда қанчалаб муҳим воқеалар содир бўлар экан, инсоннинг унга қизиқиши ҳам, тараққиётга талаби ҳам шунчалик ортиб боради. Одам доимо келажак ҳакида уйлайди. Бундай хаёл суриш жараённida у янги-янги фикрлар кашф этади. Демак, ҳар қандай янгилик, аввало рассом хаёлида, унинг тасаввурида тугилади, сўнгра эса тасвирларда яратилади.

Тасвирий восита — кишилар маънавий дунёсини, онгини сайқаллаб, янада бойитишга ҳамда кишилар табиатда илгаб олмаган нозик ҳис-туйгуларини кашф этишга, воқеа ва ҳодисаларнинг кўзга кўринмас қирраларини кўрсатиб бориш қудратига эга.

Богбон — ҳосилсиз дарахтни ўстиришга рағбат сезмагани, парваришлишни хоҳламагани каби санъат ҳам нафосатга, ҳистийгуга, фикр-мулоҳазаларга тўлиқ бўлмаган асарни инкор этади. Масалан, фалсафа инсон онгини бойитса, нафис санъат асари инсоний ҳислатларни, фалсафий гоя ва ақидаларни ўзида акс эттиради, мужассамлаштиради. Композиция дарсларида баъзи талабалар «Ўйлаган фикримни, қоғозга аниқ

тушираолмаётибман» деб қолишади. Асар композицияси расом фикри билан унинг ҳаракатига, услугуга, ифода этиш воситаларига маҳоратига ҳам боғлиқ. Демак, мусаввир фикри тасвириләётган буюмiga күчади, яъни фикр ижодкор қули билан тасвирий восита орқали ифода қудрати касб этади.

Рассомнинг қўл ҳаракати, услуби, фикри бевосита бир мақсадга йўналганда композиция ўзининг аниқ ифодасини топади. Ҳар бир ижод кишиси, жумладан мусаввир, қўлига қалам олар экан, у бутун идроки, сезгисини, фикрини шу қаламга жалб қила билиши лозим. У ўз асари — «севгилисига» айтмоқчи бўлган сўзини юракдан чиқарип айтса, бундай шароитда яратилган асар ўзгаларни асло бефарқ қолдирмайди.

Фикр юритиш инсон учун муҳим эҳтиёж ҳисобланади. Фикр юритишдан тўхташ эса, яаша хуқуқидан маҳрум бўлиш билан баробардир. Фикрнинг тасвирий ифодаси, унинг салбий ижобий жиҳатларининг қай дараҷада акс этиши образ устида қандай машқ қилинишига боғлиқ. Шунинг учун ёшларнинг бир мунча содда фикрларини ижод торозусига солиб, уларни фалсафий, эстетик жиҳатдан тўғри йўлга йўналтириш тажрибали расом — муаллимларнинг муҳим вазифасидир.

«Моромига етган композиция» ёш ижодкор рассом маҳоратини белгилайдиган бирдан-бир улчовдир. Бу улчовни бўлажак мусаввир ўз фаолиятининг илк кунларидан бошлаб бир зарур сезги сифатида қалбига жо этиши керак. Негаки композиция ҳар қандай асарнинг муҳим асоси бўлиб, мазмунига янгича маъно, шаклига янгича услуб, ифода воситаларига ўзига хос бир ранг, тил бахш этади.

### Анъана ва миллий услуб

Анъана — гоҳида билиб, гоҳида билмай мурожаат этадиган кўҳна бисотимиздир. Анъана ҳалқимизнинг ҳам маданий, ҳам маърифий нафосат ҳазинасиdir. У миллий санъатимиз ривожланишининг энг муҳим шартларидан бири бўлиб, ўз ичига дунёқарашимизни, миллий хусусиятларимизни ва тафаккуримизни қамраб олади.

Қадимий санъатимиз анъаналари композиция услубларида давр талабига қараб янгиланади. Бу ҳол тадрижий табиат қонунига мос равишда кечади. Шу аснода инсонлар онгига ўз таъсир кучини курсатиб, уларнинг ҳаёти, кувонч-ташвишлири ва эстетик талабларига мослашиб боради.

Қадимий санъатимиз анъаналаридан фойдаланиб композиция яратган ҳар қандай ижодкор қадимий услубларни ўз онгига яшаб турган янгича замонавий талабдан келиб чиққан ҳолда, ҳаётий тажрибаларига боғлаб янгилашга интилади.

«Сегоҳ» куйини пианино, орган ва ҳозирги замон эстрада чолгу асбобларида ижро этилгандаги ҳолатни эслаб кўрайлик. Эстрада мусиқаси аксарият ёшларга ёқадиган оҳанг. Айрим

ёшларимиз түшунчасига, қарашлирига күра, балки бу «янгича сегох» давр талабига мос келар. Лекин «сегох» күй ўзининг яратилган замони талабига кўра хазин, дардли мусиқа бўлиб, нола ва ғам-ташвишларидан келиб чиқсан садодир.

«Сегох» күйини айнан миллий мусиқа асбобларида ижро этиш керак, чунки бу күй ўша давр кўхна чолгу асбобига мос равишда яратилган. У бошқа, замонавий чолгу асбобларида қанчалик усталик билан ижро этилмасин дастлабки таъсирини тўлиқ бера олмайди.

Тажриба шуни кўрсатадики — табиат бизнинг ақлими, сезгимиз, дид ва фаросатимизни ижодий юксакликка олиб чиқа олса, замонлар яратган анъана ва удумларни янги фикрлар, хис-туйгулар заминида халққа тақдим эта оламиз.

Ҳар бир ижодкор ўз шахсий услуби «дастхати» билангина ўзига хос қайтарилиш образ яратиши мумкин. Айрим ижодкор учун эса бу тасвир ва таъриф баъзан тўгри келмайди. Чунки ҳар бир рассом ўз дунёқараши орқали нимага қодир бўлса, ана шуни яратиши мумкин. Янгиликни кашф этувчи мусаввирнинг «янги» тасвири табиий атроф мұхитга, жамики нарсаларга ва албатта, реал даврга, шарт-шароитга тўлиқ жавоб бериб, сиёсий, ижодий эстетик хизмат вазифасини уташи лозим. Асар яратувчи рассом, албатта, ижодий жараёнда миллий анъаналарни тили, кийими, шакли ва турли унсурларни мавзу орқали томошабинга етказиши шу композиция моҳиятини янада чукурлаштиради.

Аслини олганда, бадиий анъана назарияси эстетика, адабиётшунослик ва санъатшунослик фанлари ҳамкорлигига пухта ишлаб чиқилиши керак. Аммо вазият шундай бўлиб қолдики, ханузгача санъатшуносликда тасвирий санъат соҳасида анъананинг энг умумий назарий жиҳатлари ҳам кўриб чиқилмади. Улар айрим даврга хос мактаблар, йўналишлар тадқики билан чекланиб келмоқдалар, холос.

Табиат қонунига биноан яратиладиган ҳар бир «янги» асар композицияси мазмуни, ўз даври ижодкорлари томонидан қайтадан янгиланиб, шаклан, мазмунан бойитилиб, томошабин эътиборига ҳавола этилаверади.

Санъат қонун-қоидаларига кўра ўша композиция мавзуи ўз замони талабига мос келади. Зарур бўлганда эса ўз қийматига эга ҳолда қайта тузилади ҳамда санъат асарлари сафидан «янги» асар сифатида ўз ўрнини топади. Такрор бўлишидан қатъий назар тасвирий ифодаси орқали шаклан янгилик сифатида намоён бўлади. Чунки, ҳар бир рассом ишининг сифати унинг шаклий хиссиётларига, руҳий оламига, ўз композицияси ни қандай шароитда, қандай хис-ҳаяжонлар, кечинмалар оғушида ифодалаганига ва унинг тасвири қай даражада юзага чиққанига боғлиқ.

Композиция мавзуининг янги бир куринишда қайта намоён бўлиши инсон кечинмаларининг хилма-хиллиги ва бир-бирига

ўхшамаслиги, бетакрорлиги, шунингдек, турли замон анъаналарининг муайян композицияга ўзига хос тарзда сингиши билан боғлиқдир.

Композиция мавзуининг доимий такрорланиши, айниқса, наққошлиқда яққол кўзга ташланади. Қадим-қадимдан узлуксиз давом этиб келаётган наққошлиқ анъаналари, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлигининг ўзига хос мукаммал композициялари узок йиллар мобайнида кўп марталаб такрорланишига қарамай, ҳар бир давр талабига мослашади. Наққошлиқда бир услубни иккинчи услуб билан қўшиш, уни яхлит бир шакл қилиб яратишдаги моҳирлик натижасидир. Айнан шу ҳол композицияни «янгича» қилиб ҳам кўрсатади. Миллий анъаналарнинг узок яшашига сабаб, улар ўз яратувчилари томонидан доим шаклан бойитилгани, янгиланганидадир. Айланма, такрорий жараён эса узлуксиз занжир каби бир-бирига боғланиб кетади. Бу ижодий жараёнда пайдо бўлган яхлитлик ва умумийлик булажак композицияни янада барқарор бўлиб қолишини таъминлайди.

## II БОБ

### АМАЛИЙ САНЪАТНИНГ КОМПОЗИЦИЯ ТУРЛАРИ

Тарихий манбаълардан маълумки, ўзбек халқининг ҳаёт тарзи қадим-қадимдан амалий санъат билан боғлиқ. Халқ шухрати дунёга таркалган сержило амалий санъатни асрлар мобайнида вужудга келтирди. Бу санъат ўзининг ранг-баранглиги ва гузаллиги билан машҳурdir. Ўймакорлик, кулолчилик, мисгарлик, заргарлик ҳамда матога гул босиш ва гул тикиш, зардўзлик ва йўрмадўзлик Узбекистонда қадимдан ривож топиб келаётган амалий санъат турларини ташкил этади. Шунингдек каштачилик санъати ҳам ижоднинг энг оммавий шаклларидан бири бўлиб келган. У билан асосан хотин-қизлар шугулланишган. Келинчаклар уйлари деворларини безайдиган кашта ёки бошқа бадиий безаклар, архитектурада қўлланиладиган маҳобатли безакли суратлар билан уйғуналашиб, ўзига хос яхлитлик ҳамда бир бутун тасвирий кўриниш касб этиб, ягона аўсамблни ташкил этади.

Хозирда каштачилик ҳам амалий санъатнинг бошқа турлари қатори давр анъаналарини узида акс эттирмоқда, яъни, фантехника ютукларидан баҳраманд бўлиб, ўзгача бир руҳда шаклланиб бормоқда. Бу борадаги ютуклардан қувонсакда, аммо маълум вақт каштачилик ўз қимматини йўқотгандек туюлди. Лекин республикамиз мустақилликка зришгач, каштачилик санъатига бўлган талаб кучайди. Каштачилик ҳақида гап кетганда, бу санъатдаги кенг тарқалган ва тараққий этган нақш турларини эсга олиш жоиздир.

Нақш — Ornamentum (лот). демакдир. Нақш ўз тузилиши

жиҳатидан тасвир оҳанги (ритм) қоидаларига риоя қилади ва қатор-қатор бадиий унсурларнинг қайтарилиши туфайли вужудга келади. Накш ўз композиция тузилиши жиҳатидан тасвирий-ритмик йўналиш ташкил қилса, биз уни бошдан оёқ кузатиб, завқланиб томоша қиласиз. Нашқ асосан безак ишлари учун фойдаланилади. Наққош бошқа унсурлар билан бир қаторда ўсимлик барглари шакли ёки гулларидан ҳам, уларнинг рамзий чизма тасвиридан ҳам фойдаланиши мумкин. Замонавий наққошлик композициялари ҳам ўзига хос анъанавий тасвирлар негизида қайта ишланади. У асосан тасвир ва ранглар оҳанги бирлигida юзага чиқарилади. Композициянинг муҳаммал бўлишида муҳим роль ўйновчи оҳанг (ритм) эса санъатнинг барча соҳаларида мавжуддир.

Ҳар қандай ижод намунаси, санъат асари бизнинг сезгимизга таянган ҳолда гўзалликни, нафосатни ўзида акс эттириб, ҳалқ мулкига айлангандагина ўз даври ҳақида ҳам гувоҳлик бера олади. Иккинчи томондан, ҳалқ мулкига айланган ҳақиқий санъат асари, айнан шу давр талабига жавоб бериш билан чегараланмай, ўтмишнинг ҳосиласи сифатида, «ёдгорлик» санъат намунаси бўлиб ҳам хизмат қилиши керак. Асар қиммати уни санъат даражасига етганлиги билан баҳоланади. Масалан сўзаналар композиция элементларини таққослаб кўрайлик.

XIX асрдаги сўзана-накш унсурлари композициясида безакли нақш ва ганч ўймакорлигига оид нақш унсурлари учрайди. Бу нақшлар тасвирий элементларининг композициясини чукурроқ «мутолаа» қилсак, аслида бир-бирига ўхшаш безаклар эканлигининг гувоҳи буламиз.

1. Кўёш тимсолини акс эттирган фалак шамси — «Шамсан заркор» офтоб нурларини сочиб турган шаклни акс эттирувчи нақшдир.

Наққошлик санъатида «Намоён» усули муҳаммаллашган етук нақш композициядир. У воқеликнинг умумлашган тасвирий образини ўзида акс эттиради. Наққошлик, ганчкорлик ва ёғоч ўймакорлигига у кўпинча нақш композициясининг ўрта қисмida иштирок этади.

Китоба услубидан қабр тошларини, катта дарвозалар, бинолар девори ва улкан иншоотлар пештоқларини безашда фойдаланилади.

Муқарнас услубидаги нақшлар меъморчиликда бўрттириб, қабарик шаклда қўлланган тасвирий композиция унсурлари-дандир.

Мавж — мавжланувчи, яъни «денгизнинг мавж уриб туришини» эслатувчи тўлқинсимон нақш тури.

Марғула — ўраган, жингалак, чатишган деган маъноларни англатган нақш турларидан бири.

Гирих — (форсча сўз.) тугун, чигал маъносини англатиб, композиция шаклининг асосий турларидан биридир. Ундан

меъморчилик ганчкорлик, наққошлик ва ёғоч ўймакорлигининг ҳамма соҳасида фойдаланилади.

Нақшларнинг турли хиллари уларнинг тузилиши, шаклига монанд номланади. Ҳозирги замон наққошлари композицияларига кириб келган пахта ва ҳар хил фан-техникага оид рамзий белгилар шундан далолат берадики, ижодкор яшаётган замонасидаги узгаришларни, унинг ютуқларини четлаб утолмайди. Шу боисдан ҳам ҳозирги нақшларда замонавий унсурлар иштирок этувчи кўплаб композициялар учраб туради. Наққошлар композиция яратишда ота-боболаримиз меросига мурожаат қилиб, ўзларининг янги, қўшимча нақш белгиларини киритишга, янгича шакллар кўшишга интиладилар. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, усталар ганч ёки мармар ўймакорлигига сополга ўйилиши лозим бўлган нақш ва безакларни бўёқлар ёрдамида чизиладиган нақшлар композициясига моҳирлик билан киритиб вобаста қўллаганлар. Бундай синалган усуулларни ёғоч ўймакор усталари ҳам ўз навбатида соҳага мослаб туриб тақрорлаганлар. Нақшлар композицияси таркибий тузилиши хақида тасаввурга эга булиш, улардан айримларининг ифодавий белгиларини билиб олиш учун «Ислими» нақшининг турлари билан танишамиз.

1. «Шобарг ислеми» катта барглар шаклини ифодалайди ва кўп қўлланади.


2. «Меҳроб ислеми» ёйсимон айлана шаклидаги рамка бўлиб, нақш композицияси асосан шу рамка ичida тасвиранади.

3. «Ислими турунж» нақшининг куриниши, лимон шаклида булади. У ҳеч қандай нақшга уланмай муаллақ турадиган композиция бўлиб, бошқа бўлакларни яхлит қилиб кўрсатади. Тасвирдаги бир хиллик композицияни шаклий ҳаракатига таъсир этади.

4. «Бодомча ислеми» бу ҳам ўз номига мувофиқ бодомсимон куриницига эга. У турфа шакллардан иборат булади.

5. «Модоҳил» безаги куриниши хилма-хил бўлиб гунча, лола, гул, уч барг ва бошқа шакллардан иборат. Нақшнинг бу тури меъморчиликда, ёғоч, ганч, тош, мис ўймакорлигига, каштадўзликда кенг тарқалган.

6. «Айланма ислеми». Бунда композиция бир хил тартибдаги нақш безакларнинг ўзаро айланма ритмидаги боғланиши таркибидан келиб чиқади. Бир-икки композиция туридаги тақрорий бўлак давомий нақшни ташкил этади. Бундай тасвирий белгилардан ташкил топган нақш композициясини асосан Фарғона ва Тошкент наққошлари кўп қўллаганлар. Улар деворлар сатҳини чиройли шаклли бўлакларга бўлиб, сўнгра шу бўлакчалар ичи «ислеми» нақш услубида безалган. Қадимиий меъморчилигимизда ҳар хил геометрик чизиклар асосидаги юлдузсимон ёки олти қиррали, саккиз қиррали



6- расм. Ганч ўймакорлик композицияси

шакллар ишлатилган. Томонлари аниқ қилиб чизилган бундай белгиларни «гирих» деб аташган. Бундай «гирих»ли композиция турларини ишлаш нақошдан геометрия илмини яхши ўзлаштиришни талаб қилас эди.

Амалий санъат композицияси асосан нақшларга bogлиқлиги билан тасвирий санъат композициясидан ажралиб туради. Бу ердаги ўхшашлик композиция шаклларини бир-бирига мутаносиб, узвий bogлашдир. Амалий санъатдаги нақшлар, гуллар табиий (реал) ҳолатда бўлмаганлиги билан ҳам фарқланади. Чунки, амалий санъат ижодкорлари, реал тасвир мактабини битириб эмас, кўпинча ўз устозларига шогирд тушиш йўллари билан бу ҳунарни тугал згаллаб олганлар. Иккинчидан, ҳақиқий кўринишдаги табиий гулни деворга нақш билан bogлаш анча мураккаб жараённи талаб этади. Бундан ташқари асл табиий тасвир нақш билан унча bogланмайди, шунга кўра нақошлика барча тасвирий воситалар умумлашиб, шартлилик рамзи сифатида иштирок этади. Бу услуб нақош учун ҳам уни бир меъёрда бажариш учун ҳам анча кулайдир. Бунинг ўзгача (реал тасвирили) расм композициясидан фарқини билиб олиш унчалик қийин эмас. Ўзбекларнинг кўпчилиги бу нодир санъат тури-нақошликка қадимдан жуда қизикиб келишган. Уста нақошларга ёшлар шогирд тушиш йўли билан бу касбни згаллаб, мустақил ижод йўлига қадам қўйганлар.

Нақш композициясини яратиш иши рассомдан кўплаб билимларни згаллашни талаб қиласди. Бу борада таълим олишни мақсад қилиб олган талабалар гоят мураккаб синов йўлини босиб ўтишлари лозим.

Табиат қонун-қоидаларини тушуниб этиш қанчалик мураккаб иш бўлса, маданий ва эстетик жиҳатдан юқори савияддаги нақш яратиш ва бошқаларга манзур этиш ҳам шундай мураккаб ва қийин ишдир. Исланиш, фикр юритиш, образларни тўплаш, бунинг учун одамлар ҳолатини кузатиб урганиш тасвирий санъатда композиция яратиш учун ижодий озуқа берадиган асосий манбадир.

Умуман олганда, санъатнинг ҳамма тури бир-бирига bogлиқ. Лекин бу bogлиқлик санъат асарини яратиш қонун-қоидалари, услублардаги фарқлар оркали сезилади. Нақошлик санъатини згаллаган ёшлар мустақил композиция яратар эканлар, таълим берган устозларининг нақш унсурларини қандай қуллаш тўғрисидаги ўгитларини четлаб ўтмасликлари керак. Чунки усулни шакллантиришда устоз катта роль ўйнайди. Қадимий анъанавий усулларни пухта ўрганиш ва уларнинг бир-биридан фарқини тушуниб ётиш шогирдларга катта ижодий сабоқ бўлади.

Тошкент, Бухоро, Хоразм ва Фарғона нақошлик мактаблари услубларида яратилган нақш унсурлари композицияси ҳам, шу композиция сатҳидаги нисбий бўлаклар ҳам ўз «шевалари»-ни намоён этади. Бу шева мактабларини шогирдлар томони-

дан, янги шакллар (құшимчалар) билан тұлдириб борилиши, томошабин күзига бутунлай янгича композиция мавзусини намоён қилади.

Наққошлиқда, яна бир яхши анъана бор; шогирд түшган ҳар бир бола, үз устози измидан чиқмай у үргатган, айтган ишнегина пухта үрганиш орқали үз ижодининг муқаддимасини бошлайди. Бу эса, ҳар бир устоз яратган мактабнинг давом этиши учун, кулай шарт-шароит яратиб беради.

Амалий санъат мактабининг энг муҳим томони шундаки, ҳар бир үкүвчи ижод жараёнини күз билан күриб, шу ишга айнан иштирокчи бўлиб, уни тажриба ортириш орқали эгалладайди. Бундай иш усули азалий урф-одат бўлиб, ҳозирги замонда ҳам талабага билим-хунар беришда энг одил йўллардан биридир. Халқ яратган бундай услугбий мактаблар үзини умрбоқийлиги билан шу кунларда ҳам үз анъаналарига содик ҳолда шогирдлар етиштириб келмоқда.

Нақш композицияларининг яратилиш жараёнини кўздан кечирар эканмиз, ҳар услугбинг үз белгиси, үз тасвирий шакли борлиги, наққошлар томонидан у муайян ўринга жойлаштирилиши ҳамда рангларнинг турини ўзгартириш (комбинация) натижасида янгича жило, янгича композиция кўринишида намоён бўлиши кўринаверади.

Шундай анъаналарни яхши ўзлаштирган ва уни қадрлаган тасвирий санъатда үз мактабини яратган рассомлардан бири устоз Чингиз Ахмаровдир. 1960 йили меъморчилик факультетида бу фан, яъни — композиция дарслари у киши томонидан жорий қилинди. Атоқли мусаввир талабаларга: «Сиз уч йил давомида реал буюмларнинг расмини ишладингиз, композиция предмети эса шу олган сабогингизни онгингизга, фикрингизга сингдирган ҳолда қалбингиз «кўзи» билан кўриб «янгитдан» ифода этишингизни талаб қиласди. Сиз биринчи марта табиатдан олган «маҳсулотингиз»ни яна унинг ўзига (фақат ижодий фалсафий ёндошиш орқали) қайтаришингиз, «янгича» шакл киритишингиз, «композиция» тузишингиз лозим. Кўпроқ, амалий санъатга ёндошишинглар, улардаги рамзий бадиий безакларга назар солинглар» — дер эдилар. Шулар билан бирга устоз мусаввир мўъжаз китобий тасвир композицияларини курсатар ва булар замирида, үзбек халқ достонлари асосида композициялар яратиш лозимлигини таъкидлар эдилар.

Халқ амалий санъатидан келиб чиқиб «композиция» яратиш тасвирни текшириш имконини бериш билан биргаликда бунга қай даражада зришганлигимизни таққослаш, камчиликларни илғаб олиб бартараф этиш имконини беради. Халқ амалий санъатига таяниб композиция яратиш ижодий жараёни бизни анъанадаги махсус назарияга ошно этади, асардаги миллий ўзига хосликни таъминлайди. Айниқса, тарихий мавзуда ижод қилаётган рассомларимиз қадимий меросимизга қайта-қайта мурожаат қиладилар, ундан унумли фойдаланадилар.

Асосий қонун-қоидалар композиция тузишнинг асосий унсурлари бўлиб, узок даврлар давомида рассомлар ижодига мантикли ва эстетик баҳо бериш орқали ёд бўлиб кетган. Кишилар доим табиат гўзалликларига интилган ҳолда ўзлари ҳам гўзал бўлишга харакат қилгандар. Табиий гўзаллик ижодкори табиат бўлса, тасвирий санъат уни тақрорловчидир. Санъат гўзалликни, яна ҳам гўзалроқ кўринишида тақдим этиш сирларини синчиклаб урганади. Демак, бу гўзалликни сақлаб қолиш, ёки уни кенг микёсда намойиш қилишнинг қонун қоидаси бўлмоги керак. Мусаввир томонидан яратилган санъат асари, ана шу қонун-қоидаларга буйсуниб уларга тұла жавоб берадиган бўлиши керак. Композиция эса тасвирдаги буюмларни бир фикрга буйсунишга мажбур қиласидан тадбирлардан биридир. Бундай тафаккур унинг илмий услубиятини юзага келтирди. Демак, композиция тасвирий асарни ифода этиш шакли бўлиб, унинг ташкилий қисмларини ҳеч ажратиб бўлмайдиган мукаммал яхлитликка буйсундиради. Ўзида олам сирларини мужассамлаштириш қудратига эга бўлган композиция ҳар бир рассом томонидан, унинг дунёқарашига монанд кашф этилаверади. Яъни композиция сирлари турли маъно касб этиб юзага чиқаверади. Ҳақиқий санъат асари умрбокийлигини таъминлашда композиция ўтаган ролни бадиий ифоданинг ўзга унсурлари асло ўтай олмайди.

Мусаввир томонидан яратилган тасвирий санъат асарлари композицияси табиат яратган гўзалликларни ўзида образли тарзда мужассамлаштириди. Бу гўзалликнинг умумлашма тимсоли сифатида намоён бўлади. Ҳар қандай илмий муроҳазага аризидиган асар кишиларда саволлар уйғотиши табиий ҳолдир. Композиция ўз ҳажми, тузилиши структураси билан тектоникдир (яъни чуқур ўрганишимизни талаб қилувчи манбадир). Тектоника — буюмлар шакли ва уларнинг тузилиши, яъни кўзга ташланиб турадиган ифодасидир. Композиция бадиий тузилишни ўз ичидаги мужассамлаштириши зарур.

Агар композицияни объектив қонуллар асосида кузатадиган бўлсак, уни бирон бир аниқ қолипга сололмаймиз. Биз табиат яратган мўъжизаларга, тасвирий санъатда ўз мужассамини топган гўзалликнинг афзал томонлари орқали баҳо бера оламиз ҳолос. Шунинг учун ҳам, композицияни объектив қонун-қоидаларга асосланиб бир тизимга солиш қийин. Тизимга (системага) солиш деганда, композиция яратиш эмас, балки ишланадиган композиция андозасини ўзаро жойлаштиришни тушуниш керак. Композиция яратиш жараёнида буюмларга оддий нигоҳ билан қараш, кўриниб турган нарсаларни ўзгартирмай кўчириш, бу ижодий ҳақиқатга тўгри келмайди. Ҳақиқатнинг нисбат даражаси  $2+2=4$  га teng. Тасвирий санъатда эришилган ифода қудрати албатта, ҳисобнинг манфий йуриги билан ўлчанмайди.

Оддий суратдай ҳақиқат, санъат сифатида фойда келти-

ролмайди. Санъат ҳақиқати, бу нисбийлик, предмет ва буюмларни композиция қонунига бўйсундириб, керак булса, улар сонини, сифатини, рангини тасвирий ифода талабига мувофиқ ўзгартиришадир.

## Расм ва архитектура

«Кимки инсон киёфасини юксак ва гўзал қилиб тасвир этиш зарулигини англаш даражасига кутарилса, у ҳамма бошқа нарсани ҳам юксак ва гўзал тасвирлай олади» (Гёте). Об искусстве. Л. М. «Искусство», 1936 г. 10-б.).

Илмни пухта эгалламаган одам, бамисоли қўлтиқтаёқиз юролмайдиган кишига ўхшайди. Инсон уз ҳунарига — меҳнатга қанчалик меҳр қўйса, у шунчалик улугдир.

Ҳаёт мураккаблигини ҳамма ҳам билади, аммо унинг ана шу мураккаблиги сири нимада эканлиги ҳақида ҳамма ҳам мушоҳада қиласкермайди. Шунга қарамай, ҳаёт гўзалликларидан барча кишилар доимо манфаатдор булишга интиладилар. Шунинг учун табиятни асрраб-авайлаш дармонсизланган кишига куч-қудрат багишлаш билан баро-бар бўлган муҳим ишдир. Шундай экан, тасвирий санъат оламига гўзаллик намуналарини табиятдан ўрганганд ҳолда олиб кириш лозим.

Тасвирий санъат тили — бу — дунёқарашимиизга таъсир этадиган образли ифоданинг бир кўринишидир. Агар, илгари бу нарсага етарли даражада баҳо берилмаган бўлса, эндиликда у илмий ва бадиий томондан тадқиқ этилиб ўрганилмоқда. Ҳозирги замон маданиятининг энг муҳим соҳаларидан бири сифатида тан олинмоқда.

Тасвирий санъатнинг ўзига хос тилига тушуниш керак. Унинг мантиқи, шакли, тузилиш қонунларини — яъни бу тилда гапиришни билиш ва ҳис туйгуларни бадиий жиҳатдан ифода қилиш ижоднинг асосий йўригидир.

Меъмор фаолиятидаги энг муҳим нарса — расм чизишни ўрганиш булиб, у орқали уч ўлчамли мухит (чуқурлик)ни аниқлаш, тасвирлаш, лойиҳалаш имконияти тугилади.

Маълумки, тил бизнинг хусусий фикрлаш йўригимиздир. Тасвирий қобилият эса аслида одамнинг руҳий-физиологик механизмида бўлади, шунинг учун бу хусусиятдан кенг фойдаланиш доимий машқлар туфайли юзага чиқади. Ижодкор ўз режаларини амалга ошириши учун расм чизишни пухта эгаллаган бўлиши керак.

Расм — рассомчиликда ҳам меъморчиликда ҳам асосий омил эканлигини ҳар бир меъмор тўлиқ тушуниб етган бўлиши керак. Чунки тасвирий маҳоратсиз фазовий ҳис-туйгуни образли тарзда ифода этиб, курсатиб булмайди. Ижодкор уларни ўз ижодида бирлаштириши ва моҳиятини чуқур ўрганиши зарур. Шундагина меъморчиликнинг талабига жавоб берга оладиган лойиҳачи рассом бўлиб етишиши мумкин. Демак,

расм чизиш маҳоратини узлаштириш, тинмай такомиллаштириш меймур фаолияти учун гоятда кенг уфқлар очади. Меймур учун расм, унинг ижодини бойитиш манбаидир. Расм чизишни билган меймурнинг лойиҳаси бадиий ва фалсафий мазмун касб этади.

Меймурга бу маҳобатли санъатнинг биринчидан, тасвирий санъатнинг дастлабки асосларидан ҳисобланмиш — расм ишлаш, иккинчидан уни бадиий узлаштириш томонлари ўргатилади. Меймурчиликда мутахассисга ўзига хос талаб қўйилади. Унинг ўз ижодида тасвирий санъатдан, маҳобатли расмлардан кўп фойдаланиши унинг маҳоратини белгилайдиган мезон вазифасини ҳам уташи мумкин.

Қаламтасвир чизиш санъатини яхши эгалламай туриб тугал меймурлик тасвирий композициясини яратиб бўлмайди. Мукаммал композиция яратолмаган меймур эса ҳеч маҳал чиройли, бекам-кўст бино қуролмайди.

## Меймурчиликда геометрик шакллар композицияси

Геометрик предметлар ва шаклларни архитектурада қўлланниши ҳаммамизга мълум.

Инсон қадимдан ўзига бошпана қуришни одат қилибди-ки, табиатдан ва табиат ашёларидан унумли фойдаланади. Чўлда яшайдиганлар ўтов, ертўлаларда, тоғлилар эса тош уйларда, горларда кун кечирганлар, одамлар ҳам ўзларига бошпана қурищда табиат яратган шакллардан фойдаланганлар. Буни қадимги обидалар қурилишидан ҳам қуришимиз мумкин. Курувчилар тажрибаларини ошира бориб, ақлу заковат билан иш тутиб, қурилишларда шакл жиҳатидан муайян қоидаларга буйсунувчи композицияни яратишга ҳаракат қилганлар. Бундай қурилиш намуналарига, эҳромларни мисол қилиб кўрсатишмиз мумкин. Улар ўз қўриниши, шакли жиҳатдан оддий геометрик шаклларни эслатади.

Миср эҳромлари пирамида шаклида бўлса, баъзи ерларда бунёд этилган қасрлар бошқа бирор геометрик шаклларни эслатади. Масалан, Самарқанд, Хева, Бухородаги кўхна обидалар ўз тузилиши жиҳатидан кўпроқ цилиндрисимон ва ярим шарлар, кублар шаклидадир.

Инсон мавжуд геометрик шакл (форма) ларга ижодий ёндошиб, аста-секин уларнинг нисбий ўлчовини, ҳажми ва шаклини ўз мақсадиларига мослаштириб ўзгартирди. Албатта, меймурчилик обидаларининг бундай турланиб туришига ижтимоий шароит, миллый урф-одатлар ҳам таъсир қилган. Ана шундай таъсир натижасида пайдо бўлган қурилишлар давр талабига кўпроқ жавоб бериши табиий бир ҳолдир.

Қадимда бир-икки қаватли уйлар орасидан алоҳида ажраблиб кўкка буй чўзган минораларнинг ўзига хос вазифаси бўлган. Бундай миноралар мезанасидан туриб аzon айтиб

халқни номозга чақиришган, ёки бирон маросим, йигин ҳақидаги хабарни оммага етказиш учун фойдаланишган. Бу цилиндрсімөн миноралар, композицион тузилиши жиҳатидан күпинча тугалланған пухта, чиройли күренишларга зәңгірлік, минора уст қисми ярим күнгурға-айланған ёки ярим шар гүмбаз билан тугалланған. Бундай минораларнинг күпчиліги, уй заминига туташкан бўлиб, унинг ташкилий қисмига айланған. Баъзан улар якка ҳолда ҳам қад ростлаганлар.

Якка ҳолда қурилганлари ҳам тўғри тўрт бурчак, ярим айланғанларидан иборат бўлиб, ягона композиция, унинг қисмларидан тартибли оҳангдорлик, ўзига хос яхлитлик, мутаносибликни ташкил қиласан.

Меъморчилик мероси ўрганилар экан, унинг анъаналарини ҳозирги кунда ҳам саклаш, замонавий қурилишларда улардан унумли фойдаланиш ва ривожлантириш зарур.

Афсуски собық иттифоқ даврида буларга зътибор берилмади. Натижада шимолда ҳам, жанубда ҳам бир-бирига жуда ўхшашиб шаҳарлар барпо бўлди. Бу одамларга кўплаб ноқулайликлар тутдириди.

Маълумки, бинонинг кўркамлиги унинг композицион тузилишига, меъморчиликдаги фаол тузилма ва бадиий жиҳатларнинг узвийлигига, зийнатли безаклардан усталик билан фойдаланишга боғлиқ. Шу жиҳатдан ҳам у маҳобатли асарлар, нафис санъат ва ҳайкалтарошлиқ каби тасвирий санъат турларидан фарқ қиласан. Тасвирий санъат воситаларига зәңгірлік ёки ҳайкалтарошдан фарқли ўлароқ меъморчилик асосан геометрик ҳажм билан иш тутади. Меъморчилик қурилишни атроф-муҳит билан боягайди, уни яна ҳам гўзал масканга айлантиради.

## Ҳайкалтарошлиқ, тасвирий санъат ва меъморлик ансамблининг таркибий бирлиги

(Бўшлиқ муҳити, вақт ва ҳажмнинг шаклланиши)

Ҳайкалтарошлиқ ҳам ижодий жараён. Ҳайкалтарош ясаган ҳайкал бадиий образни, маълум даврга хос воқеликни акс эттиради. У ҳар хил пластик ашёвий омиллардан — яъни, тошдан, темирдан ва ёғочдан таркиб топган бўлиши мумкин.

Ҳайкал бадиий томондан меъморлик қонунлари асосида шаклланиши лозим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам асарда ҳажм ва бўшлиқ композицияси, вақт оралиғи узвий бояганишда бўлиши керак. Чунки, ҳайкалнинг пластик ҳолати атрофдаги жамики нарсаларга, хусусан бино ва иншоотларга ҳам боғлиқдир. Ҳайкал биринч навбатда, асосан бадиий образ тузилишига зәңгірлік, бинокорликда эса у қурилманинг конструкторлик бадиий тузилишига зәңгірлік, бинокорликда эса у қурилманинг конструкторлик бадиий тузилишига зәңгірлік.

Тектоника — бу асарнинг бадиий қисмини конструкция ва курилиш ашёлари орқали қўрсатади ва у меъморчиликда, сифат белгиси ҳисобланади. Бу эса меъморчиликнинг муҳим белгиларидан биридир.

Конструкторлик тизимини ўзлаштириш бадиий меъморчиликка боғлиқ бўлган мезон талабига эга шаклни яратиш демакдир. Безак меъморчиликни нафосат жиҳатдан бойитса, шу билан бирга унга миллий мазмун йўналишини ҳам багишлади. Лекин ҳар қандай bezak бериш иши меъёр чегарасидан чиқиб кетмаслиги керак. Архитектура инсон фаолияти ва жамият учун муҳит ҳозирлайди, лекин у ҳеч нарса тасвирламайди. У факат геометрик шакллар мажмуасини яратади, холос.

Аммо архитектура ифода воситаларининг нафосат кучи жуда катта таъсирга эга. Бундай таъсирчанликни оширадиган воситалар қаторига рассомлик, ҳайкалтарошлиқ ва халқ амалий санъати безаклари намуналари ҳам киради. Улар меъморчилик билан уйгунлик касб этувчи муҳим қисмлар ҳисобланади. Табиийки, санъат воситаларининг синтези — умумий ҳолда олинган ҳар бир таркибий қисмининг сифатига ҳам боғлиқ бўлади.

## Ансамбл

Ансамбл сўзини кенг маънода тушунмоқ керак. Масалан ҳар қандай кўркам бино ҳам ёлгиз ҳолда ансамбл саналмайди. Табиийки, мусиқа асбоблари ҳамда ҳайкал ҳам ёлгиз ҳолда ансамблни ташкил қиласди.

Мусиқадаги созлар ҳам, ҳайкаллар галереясидаги асарлар ҳам уз мазмуни ва шакли билан бир-бирини тўлдириши, ҳамоҳангликка эга бўлиш керак.

Масалан, мусиқа асбоблари ҳар хил шакл ва товуш жарангига эга бўлишидан қатъий назар, бир умумий оҳангни яратища хизмат қиласа, ана шунда ансамбл ташкил топади.

Меъморчилик ансамбли иншоотларнинг бир-бирини бойитувчи ва қарама-қарши фикрлар уйғотувчи турли унсурларнинг ягона ва мутаносиб услубда кўриниш ташкил этишидир. Меъморий ансамбл нисбий тушунчадир; унинг тархлари (план), айлана, ярим айлана тўрт бурчак, уч бурчак ва йўлаксимон майдон ҳосил қилиши ҳам мумкин. Бундай майдонлар аниқ чегара билан чекланмайди. Шунингдек, ансамбл тархлари ниҳоятда хилма-хилдир.

Меъморчиликда бўшлиқ расм ва ҳайкал билан тулдирилиб, ўзгача ифода ва мукаммал кўринишга эга бўлади. Расм ва пластика меъморчиликда ўзининг кучли таъсирини қўрсатади, унга таркибий сифат кўринишини ва ташкилий ролни қолдиради. Рассомчилик меъморчиликда ўзининг сержилолиги, рангларининг куч билан кайфият кутарувчи, миллий ва маънавий

Йуналиш берувчи омилдир. Лойиха ҳам тасвирий санъат билан боғланган ҳолда яратилади.

Тарихдан маълумки, меъморчилик, рассомчилик, ҳайкалтарошлик, бадий нақошлик ва амалий хунармандчилик каби санъат турларига таяниб келган. Санъатнинг бу турлари йўғунлик (гармония) ҳақидаги тушунчанинг ривожланиш даражаси ва бошқа шарт-шароитлар туфайли вужудга келган.

## Тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва архитектура.

Санъат асарлари — рассомчилик, ҳайкалтарошлик архитектура намуналари маълум фазовий бўшлиқда ҳосил булади. Бундан ташқари улар ана шу бўшлиқни тўлдириб, шакллантиради.

«Чекланмаган бўшлиқ буюк бўшлиқ». Демокритнинг аниклашича, одамнинг ҳис-туйгуларини органлар билан аниклаш мумкин эмас. Фазо унда материал, жисмлар бўлган ҳолда сезилади. Бўшлиқнинг кейинги ҳолати ундаги санъат асарларининг қанчалик мукаммаллиги билан боғлиқ бўлади.

Биринчидан, бўшлиқ тасвирий санъат ёки пластика орқали тасвирланиши мумкин. Бунда, табиийки, тасвирий санъатнинг имкониятлари чегараланмаган, ҳайкалтарошнинг имконияти эса чегараланган бўлади.

Бадий асарга сарфланган меҳнат ҳайкалтарошнинг асосий тадбирларидан ҳисобланади, ердаги ҳар бир чизик ва ранг рассомнинг ижодий дунёсини белгилайди. Чунки бадий санъат асарининг мазмунини ҳалққа қанчалик ифодали қилиб етказиб бериш мусаввирнинг қобилияти, маҳоратига боғлик. Шундагина мавзу ва муаллиф ижодий меҳнатининг бирлиги (синтези) томошабин мулки бўлиб қолади. Бу ўз навбатида асарнинг эстетик, бадий ифодаси хусусиятларини кўрсатиб, қимматини намоён этиб туради.

Фазовий бўшлиқни ташкил этишни вақт ўлчовисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Инсон бўшлиқни ҳаракат орқали тушуниб боради. Яъни асар таъсири маълум вақт оралигига вужудга келиши мумкин. Бундай таъсир, аникроғи уч вақт ўлчами оралигига вужудга келади: улар ўтган замонда, ҳозирги замонда ва келаси замонда бўлиши мумкин.

Шаклланиш тизими бир-биридан материал ва бўшлиқка муносабатлари, шунингдек, вақт ҳаракатлари билан фарқ қиласди.

Бу факторлар бўшлиқдаги ички композиция ифодаси қонунларини яққол кўрсатиб туради. Уларнинг турли унсурлари ҳам яssi ҳажмга эга бўлади ва бир-бирига тавсиф жиҳатидан боғлиқлиги куриниб туради. Меъморчиликда оддий бўшлиқ ҳолати ҳам вертикал ёки горизонтал, яssi, ялпи тарзда бўлиб, улар оддий геометрик шаклларни келтириб чиқаради. Шунинг учун бундай тарзлар орқали кўпгина бўшлиқ ҳажмлар

шаклланади. Майдон интеръерлари ҳам шу тартибда тузилган бўлади.

Биринчи ҳолатда ёпиқ бўшлиқли ёнгичларнинг жойлашиши девор ҳосил қиласди. Иккинчи ҳолатда эса бинолар олд қисмини (фасадини) ташкил қилиб, уни бойитиб туради. Биноларнинг тик ҳолатини лойиҳалаш меъмордан катта тажриба, чукур билим, юқори даражали маҳоратни талаб қиласди. Мустақиллик майдони сатҳида улкан, баланд монументал бино жойлашган. Унинг кўриниши шу майдонда уни танҳо қилиб қўйган, бу эса майдон меъморий кўринишининг уччалик муваффақиятли ҳал этилмаганини билдиради.



7-расм. Киночилар уйи. Цилиндри-  
мон шаклдан таркиб топган






8-расм. Учта цилиндрисимон асосдан  
иборат «Чорсу» меҳмонхона-  
сининг кўриниши


Ҳозирги пайтда меъморий умумкуринишли ансамбллар ва уларнинг илмий-амалий жиҳатларининг тадқиқоти нисбатан суст тараққий этмоқда. Қадимий бинолар ансамбларини таҳлил қилишимиз натижасида, Бухоро, Хива ва Самарқанддаги ҳозирги қурилаётган кўплаб замонавий меъморчилик иншоатлари қадимги мерос анъаналари асосида ўз тараққиёти такомилини топиши ҳамда ҳозирги фан ва техника ютуқларини ўз гарданига олиб янгиласига ёшариши керак эди, деган хуносага келишимиз мумкин. Аммо янгиласига ҳам эскиласига ҳам бу меросдан кам фойдаланилмоқда.



Бунинг сабаби ҳозирги замонда, айниқса, турар жой қуриш ишига талаб ошганида десак хато бўлмас. Яна бир асосий сабаб эса ҳозирги меъморларнинг миллий меросимизнинг илдизларини ҳануз чукур тушуниб етмасликлари оқибати бўлса керак. Ваҳоланки, меъморлар иморат лойиҳасини чизгандан уни безашнинг барча имкониятларини пухта ва батафсил қилиб ишлаб чиқишилари лозим эди.
















Таун  
Городской Рынок  
СЕВАСТОПОЛЬ







Бундай тадбирлар қадимги мәйморчилигимиңда яққол күзга ташланади. Бүшлиқ композициясини яхши күримли қилиб тузиш, атроф мұхитни чуқур ҳис этиш ва қурилиш мәданияти-нинг юксаклигини аңглаш үрганса арзийдиган анъаналари-дандир.

Бу ҳолни икки вазиятда куриб чиқайлик: биринчисида, мәймор бинони бир бутун яхлит майдон учун лойихалаштириб умумий ансамбл ташкил қылған булса, иккінчисида, бундай яхлитликка, рассом, наққош ва мәйморлар үз ижоди билан иштирок этади. Улар, асрдан-асрга үтиб, құлланиб келаётган миллий анъаналарни мәйморчилікда қуллаб биноларга юксак умумийлик сифатини бергандар.

Синтез — асосан турли санъатларни уйғунликда яхлит ҳолда үз ичига олған бир бутун қилиб бирлаштирган тасвирий санъат, ҳайкалтарошлық ва мәйморлық асари хусусиятидир.

Хар уччала санъат ҳам үз услугб тарзига зәға бўлгани ҳолда, айни пайтда ўзига хосликка ҳам эгадир, аммо композицияда булатни бир-бирлари билан мәйморлик санъати бирлаштиради. Ҳақиқатан ҳам, мәйморлик табиатдаги бўшлиқни муайян ўзак тарзida шакллантириб, инсонлар ҳаётининг иштирокчиси, фаолиятининг меваси сифатида юзага чиқади. Шаклланган ва композицияни ташкил қилувчи бўшлиқдаги безакларнинг барчаси мәйморликдаги икки ўлчам — ҳажм ва сатҳ билан аниқланади. Ҳайкал ташкил қиладиган шакл ҳам асосан ҳажм ва сатҳ билан аниқланади. Уларни идроклашда вақт улчами, кўриш нуктаси, ёргуларни ўзаро муносабати — бўшлиққа нисбатан ё сикилиб кўриниши ёки янада ёрқинроқ ифодаси билан бири иккинчисининг ўрнини алмаштиради, тўлдириб туради.

Кўп киррали шакларни ўзаро умумий, ясама бирикмалари синтези шаклнинг яширин композиция хусусиятларини аниқлаш учун асосий манбаъдир. Шакллар ўзининг ички боғланиши билан кўриш нуктаси вазиятининг умумий ифодасини яхлит кўринишга олиб келади. Бўшлиқдаги унсурларнинг ўзаро таъсири бадиий синтези, аниқ. тартибда бўлиб, фақат композиция тузилиши натижасида ташкил топиши мумкин. Бундай ҳол мәйморликда композиция иштироқидагина ифода яратиб, үз ичига атрофдаги сатҳларнинг, майдонларнинг ҳам таъсирини утказади. Масалан, Регистон ансамблини олиб кўрайлик.

Бу ансамбл ёпик тарздаги қуршовда булмаса ҳам, тузилишига кўра, үз таъсири билан бутун майдон бўшлигини тўлдириб тургандай тасаввур уйготади. Майдон сатҳига жойлашган шаклларнинг ҳар бир қисми, айниқса миноралар, гумбазлар кишига сирли салобатли бўлиб кўринади. Миллий мәйморчилік композицияси үз ичига ҳалқ амалий санъатини — кошинкорлик, наққошлик, ганч ўймакорликларини бирлаштириб, синтез қилиб очиқ услугб сифатида яққол кўрсатиб туради.

Бу ерда архитектура табиат билан уйғунлашиб геометрик схемаларни эмас, балки шакллар санъати намуналарини яратганлигини күрамиз. Бизни қамраб олган мұхит, табиийки, тинмай үзгариб туради, ундағы барча шакллар ҳам вақт үтиши билан үзгарауверади. Лекин шуниси ҳам борки, үзгариш мароми, ритми, мазмуни ҳеч вақт бир хил бўлмайди. Шунга кўра, барча унсурларнинг шакли ўз даврига ва айни пайтда узоқ вақтларга мўлжалланиб яратилади. Бу талаб рассом дунёқараши ва унинг маҳоратига ҳам bogлиқdir. Tasвирий санъатда мұхит билан вақт ўз ифодасига кўра турли қарама қаршиликларни ҳам акс эттиради. Шунинг учун санъат асари умрини вақт билан ўлчаб аниқлаш мушкулдир.

Бундай асарлар савиясини ҳаётга нисбатан ўрганиш лозим. Фақат шу ҳолда асардаги мұхим үзгаришларни тўғри англашимиз мумкин. Ҳаётимиз тимсоли, у ёки бу мұхим бўллаги, бир бутун архитектура ансамблида янгича шакл билан акс этади. Бу асар тарихни давр билан боғловчи композиция қимматини белгилайди.

Демак, вақтни, даврни ҳисобга олмай композициянинг савияси, бадиий қиммати ҳақида ҳукм чиқариб бўлмайди. Бадиий образлар композицияси уларга катта миқёс, бокий умр багишлайдиган улкан бир воситадир.

### Меъморчиликда композиция

Барча мумтоз бадиий воситалар ичиде айниңса композиция-га катта эътибор билан қаралгани маълум. Ҳақиқатдан, ҳажм ва умумий ўлчов муносабатлари ёрдамида яратиладиган шакллар, композициянинг асоси ҳисобланади. Ҳажм ва ўлчов нисбати ҳақидаги муаммолар ечими билан қадим-қадимдан жуда кўп рассом ва олимлар шугулланишган. Леонардо да Винчи, Витрувий, Дюрер, Лосенко ва Шебуев, Мейнер ва Баммес, меъмор ва санъатшунослардан И. В. Жолтовский, Габричевский, Михайловский, Ле Корбюзье, Л. Н. Павлов ва бошқалар бу борада жиддий ишларни амалга оширганлар. Уларнинг илмий ишлари туфайли чиройли шакллар, кўз кўриб қувонадиган архитектура ҳажмлари кашф этилган. Уларни ўзаро узвий боғлайдиган, эстетик қиммат касб этадиган жиҳатлар аникланган. Бундай қонун қоидалар билан ошно бўлган рассом ва меъморлар ўз ижодларида уларни қўллаб, нафосат оламида бебаҳо бўлган мукаммал санъат дурдоналарини яратдилар.

Биз нафосат тарбияси устида сўз юритадиган бўлсак, куз унгимизда аввало тасвирий санъат асарлари намоён бўлади. Аммо тасвирий санъат билан доимий алоқада бўлган меъморликни камрок эслаймиз. Аслида гўзал, мукаммал кўринишга эга бўлган биноларни кўришдан олинган завқ ҳам бевосита тарбияловчи вазифани ўтайди. Эстетик тарбия воситасини ўтовчи борлик ва ундағы жонли ҳамда жонсиз

мавжудодлар каби архитектура ҳам, бизнинг кундаги ҳаёти-мизга маънавий мазмун багишлаб ўз самарасини кўрсатиши керак. Ҳаётнинг курратли оқими овозидан, уни талқин қилаётган буюк санъатнинг нозик фикр ва ибораларидан доимо хабардор бўла олмасак ҳам, меъморчиликда шаклланаётган, кўз ўнгимизда қад ростлаётган санъатдан тезроқ хабардор бўлишимиизга имкониятлар бор. Ҳар доим «яҳши нарсанинг фарқини кўролмаган кўз, дидсизликка ҳам тез ўрганади» деган ибора бежиз айтилмаган. Чунки ёмон нарса, кўз олдингизда намоён бўлаверса, кўз ҳам бу бемаъни ахборотни узлуксиз қабул қилишга мажбур бўлиб, онгимизга ўтказиши табиий ҳол. Демак, киши барча кўрганларини бефарқ, бемулоҳаза қабул қилаверса, у оқибатда яҳши билан ёмоннинг фарқини ажратолмайдиган бўлиб қолиши мумкин экан. Лоқайд, дидсиз одам учун чиройли шаҳар қиёфаси ҳам яҳши санъат асари ёки ажойиб табиат манзаралари ҳам ажабланарли эмас. Ҳар қандай гўзаллик сирлари қулфини очадиган қалит бор, у ҳам бўлса, фаросат ва диддир, десак янглишмаган бўламиз. Ижодкор меъмор ўз лойиҳасини яратга бошлар экан, аввало бўлгуси «композиция»нинг тархини аниқлайди. Уни ҳар тарафлама асослаб одамларга, атроф муҳитга нисбатан масштабини танлайди. Бундай мақбул масштаб танланиши бўлажак бино учун жуда муҳимдир. Масштабда майдонга нисбатан, шу бино баландлигини одамлар ўз тасаввурларида яхлит ҳолида қабул қилиши, ҳамда уларнинг томоша қилиш имкониятлари ҳисобга олинади. Рассом бадиий юксак безак композициясини шаклан яратишидан аввал меъмор унга ажратган объектнинг нисбий ўлчамини билиб олмоғи лозим.

Агар меъмор тикланадиган бинони лойиҳалаш даврида ҳам рассом билан бирга иш олиб борса, бу жуда ҳам яҳши натижа беради. Чунки, уйга ишланадиган барча тасвирий безаклар айнан шу бинога тааллукли либос бўлмоғи керак. Тажрибадардан шу нарса маълумки маҳобатли безакларнинг ҳаммаси ҳам ҳар қандай деворга мос келавермайди. Бу ҳолда деворнинг қай ҳолатда таъсирчан кўриниши, унинг композицияси, томошабин билан қандай муносабатга киришиши ҳам катта аҳамиятга эга. Шу сабабдан томошабинга нишбатан кўриниш нуқтаси, масштаб ўлчови аниқ топилган бўлиши керак. Масалан, тасвирий шакллар катта ҳажмда ишланадиган бўлса, девор сатҳи кўзимизга кичик бўлиб кўриниб қолади. Тасвир кичик ҳажмда бўлса, девор сатҳи кўзимизга каттароқ бўлиб кўринади...

Масштаб — томошабинга нисбатан кўриш нуқтасини ҳисобга олган ҳолда, тасвир текислиги сатҳига нисбатан олинади.

Одатда деворий расмлар темпера ва минерал бўёқлар билан ишланади. Бунда девордаги ранглар мажмуаси орқали ҳосил бўладиган, акс этадиган предмет ёки безакларнинг томошабинга кўринадиган нисбий ўлчовини ҳам аниқ ҳисобга олган



9- расм. Шарқшунослик институти  
деворига ишланган асардан  
бир куриниши

бўлишимиз лозим. Агар уни базалт тошлар, смальтадан фйадалини мозаика усулида ишланадиган бўлса, қанча оралиқда яхши кўринишига мулжаллаб уларнинг ҳажми аниқланади. Борди-ю, томошабин тасвирни яқин масофадан қабул қилса, унда тасвир сатҳидаги тошларнинг бўлаклари кичикроқ, агар узоқ масофадан қабул қилинса, бу ҳолда тасвирдаги тош бўлакчаларини каттароқ ҳажмда олиш мумкин.

Мисол тариқасида Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров томонидан Шарқшунослик институти фойесига ишланган деворий суратларни олайлик. Баландлиги 270 см бўлган девор сатҳи билан томошабин оралиғи унчалик узоқ масофа эмас. Рассом шуларни ҳисобга олган тарзда композициядаги персонаж киёфаларининг тасвирини 70—80 см катталиқда олган, яъни девор сатҳини тасвирдаги одамларга нисбатан 3—4 маротаба баланд булиб кўринишига имкон яратган. А. Ган Санъат саройи фойесига ишлаган деворий расм бунинг аксиdir. Чунки томошабин зинапоядан кутарилар экан, тасвирдаги одамлар киёфасини бутун буйи бости билан, яхлит қабул қилаолмайди. У одам танаси тасвирининг ярмини биринчи қаватда кўрса, қолган ярмини иккинчи қаватга кўтарилигандагина кўради.

Бунинг сабаби мазкур паннода одамлар катталиги девор сатҳига ва шу майдон оралигига нисбатан жуда катта олинганилигидадир. Рангтасвир асари, рассом томонидан бир нуктали томоша майдони орқали идрок билан ишланади. Бунда ранг-тасвир асари иллюзияга ўхшаб, чуқурликлар, кенгликлар орқали ва предметлар рангининг оч ёки туқлиги, катталиги, перспектива қоидасига асосан қисқариб, ёрқинлашиб кўриниши акс этади, гуё деразадан табиатни ром орқали кураётгандек росмана қабул қилинади. Деворий расмлар шакли ва ранги учун перспектива нуктасининг, табиий иллюзияли кўринишнинг унчалик аҳамияти йўқ. Чунки, деворий расмларнинг томоша нукталари жуда кенг булиб, перспектива нукталари ҳам ҳар турли ва куп бўлиши мумкин. Бироқ, бу тасвирлар архитектура қонуниятларини бузиб юбормаслиги керак.

Композицияни яратиш учун безак унсурларини ўзаро боғлаш қанчалик зарур бўлса, тасвирни обида сатҳига, яъни муайян объектга боғлаш, масштабини аниқ ишлаш ҳам шунчалик мухимдир. Биз, расм ва унинг нисбат ўлчови ҳақида сиз юритар эканмиз, шуни айтиш лозимки, нисбий ўлчовларни Қатъий бир қолипга соладиган муайян қоида йўқ. Аммо ҳар бир Мусавириларнинг уз ижодий ақидаларига асосан яратган ижодий маҳсулотларининг ибрат қилиб олса буладиган ижодий томонлари, ютуқлари мавжуд.

Меъморчилик иншоотлари лойиҳаларини яратишда, қадимдан дасм бўлиб келаётган одамга нисбатан олинадиган ўлчов, Курилишнинг ҳажм ўлчови, деган қоида вужудга келди. Одам Эҳтиёжларига тулиқ жавоб берадиган меъморлик иши асосли

жисобланади. Чунки ҳар қандай бино инсоннинг яшаш шароити ва табиий иқлим хусусиятларига мослаб қурилиши керак. Уй жойнинг ҳажми ва унинг миқёси ҳам шунга мос равишда белгиланади. Меъмор бирор иморат лойихасини тайёрлар экан, ундаги масштаб ўлчовини курсатиш учун, бир четига, одам тасвирини ҳам чизиб кўяди. Шунда лойиханинг ҳажми қандай бўлишини англаб олиш унчалик қийин булмайди. Аммо маҳобатли — бадиий тасвирдаги масштаб бутунлай бошқача бўлиб, муаммо ана шу аниқ девор сатҳидан ва у билан томошабин оралиғидан келиб чиқади. Гоҳо унга танланган мавзу композициянинг турли ўзгаришларига сабаб бўлиши мумкин. Деворга маҳобатли рангтасвирлар ишлайдиган мусаввир ҳам ўз композициясини яратар экан, унда акс эттираётган шаклларининг бир четига одам тасвирини чизиш орқали масштаб миқёсини маълум қиласди.

Миқёс ўлчовини курсатиша, бино композициясининг ҳажми ҳам мухим аҳамиятга эгадир. Бино кўламишининг даражаси унинг дераза ва эшиклари ўлчовидан ҳам сезилади. Агарда деразалар ўлчами кичик бўлса, девор сатҳи кўзимизга катта бўлиб кўринади. Аммо кичик ўлчамдаги дераза эътиборимизни узоқ ўтмишга ҳам қаратади. Борди-ю, иморат ўлчамини ўзгартирмай унга катта ҳажмдаги дераза, ойналар қўйсак, гўё уй энди кўзимиз олдида янгича, замонавий кўриниш касб этгандек гавдаланади. Демак, миқёс (масштаб) ўлчови, ҳажм ўлчови билан чамбарчас боғлиқ экан. Масштаб ўлчови билан бирга, улар орасини белгилайдиган «қадам оралиги ўлчами» (метрик такрор) ҳам мавжудdir. «Қадам оралиги» композицияда ёки (айрим қисмларнинг), кетма-кет бир хил такрорланишида ҳам учрайди. Айвон олди устунлари оралиқ масофасининг бир хил тақсимланиши, улар орасига ўрнатилган қирма панжаралар қаторининг бир хил такрорланиши бунга яққол мисол бўла олади. Уй тепасидаги новолар оралиги ўлчамлари ҳам қадам ўлчамини ҳосил қилиб, шу бино ҳажмига ўз таъсирини кўрсатади. Устунларнинг бир хил оралиқда ўрнатилганлиги, уйни кўзимизга баланд, уларнинг оралиги бир хиллиги айвонни бежирим ва шинам қилиб кўрсатади. Бунда устуннинг йўғон ёки ингичкалиги ҳам мухим роль йўнайди. Баланд шифтли айвонга қўйилган ингичка устунлар унинг юкини анча енгил қилиб куресатади, бинонинг бўйига буй кўшади.

Устуннинг йўғон бўлиши бино юкини устун ўз зиммасига олганини кўрсатади, айвоннинг салобатини оширади. Аммо буларнинг ҳаммаси композиция масштаби ўлчови билан иморатнинг умумий ҳажмига мутаносиб бўлиши керак.

Акс ҳолда иморат хуснини арзимаган камчилик билан бузиб қўйиш мумкин. Тасвирий санъатда эса «қадам оралиги» учрамайди, мақсад ранглар уйғунлиги ёки уларнинг ўзаро қарама-қаршилиги — контраст билан ҳал қилинади.


## Ҳажм, бүшлиқ ва фазо

(Архитектурада композициянинг аҳамияти)


Бажариладиган ижодий ишимиш мазмуни, савияси ва унинг ҳажми маълум даражада ўзимизга боғлиқ. Тасвирланадиган шаклнинг аниқ миқёси, кўриниши объектив қонунларга асосланган ҳолда аникланса композиция воситаси билан унинг таркиби ва бўшлиқ тасвирининг боғланиши тасаввур қилиниши мумкин. «Ҳажм ва бўшлиқ» бу бизнингча тасвирланмоқчи бўлган буюмларни фаҳмлашимиздан келиб чиқадиган тасаввур маҳсулотидир.

Куб, призма, пирамида, конус ва цилиндр каби шакллар энг оддий ҳажмлар бўлиб, бўшлиқда, яъни фазода уларнинг ҳажми қандай кўриниш касб этиб жойлашишини иккиланмай, якъол тасаввур қила оламиз. Бундай содда нарсалар тасвирини, уларнинг ўзаро кесишмасидан ҳосил бўладиган бироз мурakkаброқ шаклларнинг, умумий чизмасини ҳам осонлик билан


A



Б




В



10- расм. А — Чегараланган катта бушлик  
Б — Залнинг тепадан ёритилиши ички бўшлиқнинг ёнгил куринишини таъминлайди  
В — Очик бушлиқлар балкон (айвон) лардан иборат

шроклаб ажрата оламиз. Борди-ю, шундай шаклларни бир йўла, ўзаро кўп турдаги боғланишдаги композициясини тасвирласак, уларни маҳсус билим орқали ўрганиб, мавжуд қонун-қоидалар асосида мушоҳада қилишимизга тўғри келади. Демак, мураккаб шаклларни ифодаловчи композицияни яратмоқчи бўлсан, ундаги маънони юзага чиқариш учун аввало ўзимиз маҳсус билимга эга бўлмоғимиз лозим. Унинг ҳажми, бўшлиқни эгаллаб турган тузилиш структурасидаги яхлитлик-нинг келиб чиқиш аломатларини ўрганишимиз зарур. Биз асар хусусиятига, мазмун қўламига ва асосий маънони англатувчи шаклларнинг бошқа қўшимча шакллар куршовида ўзини кўрсатиб туриши, улар ўзаро муносабатининг аниқ ечимини келтириб чиқаради. Бундай қонуниятни бузиш эса бегона қўшимчаларнинг тасвирини олдинги қисмга олиб чиқиб, асосий шаклни ёлғизлатиб қўяди. Таянч нуқтаси марказига асосланиб яратилган бино макети тузилишини мисол тариқасида кўриб чиқайлик. Унда бино марказий нуқтасидан теварак-атрофнинг кўриниши, унсурларнинг ўзаро жойлашиши нисбатан бир хил



11-расм. Меъморий композициянинг соддадан мураккабга ўтиши жараени

узоқликда булиб, олти қирралы айланы марказига нисбатан томонлари бир хил, тенг ҳолатда тақсимланган.

Айнан шундай қонуниятга түлиқ риоя қилинмай ишланган бир бино макетини ҳам куралып. Бу бино нусхасыда марказ таянч нұктасига мувоғиқ ҳажы ва холатда үңг ва сүл томонларининг үзаро муносабати бузилғанлыгини күрамиз. Саккыз бұлак геометрик ҳажмларни үзаро бир бирига нисбатан, мұраккаб құшилмаси шуни күрсатады, үнг томондаги 1, 2, 3 бұлакларни жойлашиши, масштаб ҳажміга номувоғиқ, оғир эканлиги сезилиб турибди. Бу күринищда бинонинг асосий маркази топилмаган. Шу боис, унсурларни үзаро жойлаштырыш мәймөрдан үй композициясими айнан ҳажм, масштаб ва фазо бүшлигіга нисбатан муносабатининг объектив қонунларини чукур ҳис этган ҳолда ишлашни талаб қиласы.

Маълумки, ота-боболаримизнинг анъанавий бинокорлик санъатини рад этиш янги тұла-туқис миллий мәймөрчилик намуналарини яратышга тұсқынлик қиласы. Чunksи, янги эскининг заминида яралади ва замонга мослашиб такомил топади. Миллий рухни чукур ҳис этмаган мәймөр бир-иккита қадимий миллий нақш намуналарини янги бинога бир оз мослаштириб осиб құйғани билан, европача асосға зәға бинони үзбек миллий анъаналарига мувоғиқлаштира олмайды. Масалан, Тошкент марказий универсал магазинининг ички қисми миллий безаклар билан тұлдириб ташланишига қарамай, бинода миллий рух мұтлоказ үйік эканлиги яққол күриниб турибди. Демек, маълум буюмлар шаклан бүшлиқта, фазога нисбатан муносабатда үзининг тектоник ҳолатини англатиши шарт. Бинонинг асл қарастерини фақат ички безаклари змас, балки унинг ташқи тузилиши ҳам белгилаб беради.


Мәймөрлик ва тасвирий санъат бирлигини яратында, композициянинг вазифаси — яхлитлик ва умумийлік мутаносиблигини топищдан иборат булиб, шаклларнинг умумий фикрга бүйсуниши асосий мезон ҳисобланади. Аммо, үзаро бүйсундирилған бу мутаносиб болганищда унсурлар бир-бири билан зұрма-зұраки болғанғани күриниб турмаслиги керак. Бу ерда, композиция тузилишини асосан, объектив қонун-қоидалар асосида ташкил топадиган шакллар ташкил этиши керак. Композиция қоидасидан четта чиқылса ортиқча безаклар натижасида имаратнинг ҳажми ҳам, девор сатқи ҳам умумий күринишини бетартиб қылиб юбориши мүмкін.

Шунинг учун ҳам аввало чукур үйлаб, сүнгра лойиха чизиш ва бу жараёнда объектив қонунларга жумладан, композиция қоидасига қатый амал қилиниши керак. Чunksи, шакл тузилиши мутаносиблиги фақат ижодий изланиш жараёнидағина сайқал топиши мүмкін.

Тасвирий санъат — дизайнда ҳам, архитектурада ҳам ижодий тадбір сифатида құлланиб, композиция яратып воситасига айланади. Композиция воситасини ижодда яхши құллаган

Курувчи меъмор яратган бино ўзининг сифатлари билан киши кўзини кувонтиради: бир қанча оддий архитектура композицілари кўрсатилган. Бу ўринда шуни кузатиш мумкинки, ҳажм фазо структураси (ХФС) ва тектоник боғланиш бу ифодавий муносабатларнинг ҳаммасига боғлиқдир.

а — модели жиддий таъсир ўтказмайди. У тошдан қилинган, оғир ҳамда тирговичи қўпол, оралиқ қадамлари яқиндир. Бутун бўшлиқ материал билан тўлган, натижада бу моделда ҳеч нарса яхши кўрсатилмаган ва намунада тектоник нағислик, гўзаллик етишмайди;



12-расм. Ҳажм, бўшлиқ ва фазо

б — модели эса нисбатан яхшироқ кўринишга эга. Ундаги устунлар ингичкалашган, шунинг учун бўшлиқ очилган;

в — моделида тўртта тирговичдан фақат иккитаси қолган, тўсин архитравнинг узоклашган иккинчи тирговичига ётган. Лекин бундан кутилмаган натижа келиб чиқкан, тузилма (конструкция) бачкана чиқкан. Чунки тошдан қилинган тусин шакли ва безаги фақат тошга ярашади. Бундай қатта оралиқда ёғоч тўсин синади. Тектоник жараён бу ерда бироз ишонарли чиқмаган. Тўгри, бундай оралиқ булиши мумкин. Лекин бу материал тошдан бошқа нарса ҳам булиши мумкин эди;

г — модели ўзида баъзи мулоҳазали қарама-қарши фикрлар түгдиради: юқоридаги плита кучли бўлса, ингичка ромчали тиргович бир томондан кўриниши мумкин. У кишида муайян қизиқиш уйготади. Аммо бизда узокдан курадиган, уни текширадиган визиуал ахборот йўқлиги сабабли конкрет материаллар ҳақида, конструкция тўгрисида гап юритишимиз мумкин эмас.

Бу қандай плита, тош, темир-бетон ёки ёғоч эканлигини билмасдан, бу тирговичлар ҳақида жўяли гап айттолмаймиз.

Унинг тектоник аҳамияти, психологик жиҳатини, ҳажм, фазовий тузилиши структурасини қабул қила олмаймиз;

д — моделининг тузилиши ўзида бошқача таассурот түғидариди. Енгил ва яхши юкланган тирговичларда плита эмас, буш «коробка» ни сезамиз. Бу шакл орқали реал материал ҳам ўз хусусиятини яққол намоён этиб туради, яъни у монолит темир-бетон бўлиши мумкин.

Агар бир енгил нарвонни фараз қилсак ва унинг тепа қисмини ойнавандли тасавур этсак, ҳаёлимизга булоқ олдида қад ростлаган қаҳвахона келади. Бу моделдаги муносабатлар, яъни бушлиқ билан ҳажм муносабати, айни вақтда, тектоника билан ҳажм — бўшлиқ структура тузилиши туфайли юзага келади.

Энди биз е — моделини куриб чиқамиз, у енгил панжарасимон темир конструкцияга эгадир. Шунга монанд чизма график усулда чизилган.

ж — моделида ҳам ахборот ундан кам эмас, биз шуни сезамизки бу мураккаб бўшлиқ система металл конструкция асосида тузилган. ХБС — муносабати тектоникаси утқир чегарали булиб чиқади.

д — модели Ж — моделига бирмунча ухшаш, лекин биринчисида бўшлиқ девори ичи коваклиги билан блокни бекитиб куйган, тиргович эса ингичкалашиб кетган. Шуни айтиш керакки, бу пайтда иллюминаторнинг периметрга чиқувчи ингичка сиртқи куринишининг чети ортиқча эмас. Енгил қутисимон ҳажми ХБС билан тектоника муносабатини кўп шакллар билан ифодалаш мумкин ва ҳар қайсиси ўзининг ХБСга тектоник боғлиқлигини курсатади.


Шуни монолит темир бетонли З — модельда ҳам куриш мумкин. Лекин бошқача бўшлиқда ХБС билан тектоник боғланиш миқёсининг (масштаб) шаклига ҳам боғлиқ. Реал обьектлар дунёсида меъмор — қурувчи, конструктор ҳам доим тектоника билан ХБС нинг муаммосига дуч келади. Чунки факат реал ашёлар — металл, пластмасса, гишт, ёғоч, бетон ва уларнинг конструкциялари тектоникани яққол сезишга олиб келади.

Бундан — материалларнинг бўшлиққа муносабатидан тектоник таърифнома келиб чиқади. Ҳажм — бўшлиқ түгрисида таассурот беради. Ҳаддан ташқари чамалаб олинган оддий конструкция, айниқса очиқ структурали ҳар хил саноат иншоотлари ўзининг нафосатли куринишини ошкора намойиш қила олмайди. Конструкцияни пухта ишлаш керак. Унга эътибор берилмаса, тектоника кучини йўқотади. Ундан келиб чиқадиган эстетик маънони ҳам йўқотади.

Муҳандислик конструкциясини ижро этиш жуда муҳим масъулияти иш. Шу билан бирга, тектоника орқали амалга оширилган иш ҳажм бирлиги системаси ижросини кўрсатади.

Бу ерда биз улуг француз архитектори ва инженерининг сўзини эслайлик. Огюст Перренинг фикрича, архитектура бу тиргович нуқталарининг куйлаш санъатидир. У ҳақли равища шундай ҳисобларди. Агар меъмор конструкция асоси, шаклини аниқ кўрсата олмаса, ўз вазифасини ёмон бажарган, деб ҳисобланади.

Бу гал факат архитектурага тааллукли бўлмай, балки санъат эстетикаси маъносида ҳам катта аҳамиятга эгадир. Агар қурилишда тиргович нуқталари безаклар билан вобаста бўлиб кўринса, унинг бадиий-нафосатининг қиммати янада ошади. Ҳозирги вақтда бадиий мукаммал тасвирий санъат билан архитектура орасидаги масофа тобора узоклашиб бормоқда.



13- расм. Композиция категориялари

Бунинг сабаби мөмнилдикда миллийлик, фан-техника ютуқла-  
ри, яшаш шароити ва иқлимини инъикос этмайдиган санъат  
безакларидангина фойдаланиш зарурлигидадир.

Шуни айтиш керакки, бундай безак тарзи мұмтоз мөмнил-  
лигимизга ҳеч қандай соя солмайди. Бу сингари қурилишларда  
хозирги күн талаби асосий йұналиш бўлиб, ҲБС билан  
тектоника орасида янгича мұносабатни келтириб чиқаради.

13-расмда (1-ҳолат) шундай лойиха кўрсатилган. Қарама-  
карши йұналишдаги бутун пўстлоқли бу бино, унча катта  
бўлмаган бежирим темир-бетондан ишланган. Кўпроқ тортил-  
ган томони орасидаги катта ўтказгич тешиклар билан шипи  
қопланган. Лангарни штанга конструкцияси пўлат сигарага  
ўхшашиб қилиб кўрсатади. Бу труба стержендан иборат бўлиб,  
пўлат арқон уни мустаҳкам тортиб туради. Катта оралиқ  
масофа учун оғирлик кам бўлиши, тектоникани янгича  
характерлаб беради. У ерда катта бўшлиқ ортиб қолади ва бу  
кўп экспонатли катта қурилишларни эслатади.

Бу қурилиш иншоотларининг устиворлиги нимада, ундаги  
техникадами ёки архитектуравий тафаккурнинг кучидами?  
Хажм ва бўшлиқ мұносабатларининг мутаносиблиги архите-  
ктура ечимининг сўзсиз ютуғи ҳисобланади. Лекин тектоник  
жихатдан олганда техниканинг юқори савияда эканлиги  
сезилиб турибди. Бу лойиха бошқаларидан шу билан фарқ  
қилгани учун ҳам қадр топиб, бизда ва куплаб чет зл  
журналларида босилиб чиқди. Шундан сўнг бу ютуқлар  
ўзимизда ва хорижда амалиётда кўлланилди.

Архитектура билан техникавий ифоданинг боғлиқлиги  
курилишнинг келажагини белгилаб беради. Техника архите-  
ктурага эски анъаналар юкини енгиллаштиришда яхши ёрдам  
беради. Бу фикрни ўз вақтида машҳур совет архитекторларидан  
ака-ука Веснинлар, А. К. Буров ва бошқалар ҳам айтишган.  
Бу ҳолда инженер маҳоратига келсак, у дизайнер дастгоҳли  
санъат эстетикаси мутахассис рассоми билан ҳамкорликда  
ишлайди ва ўз асари тектоникасини аниқлади. ҲБС шакли ва  
ички тузилиши синонимик тушунчалар бўлиб келяпти. Қури-  
лиш ёки порткрани, одимловчи экскаватор ва бошқа мұ-  
хандислик конструкциялари техника билан бинокорлик ораси-  
даги боғлиқлик ифодаси бўлиб, у ҳар хил тирговичли электр  
курилмалари билан бирга ингичка тирговичли саноат қури-  
лишлари структураларига киради. Бу ерда янги техника ва  
дизайнчилик фикрлари олға сурилади. Шунда замонавий  
тектоника ва ҲБС металл сарфи жуда мұхим бўлиб қолади.

## Мөмнилдикда композиция таркиби

Шириң ҳаёл суриш билан ҳаёт жараёни — ҳақиқат ёки  
воқелик ўтрасида бир-бири учун заарларни зиддият йўқ. Ҳаёл  
сурувчи киши ҳаёт сирларини чуқур англаш учун интилар экан.

воқеликни ўз мәйнавий олами билан таққослайди. Бу фақат баландпарвоз фикрлашдан иборат жараён бұлмай, балки фантазия учун әхтиёждир. Агарда инсон бундай хаёл суришдан маҳрум бўлса, унинг учун орзу зерикарли бўлса, бу ҳолда у ижодий жараён синовларидан ўтолмайди. Дехқон ерга уруг сочар экан, у аввало яхши ҳосил олиш ниятида хаёл суради, сўнг ишонч билан ишга киришади. Олган ҳосили одамларга фойда келтиришини, манзур ва тансик бўлишини орзу қиласди. Архитекторлар — меъморлар эса яратган биноларини инсонлар учун ҳар жиҳатдан қулай, чироили бўлишини кўзда тутиб иш бошлайдилар, бунинг учун бош қотириб хаёл сурадилар.

Деярли ҳар бир инсон ижод жараёнида меҳнат маҳсули мазмунли ҳажмда баркамол бўлишини, мукаммал маъно касб этишини орзу қиласди. Демак, табиат ато қилган орзу деган инъом инсонларнинг ҳаммалари учун илҳом манбаидир. Биз бугунги кунда, ўтмишга назар солар эканмиз, аждодларимиз ижоди маҳсулидан мамнун бўламиз. Борди-ю, келажак ҳақида хаёл сурар эканмиз, ҳали қанчадан-қанча муаммолар ётганини кўриб, уларни бартараф қилиш хусусида яна хаёлга толамиз. Меъморчилик — ҳозирги куннинг долзарб ва энг муҳим муаммоларидан биридир. Маълумки, уй-жойга бўлган талабнинг ортиб бориши, меъморларимизни бироз шошириб қўйди. Натижада иқлим-шароитини, миллый анъаналарни ҳисобга олмаган ҳолда, «кутича усули» қўлланаверди. Оқибатда бирбирига икки томчи сув каби ўхшаш шаҳарлар пайдо бўлди.

Ваҳоланки, уй-жой қуришда миллый анъаналарни янгича услугуб билан омухта этиб, миллый меъморлик мактабини бойитиш керак эди. Миллый шаклдаги уй-жойлар ҳозирги замон талабидан келиб чиқиб лойиҳалаштирилиши керак. Чунки ҳар бир қурилган янги турар-жой, шакли шамойили билан кишиларга ўз таъсирини ўтказади — инсонларни табиатга, атроф-мухитга муносабатини, миллый урф-одатларга меҳр-муносабатини белгилайди, «янгича» фикр юритишга ундайди. Миллый хусусиятларга ва анъаналарга содиклик меъморлик санъатининг муҳим хислатидир. Демак ижодий тафаккур тарзимиз яшаш тарзимиз каби ўзига ҳосдир. Шундай экан, бизнинг ижодимиз маҳсули бўлмиш уйларимиз бир жилдаги «кути»лардан иборат бўлмаслиги керак. Чунки миллый анъаналаримиз тарихий обидаларда, ҳамда эскича турар-жойларимизнинг қурилиш услубида аниқ намоён бўлиб турибди. Меъморчилигимизнинг баъзи бир ашёвий далиллари бизни уйга толдирса, фикрлашга даъват этса ҳам уларни қайтадан янгилаб халққа бериш учун, ҳозирча етарли даражада бош қотираётганимиз йўқ. Биз, шулар ҳақида — миллый анъаналаримиз билан замонавий уй-жойларимиз қиёфасининг үйғунлиги тўғрисида тасаввур қилиб курайлик. «Санъатда табиий ҳодисалардаги чексиз турланишлардан ташқари ижтимоий қонуниятлар ҳам акс этади. Санъатда воқеалар, ҳодиса-

ларнинг турланишидан кўра улардаги маъно кўлами асосий ҳал қилувчи омил ҳисобланади». . — деган эди В. Самохин (Совет Ўзбекистони санъати. 1988 йил 12-сон, 3-бет). Кишилар дунёқараши, диди, савияси ва билими — борлиқни англаш қобилияти ҳамда ижодий жараён кун сайин такомиллашмас экан, ривожланиш ҳам тұхтайди. Демак, маданият савияси ҳам саёзлашиб, композициялар мавзуи, маъноси юзакилашиб бораверади. Ҳозирги кун меъморчилигидан биз шуни аниқ биламизки, архитектурамизнинг умумий йўналиши аниқ ҳал этилмаган. Ҳатто, шаҳримизнинг энг мақтовга сазовор мавзелари ҳам ўз архитектура ечимиға эга эмас. Жумладан, Навоий театри майдонини мисол қилиб олайлик, ўртача қоматини ёйиб турган Навоий театри биноси, услугуб жиҳатидан миллый. Унинг қаршисидаги Тошкент меҳмонхонаси анча замонавий услугуда қурилган. Бино қурилишида миллийликка ҳам катта зътибор берилган. Улар ақа-уқадек бўлиб, майдоннинг кўркига кўрк қушиб туришибди. Аммо Республика касаба уюшмаси биноси ва Марказий универсал магазини ансамбл яхлитлигини бузиб кўрсатади. Биз, Марказий универмаг сифатсиз, ёмон қурилган демоқчи эмасмиз, аксинча, у ўз жойини топмаган, холос. Яъни меъмор атрофдаги биноларни лойиҳалаш пайтида майдон кўринишини мутлақо ҳисобга олмаган. Бундай ҳолларни «Чорсу», «Бешёгоч» майдонида ва бошқа жойларда ҳам кўриш мумкин. Ҳар қандай ижодкор «санъат асари»ни ёки турар-жой ва маъмурий бино лойиҳасини яратар экан, у албатта атроф-муҳитни, майдон сатҳини, унинг томоша нуқтасини, бинонинг баландлигини, умумий кўринишларини ҳисобга олмоги даркор.

Меъмор ҳар бир бино лойиҳасини атроф-муҳитни ҳисобга олмаган ҳолда яратса, у қанчалик мукаммал ва «ягона» бўлмасин ён атрофдаги салбий ёки ижобий таъсирдан ўз қийматини йўқотади.

Архитектура ўз тузилиши ва шакли жиҳатидан, ён-атрофга жило бериши, кўрк бўлиб туриши лозим. Бундай талабга жавоб берадиган қурилишлар, бинолар ҳозирча Тошкентимизда бироз камроқ эканлиги маълум. Бу — композиция қонун-қоидаларига тўлиқ риоя қиласлик ёки қуриладиган бино учун комплекс лойиҳаларини маслаҳат билан ҳал қилинмаганлик-нинг оқибатидир.

Миллый услугуб ва унинг анъаналарига мурожаат қилган ҳолда лойиҳалар яратмоқчи бўлсак, бу чогда аввало услугуб талабидан келиб чиқишимиз лозим. Демак, имаратни лойиҳалаш давридаёқ, унинг қаерга қурилиши, сатҳининг юзаси аввалидан маълум бўлиши зарур. Бунда барча ишлар, нақш, безаклар ҳам айнан талабга жавобан кўлланиши мумкин. Лойиҳа яна ҳам равон, замонавий бўлиши учун унга мос ганч, ўймакорлик ёки нақш безакларини илгаритдан мулжаллаш


мақсадга мувофиқдир. Лойиха услубининг бундай аниклиги Навоий номидаги театр биносининг шакл, сатҳ ва бўшликия нисбатан тектоник шаклларида яққол кўринади. Театр биноси ни лойихалаш жараёнида, унга нақш чизиш, ганч-ўймакорлик безаклари қилиш ҳисобга олинган. Марказий универмаг биноси эса европа услубида лойихалаштирилган ва курилган. Битгандан сўнг, орадан анча фурсат ўтгач, универмагга нақш чизиш фикри туғилди ва унинг тепа наво қисми нақш билан безалди.

Ганч-ўймакорлик, миллий нақшлар иморатнинг маъно ва шакл хусусиятини бузиб юборади, демокчи эмасмиз, албатта. Аммо, марказий универмагга ишланган миллий услубдаги ганч нақшлар иморат сатҳига нисбатан учналик бадиий нафосатли қиймат касб этмагандек туюлади. Бунинг асосий сабабларидан бири, лойихалаш пайтида унга нақш бериш ҳисобга олинмаганидадир. Иккинчидан, атроф-деворлар сатҳи юзасининг бир қисми ойнаванд бўлганлиги безакнинг яхши кўринишига монеълик қиласди. Учинчидан, ички томонидан ташқарига, яъни ёруғ тушадиган томонга қаралса нақшлар гўзаллигини ҳис этишимиз бирмунча қийинлашади, чунки улар нурга қарама-қарши бўлганлиги учун қоронгилашиб, хира кўринади.


Ёргуликка қарши қўйилган барча бошқа предметлар ҳам кўзга умумлашган, равон бўлмаган ҳолда кўринади. Бундай вазиятда ҳар қандай асарнинг қиймати тўлиқ намоён бўлмайди.

### Композицияда ритмнинг аҳамияти


Композициянинг тасвирий ифодаси мавзу танлаш давридаёқ юзага келиши мумкин. Сизга берилган сатҳ (масалан девор) нинг ўлчовига қараб хаёлингизда бўлажак композициянинг ритмик жиҳатини, мавзусини ахтарасиз, аниқроғи шу девор сатҳини марказ қилиб, бирор нарса ёки одам тасвирини акс эттиришни мулжаллайсиз. Бу, ўз-ўзидан оддий тартиб қоидага риоя қилиш орқали келиб чиқадиган деворий тасвир композициясига тегишли иш эканлигини унутманг.




1



2



3



4

- 14-расм. 1- Айлана ичига жойлашган саккиз бурчакли геометрик ҳажмнинг асоси ягона марказга эга  
 2- иккита квадрат бўлаги чизиклар билан ажратилса, ҳажмнинг умумий структураси бузилади  
 3- чизиклар ҳажмлар марказига нисбатан бир маромда тақсимланса умумийлик структураси тикланади  
 4- структуранинг булиниши

1. Квадрат шаклини ташкил қилган девор сатҳига ана шу сатҳ ўлчовидан чиқмаган ҳолда композиция ахтарасиз.

2. Агар девор сатҳи тузилиши узундан-узоқ бўлса, унда бундай сатҳ учун албатта ритмга боғлиқ бўлган чизик ва тасвиirlар мўлжаллайсиз. Бундай узун девор композицияси битта бўлмаслиги ҳам мумкин. Чунки, бундай кўринишга эга (узун) композиция сатҳ тузилишига кўра ўша шароитдан келиб чиқиб воқеани ўртадан ўнг ёки сўл томонларга тарақкий эттиришимизга имкон беради.

3. Ваҳоланки, ихтиёр сизда экан, композиция таъсирчан чиқиши учун, унинг таянч нуқтасини ахтариб барча имкониятларингизни ишга соласиз. Қай бир услуб бундай композиция шаклланишида қулай бўлиши устида бош қотирасиз. Агарда ўйланган композициянгиз асосий таркиби — симметрияга ҳам, ассиметрияга ҳам тўғри келмаса, сиз яна бундай композиция негизидан бири булган ритмга мурожаат қиласиз. Амалий санъат қадим-қадимдан қулланиб келинган ҳар хил миллий рақслар: тановар, роҳат, муножот; бадиий каштчилик буюмларидан: палак, дорпеч, кирпеч, гиламлар, меъморчилик безаклари, нақшлари ритм асоси қилиб олиниши мумкин. Композиция шаклидаги симметрия эса девор сатҳига teng жойлашиб кўзингизга аниқ ташланса, ритмик тасвиirda сиз уни ҳаракатла-наётган ҳолда, давом этаётгандек кўрасиз. Композицияйи таркибга кўра, ҳаракат масофа оралиги (интервал) орқали оҳиста тасвиirlанса тамом бўлмайдиган, давом этадиган кўриниш касб этиши мумкин. Бундай ҳолда тасвиir шартли равицда тамомланади.

Үй безаги ҳисобланган палак нақшлари асосидаги композицияни асосан ритмдан иборат тасвиirlар десак ҳам янгишмаймиз. Аммо, тасвирий санъатнинг барча соҳаларида ҳам ритм асосий, ҳал этувчи вазифани бажаравермайди. Айрим композициялар воқелигига ритм ўзининг асосий бадииятли таъсирини кўрсатади. Вазн (ритм) композициянинг қонуний бир бўлаги бўлиши билан бир қаторда асар диапозонининг кенглигини белгилаши билан ҳам рассом ижодида катта ўрин тутади. Ранг тасвир асарларида ранглар муносабати уйғулаштирилиши катта аҳамият касб этса, ўймакорликдаги ритм асар савиасини худди шундай ошириб кўрсатади. Композиция яратишда ритм тартибсиз предмет ёки тасвирий чизиқларни умумий андозага солиб қолмай, балки уларни томошабинларга яхлит, ботартиб бўлиб кўринишида катта аҳамият касб этади.

Агар тасвирга ритмик ҳолатлардан қай бирини қўлласак, ҳаракатчан ёки суст динамик, статик бўлиши мумкин? Агар тасвирий чизиқларни ҳаракатчан давом эттирилса, у ҳолда бу ритм ифодаси чексиз йўналиш ҳосил этади ва шу услубга мансуб бўлиб қолади. Бордию, тасвир чизиқлари оҳангдорлиги узилиб қолса, ёки айрим-айрим шакллардан иборат бўлса, бу тасвиirlар оралигига тұхталиш (пауза) бўлса, у суст ритмли усулуга мансубдир. Бу услуб шаклларини ёлгиз, алоҳида ҳолда ҳам қўллаш мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, томошабин томонидан бундай ритм шакллари бир лаҳзада ёки узоқ муддат давомида қабул қилиниши ҳам катта аҳамиятга зга. Бу ҳолларда рассомнинг тасвирини қандай шароитда кўришни мўлжаллагани, тасвир ифодаси, ҳажми ва унинг чизиқларини тезкор, нозик ёки суст тасвирлагани ҳакида фикр юритиш мумкин. Суст оҳангдаги чизиқларга ҳаракат тасвирий воситаларини кўллаб, уларнинг акс этиш ўринини белгилаш, турини ўзлаштириш, бошқа услубга алмаштириш ҳам мумкин. Табиат томонидан, ақл аралашувисиз яралган табиий борлиқ, тафаккур, сезги, дид ва фаросатга «янги ижодий топилмадек» хизмат қилиши мумкин. Ҳар бир ижодкор вөҗеликни ўз шахсияти, тафаккури билан эътиборга молик томонларини синчилаб кузатади ва шу идроклаб билган буюмларига «янгича маъно» ифода багишлийди. Ана шу, муайян табиий шаклни бошқа бир ижодкор яна бошқа композиция учун бутунлай «янги» қирраларини топиб шакллантириши ҳам мумкин. Шунинг учун табиат яратган воқелик устида чуқур ўлаш, фикр юритиш, сиёсий, фалсафий талқинлар топиш, табиат ёрдамида зеҳнни ўткирлаб сайқаллаш зарур. Ижодкорнинг асосий вазифасини — мавжуд воқеликни ақл кўзгусидан ўтказиб, бадиий талқин этишдир. Ижодкор азалдан шундай вазифани адо этиб келган. Ўтмиш маданиятимиз соҳиблари бўлган санъаткорларнинг яратган буюмлари кўлга олинса, вужудда қандайдир кувонч, кўтаринки кайфият сезилади. Чунки шу буюмларга аждодлар

томонидан тасвирий тафаккур рухи сингдирилган, гүзәл, бадий, нафосатли сайқал берилган.

## Композициянинг бошлангич жараёни ва мавзу танлаш

Кўз билан кўрган нарсаларнинг тасвирини қоғозга тушириш билан композиция чиқавермайди. Буюмлар тасвирини ишлаш жараёнида яратилаётган образ орқали ифода маъносини санъат асари даражасига етказиш лозим. Бу — рассомнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Ҳар қандай соҳани тушунишда ўз қонун-қоидалари бўлганидек, тасвир композициясининг ҳам муайян талаблари мавжуд. Сиз қандай буюм тасвирини чизманг, уни қоғоз сатҳида чиройли таъсирили чиқиши учун ҳаракат қилишингиз керак. Уч-тўртта предметнинг тасвирини ягона сатҳга «жойлаб» чизиш учун, аввало уларни тасвирлашнинг қулай ҳолатини ахтарасиз. Уларнинг бир-бирлари билан муносабатларини белгилашда, қулай вазият яратишда композиция қоидалари энг яхши кўмакдош бўлади. Аникроги улар масалани очишида ҳал қилувчи воситалардир. Тасвирга ижодий ёндошиш — пала-партиш иш тутмаслик, аниқ мақсад сари интилиш, «яратмоқчи» яъни тасвирланмоқчи бўлган предметларни санъат талабига жавоб бера оладиган даражага кўтаришдир.

Табиат фалсафаси каби, композиция ҳам чуқур илмий ўрганиладиган жараёндир. Буюмлар, предметларни тасвирга кўчириш — фақат уларни ўзаро жойлаш ва муносабатга киритиш эмас, балки предметларга бутунлай янгича ифода — образ бағишлишдир. Бунда кўз билан кўриб турган предметларнинг сонига эмас, бадий сифатига қараб уларнинг тасвирий хусусиятларини, имкониятларини куриш, аниқлаш зарур бўлади. Кейин тасвирий услуб танланади. Кўпинча бирор предмет шаклини кўрганимизда дикқатимиз шу нарсанинг турган жойига ҳам жалб бўлади. Гоҳо, шундай вазият ҳам бўладики, предметни ўраб турган нарсалар, унинг шаклини алоҳида кўришга тўскىнлик ҳам қиласидилар. Бу ҳолда, албатта, композиция буюмларнинг янгиша шаклланишига олиб келади. Натижада изланиш самараси шу композиция бўлиб қолади. Топилган янги тасвирий шакл бошқа композиция учун мутлақо асос бўла олмаслиги мумкин. Бундан хулоса шуки, рассом олдига қўйилган мақсад — предметлар тасвирий шаклини бошқаларидан ажратиб, яратмоқчи бўлган композициясининг ажралмас бир муҳим бўлаги даражасига кўтариб кўрсатишга интилади.

Композиция бу — сатҳда предметларни ўзаро жойлаштиришдангина иборат бўлмай, балки, оддий предметларни бадий тарзда ифодалаб санъат даражасига олиб чиқиб бера оладиган, унда мазмун ва мақсад, фалсафий қирралар шакллантирадиган

омилдир. Биз қуйидаги мисоллар орқали уни татбик, тақриз ва таҳлил қиласыз:

Тасвирий санъат асари ишланаётганда рассом <sup>үз</sup> ~~олдиға~~ бирон-бир фикрни ифода этишни мақсад қилиб күяди. аниқрори, тасвир «номини» ва шу номга мувофиқ предметларни ва жойни танлайды. Ҳамма асарда ҳам мавзуу ифодасига қараб ечим актарилади. Шунинг учун ҳам, ҳар қандай мавзунинг <sup>үз</sup> номига мувофиқ композиция ечимини топишга интиламиз. Шоир ҳам шеър ёзар экан, мавзусига ёрни, табиатни обьект қилиб олади. Сүз эса ифода воситаси бўлади. Худди шундай тасвирий ижодда ҳам аввало обьект танлаш, яъни қандай тасвирии асос қилиб олиш керак деган савол, мусаввир олдида кўндаланг бўлиб туради. Бу саволга эса топилган композиция ечими жавоб беради.

Масалан, бизга тасвирий композиция учун «болалар боғчаси» обьекти берилди дейлик. Богчадаги машгулотлар, тарбиячиларнинг бу ерда тутган ўрни, иш жараёнлари ҳамма-ҳаммаси айнан шу композиция учун мавзуу бўлиб хизмат қиласи. Болалар маскани мисол қилиб олингани ва шу мавзуда илк бор машгулот олиб боришнинг боиси шундаки, у содда, ҳамда мураккаб композициялар яратишда бизга қулай имконият бериси мумкин. Унинг осонлиги шундаки, кўпчилигимиз ёшлиқ давримизни болалар боғчасида ўтказганмиз ва ўша даврдаги таассуротларни элаш бизга катта ўгит бўлади. Мураккаблиги шундаки, ёшлигимиз ўтган боғчага бугун болаларимизни, укаларимизни, қолаверса, невара-чевараларни злтиб кўяр эканмиз, бу даргоҳга ҳаёт янгиликлари, ўзгаришлар кириб келганлигидан хабардор бўламиш. Бу ўзгаришлар бизни яна ҳам кенгрок фалсафий фикрлашга даъват этади.

Умуман, бу мавзуни ёритишда кундалик ҳаётдаги иштиро-кимиз, боғча ҳаётига озгина бўлса ҳам алоқадорлигимиз мавзуу учун яхши ўйналиш беради.

Ёшлидаги таассуротлар киши онгига қаттиқ мухрланиб қолади. Ёшлигимизда бизга жуда мураккаб бўлиб туюлган баъзи бир воқеалар, ходисалар улгайгандан сўнг содда эканига ҳам дарров тушунамиз. Худди ана шу осон воқеалар ҳақида фикр-зикримизни тасвирга кўчириб, композиция воситаси орқали машқ қиласыз. Бу билан композиция қонунлари айнан болаларни тасвирлаш орқали юзага чиқарилсин, деган фикр келмаслиги керак. Ҳар бир инсон <sup>ўз</sup> ақл-фаросатига қараб фикр юритади. Шунинг учун ҳам ҳар хил тасаввурга эга кишилар онгига пайдо бўлган композицияларнинг ифодалари ҳам хилма-хил бўлиши табиийдир. Бу ҳолда берилган мисолларни сиз шартли равищда қабул қилиб, <sup>ўз</sup> фикрингизни композиция жараёнида ривож топтирасиз. Юқоридаги келтирилган мисол мулоҳаза юритиш учун бир-бир турткидир. Ушбу расм композициясида эса учта бола ўйинчоқ ўйнаётган ҳолда тасвирланган. Композиция жуда оддий воқелик асосида

яратилган. Унда бөгча мавзусининг фақат бир бўлаги ёритилган холос. Бу соҳадаги кўплаб муаммолар маъноси тасвирда акс эттирилмаган. Бундай композиция аслида томошабинда яхши таассурот қолдирмайди ва у узоқ вақт эсда сақланмайди. Чунки, композиция бөгчадаги қизиқарли кескин воқеаларни эмас, фақат бир оддий кўринишни эслатади, яъни бөгчадаги замонавий муаммолар воқеа ҳодисалар унда мукаммал акс этмаган. Шу композициянинг иккинчи вариантини олиб қарасак, у биринчи вариантга нисбатан анча мустақил фикр ифода этганининг гувоҳи бўламиз. Аммо унда ҳам айрим тасвирий камчиликлар бор. Иккинчи вариантдаги композиция умуман олганда бадиият оламида яшашга ҳуқуки бордек кўринади. Аслида бундай қаноат ҳосил қилиш ижод жараёнини содда ва юзаки баҳолашга олиб келади. Талабалардан композициянинг устида қанчалик кўпроқ ишлаш талаб этилса, уларни фикр доираси ҳам шунчалик кенгаяди, воқеликка чуқурроқ ёндошиш кўнікмалари ҳосил бўлади. Маълумки, яратилган ҳар бир композиция муайян воқеликни намоён қиласи.

Композициянинг учинчи нусхаси аввалги иккала нусхасига нисбатан тамоман бошқача ҳал этилган. Унинг асоси диагонал бўйлаб давом этади. Бу вариант нусхасининг афзаллиги шундаки, унда бөгча болаларининг ўйин жараёнидаги воқелик содда, анча қизиқарли, айни пайтда равон услугуб билан тасвирланган. Тарбиячи опа эса композициянинг ифода марказини эгаллаб, унинг таянч нуқтаси бўлиб турибди. Тарбиячи образида уз ифодасини топган она сиймоси эса рамзий маъно касб этганилиги сезилади. Аёл уз бағрига энг кичик фарзандни олиб, атрофдаги бошқа болаларни меҳр билан кузатиб ўтирган ҳолатда тасвирланган. Бундай композицияда алоҳидалик умумий яхлитликдан ажралмаган ҳолда тасвирланган. У шунинг учун томошабинга ижобий таъсир қиласи. Она сиймоси қуёш фонида берилганлиги классицизмни эслатсада, тасвир услуги тамомила замонавийлиги билан фарқ қиласи. Бу ерда қуёш тасвири она қалби каби иссиқ, меҳрибонлик рамзи янглиг намоён бўлган. Қуёш ҳамма ёққа бирдек нур таратса, она образи ҳам қуёш сингари, барча болаларга бирдек меҳрибонлик, қалб ҳарорати тафтини бера олади. Шунингдек, бекиёс ғамхўрлик тушунчаси, бадиий юксак рух тасвир орқали ифодаланган. Композициянинг диагонал бўйлаб ҳаракати томошабиннинг тасвир сатҳи марказига бўлган эътиборини яна ҳам оширади.

## «Севастополни ҳимоя қилиш» асарининг яратилиши

Денейканинг «Севастополь мудофааси» асарига чизган биринчи чизгилари, хомаки асар композицияси учун асос бўлди. Денейка, композицияни аввал фикрда пишитиб, сўнгра бир варакайига матога кучирганлигини ва шу мато сатҳида унга

күшімча деталлар кириганини таъкидлайды. Чунки у асарларини мияда обдон пишишиб, сұнг унинг композициясини иш жараённанда янада пухталар экан. «Севастополь мудофааси» монументал асари композициясингенде асосий нусхаси жуда таъсирчан чиққан. Иккі квадрат ҳажмдан, узунасига озгина каттароқ сатхға зәға бу композиция воқеалари диагонал бўйлаб ифодаланади. Аммо кесишган иккі диагонал марказининг чап қисмини эгаллаган оқ кийимдаги матроснинг қомати, асарда таянч нүкта сифатида бамисоли композиция марказий қисмидаги персонажлар «огирлиги»га қарши қўйилган тароз палласининг тоши сингари мувозанатни сақловчи восита бўлиб хизмат қилади.

Композицияни кузатар эканмиз, у кўз олдимиизга мудҳиш урушнинг фожиали кунларини келтиради. Уруш оқибатида, тинч яшаб турган, беташвиш инсонлар бошига «қора кун»лар, азоб-уқубатлар тушади. Картинанинг биринчи планида, ўнг томонида «ер тишлиб» ётган фашистнинг гавдаси тасвирланган. Фашист гавдасининг образи ўз нияти сингари қора либосда тасвирланган. Асар марказидаги оқ кийимли денгизчи, худди картина сатхини ёриб кетаётгандек, мағрур, улкан ва шижнатли қилиб ифодаланган. Рассом ана шу умумлашма қиёфа орқали ватан ҳимоячиларини босқинчилардан анча устун эканлигини курсатган. Матросларнинг оқ кийимлари эса уларнинг тинчлик мақсадида ўз бурчларини денгизда адо этаётгандар, урушга алоқалари йўқлигини ифода этади. Муваффолигини йўқотган осмон замбараклар ўқидан қип-қизил қонга бўялгандек кўринади. Ёнаётган уйлардан бурқсиб чиқаётган тутиналар тузи эса босқинчи газандалар либосларига ҳамоҳангдек туюлади. Асарнинг ранглари содир бўлаётган воқеликда катта ифода воситаси сифатида хизмат қилган.

Денейка ранглардан усталик билан фойдаланган. Чунки, бундай тўйинган, бир-биридан кескин фарқ қилувчи ранглар тасвирни бўрттириб кўрсатади, асар таъсир кучини яна ҳам оширади. Ранглар ўқ зарбидан синган мармар пиллапояларни, харобага айланган уйларни томошабин кўзи олдида яна ҳам яққол ва таъсирчан намоён этади.

Асарнинг қоқ марказига жойлашган денгизчи-жангчи тасвири ҳам эътиборни тортади. У душман ўқидан шикастланди. Қуролини маҳкам ушлаган ҳолда олга томон интилиш чорасини ахтараётир. Аммо мажоли етмаётгани сезилиб турибди. Бу асар ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Чунки тасвирий санъат асари композицияси тарихий воқеа, кечаги кунимиз ҳақида бизга сўзлаб бераётгандек, хаёлан бизни ўтмишга олиб кетаётгандек бўлади.

А. Денейка композиция ҳақида шундай дейди: «Композиция кўп қонун қоидалардан иборат бўлишига қарамай, менимча, муҳими шундаки санъат асари турмушдаги тасодифий воқеаларга қараганда ҳаётни чуқурроқ, яхлитроқ мазмунан ишонарлироқ акс эттиради».

Хозирги кунда композиция сўзини кўпчилик билади, аммо унинг қанчалик чуқур маъно акс эттиришига, шу соҳада ижод қиласидаган санъаткор ва рассомларгина тушуниб этади.

### Композицияда унсурлар тенглиги

Унсурлар (элементлар) — мураккаб бир бутунликнинг таркиби қисмидир. Ёлгиз ҳолда тугал ифода англатмаса ҳам, бошқа қасмларга қўшилиб, улар иштирокида бир бутун «вужуд»ни ташкил этади. Композицияни синтез қиласидаган нарса — шаклнинг ҳар томонлами (гармоник) бутунлигидир. У бутунлар таркибидаги тенглик эса қисмлар шаклида акс этади. Лекин унсурларнинг гармоник уйгунилиги, тенглиги бу — конструктив боғланишининг механик усули эмас, балки конструкциянинг мантиқан тасвирий хуносасидир.

Бундай тенглик асосида доимо композициянинг объектив қонунияти ёки мавжуд қоидалари ётади. Уларни четлаб ўтиш яхлит шаклнинг бузилишига олиб келади. Композиция ташкилий қисмининг бирлиги, асосий унсурлар тенглиги йўқолса, бундай бутунлик, зарур натижани бермайди. Архитектурада унсурлар тенглиги ва уларга фазо муносабати муҳим нисбат боғлиқлигига эга бўлиб, ранглар тақсимоти орқали ҳам ҳосил бўлади. Агар тасвирий асарни ташкил қилаётган рангни йўқка чиқарсан, унсурларнинг тенглиги ҳам, композицияни боғлайдиган бутунлик ҳам йўқолади. Тор жойга курилган кичик бино ўлчами, шакл тузилиши билан катта, кўп қаватли бинолар остида айнан шу биноларнинг ташкилий қисми сифатида композиция бирлигига хизмат қилмайди. Шунинг учун бундай кичик қурилмаларнинг асл ўрнини топа билиш катта аҳамиятга эга.

Агар оғир ва қупол бинолар нозик ҳошия билан безатилса, ҳошиялар тенглиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Чунки нозик ҳошия, катта сатҳ билан ҳисоблаша олмайди. Унсурларнинг ён атрофдаги «қўшнилари» билан тенгликка эришиши безакларнинг келиб чиқиш шаклига, ифодасига ва мазмунига ҳам боғлиқдир.

Шакл унсурларининг тенглиги ўзаро аниқ боғланишда намоён бўлади. Бир элементнинг тарх чизиги аниқ ривожлана бориб, иккинчи чизиқда давом этади. Бу ерда асосий шаклларнинг илдиз тармоқлари бўлса ёки бир шаклдан иккинчи шаклга ранглар орқали боғланса, шу жойда ўзгаришлар содир бўлиши учун ҳеч қандай тасодифий нарсаларнинг таъсир кучи булмайди.

Тенглик йуриги шуни англатадики, унсурларнинг шаклланиш тартиби визуал системага боғлиқдир.

### Композиция ва мувозанат турғунлиги

Композицияда муҳим омиллардан бири шакллар мувозана-тидир. Уларнинг унсурлари бир-бири билан муайян боғла-

нишли мувозанатда булади. Композиция мувозанати ўлчамлар тенглигига боғлиқ эмас. Композициянинг қай даражада акс этиши кўпинча унинг марказига боғлиқдир.

Юки оғир предметлар юқорида, марказда жойлашган бўлса, бу ҳол тургунлиги учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Баъзан тиргович ва масса орасидаги муносабат бизни ўзига қаратади, фикримизни жалб этади. Масалан, мушоҳада этиладиган ҳажм битта бўлса-ю, уни иккита тиргович ушлаб турса бу — дарров ҳаммага аён бўлади ва композицияда оғиш нуқталари тўгри келмайди. Чунки композиция мувозанати «яширин боғлиқлик» қонуниятидан, тасаввуридан келиб чиқади.

Рангларнинг физик мувозанати ҳам, шаклий ўзгаришга олиб келади. Меъморликда физик марказнинг композиция маркази билан тўгри келмаслиги кўп учрайди. Композиция тургунлиги мутаносиб (симметрик) шаклларда булади. Айни чоғда, мутаносиблик композициянинг тургунлик даражасига кафиллик ҳам бера олмайди. Бутун ва қисман бўлса-да номутаносиблик ва миқёсга эга бўлмаслик мутаносиб тургунликни бузиши мумкин. Қалтис масалаларни ҳал этишда ички ҳислар, сезигрлик, тасвирий санъат анъаналарини қўлламай туриб бирор аниқ натижага эришиб булмайди. Санъат оламида шундай ҳоллар ҳам учрайди, у ерда композиция тургунликнинг энг ноёб асоси, намунаси бўлиб қолиши мумкин.

Лойиҳаловчининг вазифаси, предмет шаклланишининг физик тургунлик мувозанатини ечиб кўрсатишдан иборатдир. Чунки предметлар учун композициявий бутунлик катта аҳамиятга эга. Физик тургунлик конструкцияни мустаҳкамлашда ҳам яхши воситалардан бири бўлиб, у ҳисоб-китоблар асосида аниқланади.

### Ҳайкалтарошлиқда композициянинг таянч нуқтаси

Санъат тарихи жуда кўплаб ажойиб ҳайкалларни билади. Лекин улар ичida Карл Миллесникига ўхшагани кам учрайди. Унинг ҳайкаллари жуда ихчам — тагликка ва табиий шароит талабига тўлиқ жавоб беради. Айниқса, уларда одам гавдаси кескин ҳаракатда акс эттирилган бўлиб, тагида ёрдамчи тиргович йўқ. Одам ҳайкалида ўнг оёқ кўпроқ олдинга ҳаракат қиласиди. Ҳайкалдаги барча ҳаракат белгилари бир-бирига ниҳоятда боғланган ҳолда тасвирланган, ўнг оёқда турган ҳайкалнинг мувозанатига қараб туриб, гўё у бир зумдан сўнг қулаг тушади деб ўйлаймиз. Бу вазиятдаги композиция, яъни динамик ҳаракат ўткирлиги, бу санъат асарини бошқа ҳайкаллардан ажратиб туради. Бундай нозик мувозанатни акс эттирувчи асарлар кам учрайди.

Бу асарда ҳайкалтарош таянч нуқтасини ўнг оёқка бўрган ва у олдинга узатилган чап оёқ ҳаракатига мос юқорига ва ўнгга бурилган қўлларни тарозу паллалари сингари мувозанат қидираётгандек тасвирлаган. Бу ҳолда ён томондан ёрдамчи тиргович ва бошқа воситалар ишлатилганда эди, ҳайкал ўзига хослигини йўқотиб, ҳаракатини тухтатиб қўярди.

Динамик мувозанат ҳайкалтарош яратыётган образ учун катта аҳамиятта эга. Тикланган қомат ва унинг ҳаракати, ҳатто фаввора ҳайкал тузилишида катта аҳамият касб этади, сувнинг ҳаракати қадди-қомат динамик ҳаракатининг таъсир кучини яна ҳам оширади. Бу сувнинг тинимсиз ҳаракатига жуда мос тушади.

Композицияда мустақиллик булиши керак. Агар ҳайкал бош қисми тепага күтарилса, (I ҳолат) композициянинг ритмик динамикаси бутунлай ўзгариб кетади. Албатта, фавворанинг ҳаракатсиз ҳолати учун бу ўзгариш унча сезиларли бўлмаса ҳам, аммо сув ҳаракатига күтарилган калла бирмунча тўскинилк қилишини сезиш мумкин. Бундай ўзгариш ҳаракатидаги қомат талаб даражасидан ортиқ кескинлашув ҳолатини яратади. Бу сингари ўзгариш, шубҳасиз, Миллес услуби билан ишланган ҳайкалдан тубдан фарқ қиласди.

Ҳайкални таҳлил қилишда шундай фикрга келиш мумкинки, ҳайкалтарош лирик режа асосида фикр юритиб, фаввора композицияси учун энг мувофиқ келувчи шакл топади. Композиция қомат, яъни тепага лира шакли билан күтарилган оёқ мувозанатини топиш асосида яратилган. Күтарилган қўл билан оёқнинг горизонтал кесишуви, қоматнинг умумий кўриниши билан боғланниб, уни томошабин эътиборига яна ҳам кўпроқ жалб этади. Бундай шароитда қоматни олдинга ёки орқага силжитиш вертикал таянч кучини бузган бўлур эди.

Шартли чизиқда тахминан ҳайкалнинг асосий ҳолатини ёки чап оёқни ўзгартириш, (II ҳолат) композициянинг мувозанатига таъсир этади. Бу ерда зих чизиқ билан шарпа (силузт) катта аҳамиятта эга. Зих чизиқларининг фаол ҳаракати қомат умумий кўриниши, композициядаги ўткир динамик ҳаракатни пайдо қиласди. Пастки оёқ ҳаракати ва күтарилган қўл ҳолати эса ритмик қадамдир. Санъатдаги ифода қонунлари, ҳайкалтарошлиқда умумий кўриниш масса билан муносабат мазмунига таъсир этади. Композициявий тургунлик талаблари ва шу композиция мазмуний ифодаси шакл талабларидан, унинг маъно кўламидан келиб чиқади.


Гап шундаки, қоматнинг енгил ҳаракати, таглик тирговичи билан қаттик боғланган, ҳаракат теэлиги қоматнинг тагкурсига бир оёқ орқали маҳкамлаган. Шуниси мухимки, қомат кўриниши ҳаракатдан далолат бериши керак. Гавда ҳолатини ўзгартириш ва таянч нуқтасини бошқа томонга олиш топилган вазият конструкциясини ўзгартириб юборади. Таянч нуқтасини четга бироз сурилишида ҳам шу ҳол содир бўлади.

Биз, тургунлик ва мувозанат қонунлари қандай вужудга келишини гавданинг (III ҳолати) таҳлилидан куриб чиқамиз. Барча вазиятлардаги сунъий узлаштириш чизиқларини, асосий қомат композицияси ҳолатига таққослаб кўрилади, унинг салбий ёки ижобий воситалари чукур анализ қилинади.

## Композициянинг сифати ва хусусияти


Композицияси яхши топилган бирор архитектура ансамблини олайлик. У композициянинг объектив қонун-қоидаларига тўлиқ жавоб бериш билан бирга, унинг сифат хусусиятларини ҳам ифодалайди. Сифат хусусияти ҳамма жанр учун албатта энг зарур жиҳатдир. Агарда, шакл ўз хусусиятини йўқотса, у ҳолда ички унсурлар мослиги ҳам йўқолади. Тезкорлик, сустлик, тўхташ ёки интилиш доимо қарама-карши хусусиятларга эга бўлади. Масалан, тезкорлик композицияси шакллари мароми, бошқа маъно англатувчи композицияларга қарандা кескин фарқ қиласди. Айниқса, унсурларнинг сифати ва хусусиятлари ва бошқа нозик томонлари ўзгача бўлади.

Шаклнинг бир бутунлиги



15-расм. Шаклнинг бир бутунлиги

Сүстлик — эса ўз маъносига кура, қўпинча, ҳайкалта-рошлик санъатида, ёлғиз ҳайкал яратишида зарур бўлади. Кўпгина композиция хиллари ва сифатларини ўз ичига олади.



16- расм. Геометрик шакллар композицияси

Яхлит кўринишига-эга бўлган, яъни бутун шакл тушунчаси тасвирий санъат соҳасида биринчи бўлиб топилган. Улар учун истиора (метафора) тили айнан тўғри келади. Бадий конструкциялашда, лойиҳалашда санъат билан техника ўртасида турувчи шакл бутунлиги санъатда мантиқан такрорга олиб келади. Энг яхши биноларнинг безакларини таҳлил қилиш шуни курсатадики, кўпгина яхши шаклдаги конструкциялар

унсурларининг бир-бирига боғланиши техник жиҳатдан эмас, бошқа унсурлар конструкциялари бирлигининг ўзаро уйғунлиги асосида амалга ошади. Масалан: умумий кўринишда бизга иморатнинг бутун шакли кўриниади, шу билан бирга бинонинг композицион услуги ва бўшлиқнинг гармоник бирлиги ҳам кузатилади.

Бутунлик композиция хусусиятлари орқали қайта тъкидланади. Бир-бирига боғлиқлик сабаб ва натижа туфайли амалга ошади. Натижа унсурларнинг қонуният орқали боғланишига олиб келади. Ҳар қандай композиция ҳам аниқ тузилма булиб шаклланиши мумкин. Унсурларнинг бир-бирига боғлиқлиги, бевосита ва иккинчи даражалига бўлинади.

Ҳар хил геометрик шакллар бутунлиги Я. Г. Чернихов фикрларича («эскимас китобида») «Конструкция турлари образи» қонуниятига қараб ҳар бири алоҳида бир воқеага айланади. а — е — жисмнинг жисмга киритилиши фақат цилиндрни ҳажмига эга бўлганлигини ва шунингдек, цилиндр ҳажми билан параллелепипед бирикканини кўрсатади.

б — д — жисмнинг киритилиши, бу фақат параллелепипедлардан ташкил бўлган.

г — ж жисмни жисмга ёпишиши.

е — бир жисмни иккинчи жисмдан ўтиб кетиши.

Бундай шаклдаги композицияларда Я. Т. Чернихов ажойиб боғланиш воситасини топади. Шакллар тузилишига муносабат оддий шаклларни бирлаштириш, гоҳида бир-бирига қарамлик орқали бўлса ҳам бутунлик ҳосил қилиш билан амалга оширилади. Техник объектлар баъзан композиция чиройидан маҳрум бўлади. Улар бир-бирига анчайин уланиб кўйилади. Уларни ажратганда эса, бирор маъно англатиш қийин бўлади.

Намунада (моделда) кўрсатилган унсурнинг бири олиб ташланса боғлиқлик йўқолиб, бутунлиги бузилади. Шартли нусхани таҳлил қиласайлик. Бўшлиқ тузилмасида композиция унсурларида қандай ўзгаришлар бўлаётганини кўриб чиқайлик.

а — г геометрик шакл ҳажм композицияси. А — модели учта — 1, 2, 3 фаол унсурлардан иборат булиб, кўшимча иккита композициявий иккинчи даражали 4 ва 5- моделлар яси супа ва баландликка эга бўлган умумий сатҳ билан уларни бир-бирига боғлиқлиги таъминланади.

А — моделидаги ўлчам таҳминий бўлганлиги аниқланади. 2- жисмнинг 2 ва 3- жисм билан боғлиқлиги тушунарли эмас. 2- жисм композициянинг умумий кўринишига ҳажм жиҳатидан катталил қиласади. Чуни 1—3—4- жисмлар жуда ҳам кисилган.

Б — вариянтда катта ўзгариш бўлмаса ҳам, у шакл бутунлиги туфайли катта аҳамиятга эга. 2- жисм ҳажми ки-чиклашган, шунинг учун биринчи жисмга қарамдек кўриниади.

Бу ерда бўшлиқ таъсири ортиб бориб, 1—3- жисм ўзини яққолроқ кўрсатади. Меъморлар ибораси бўйича у бемалол «нафас олади».

В — вариантида 3- жисм шакли бирмунча мураккаблаштирилган, бу эса 2- жисмнинг композицияйи таъсирчанлигини камайтирган. 2- жисм сикилиб, 1- жисмга ўхшаб қолган. Натижада 3- жисм зътиборни жалб қилган.


В — вариантда 2- жисм ижроси зиддир. Композиция бўйича у фикр ижросига интилса-да, 3- жисм билан рақобат қилади. 2-расм шакли мураккаблаштирилса, мақсадга мувофиқ бўларди. В — модели барibir бутунлик касб этмайди, умумий кўриниш даражасига эга бўлолмайди ва уни б — модели билан тенглаштириб бўлмайди. 3- жисм мукаммалликка эга булиши учун нима қилиш керак? Бу пайтда ҲБС — (ҳажм бўшлиқ структураси) қандай оқибатлар келтириб чиқариши мумкин? Бундай ҳолатда асосий композиция ижросини 2- жисмга юклаш лозим. Лекин бу биз ўйлагандек осон иш эмас. Унинг натижасида жуда катта ўзгаришлар келиб чиқади. Агар шахмат тили билан айтадиган бўлсан, гап мураккаб эндопил ҳақида боради. Композиция жараёни ҳақиқатан ҳам шундай. Энди 2- жисмни 3- жисм олдига олиб борамиз.

1-вариантни кўрайлик. Супа кўринишини ўзгартириб унинг туртиб чиқкан жойи — 2- жисм беркитилади. Шу билан унга зътибор кучайтирилади. У олдинга чиқиб, орқасидаги 3- жисмга ҳам зътиборни тортади. Шу билан композиция бошқарувни ўзига олгандек бўлади. Лекин шуни англаш керакки, у композицияда бош унсур булиши учун г — вариантидаги бошқа унсурлардан кўра кўзга кўпроқ ташланиши шарт.

Умумий кўринишини ташкил этиш жуда мураккаб. Бўшлиққа нисбатан бояганишларни шакллантириш эса ҳажм ўлчамларига боғлиқ. Бўшлиққа нисбатан бояганишларнинг мураккаблик даражасини композиция ифодасининг алоҳида элементи деб қараш мумкин. Композиция нуқтаи назаридан ифода воситаларини юзага чиқариш учун алоҳида куч сарфлашга тұгри келади.

Кўриб ўзлаштириш тезлиги, бўшлиққа нисбатан мантиқнинг равшанлиги, унсурларнинг фикран боғлиқлиги композициянинг ифодасида мухим аҳамият касб этади. Шуниси аниқки, мантиқан равшан бўлган фазога муносабат, айниқса мураккаб қурилиш тузилемаси фақат тасвирий усул белгиларидан эмас. Сатхни ўзлаштириш санъати бош манба бўлиб хизмат қилади. Шунга боғлиқ бўлган жараённи органик ўзлаштириш, ҳарататга боғлиқдир. Бир қанча тадқиқчилар, масалан, Б. Ф. Ломов, В. А. Ганзев, П. А. Кудин — композиция бирлигини бир зумлик ҳолат деб аташди. Бундан композиция таҳлил этишга дош бермади, деган хулоса келиб чиқади. Лекин бундай назарий қарашларни амалиётта кўллайдиган бўлсан, шубҳасиз катта йўқотиш булиши шубҳасиз. Гап шундаки, биринчи таассурот орқалигина композицияни бояглаш реакциясига олиб келиши мумкин. Биз бир қанча ахборотларни ишлаб чиқиб,

сүнгра унга баҳо берамиз. Лекин тажриба шуни күрсатадики, бир қарашда зарб этилган шакллар, тасвиirlар, чизиклар ювилганды үхшаган таассурот беради. Бундан ташқари қандай күриниш композициянинг үзига ҳам bogлиқ. Буни юқоридаги текширувчилар ҳам ҳисобга олишмайди. Бундай ахборот бадий асарнинг мураккаблик даражасини ва шаклининг кўпгина жиҳатларини объектив аниқлашга имкон бермайди.



17-расм. А — Тұргунлик вазиятидаги квадратларда үклар диоганаl йұналишдаги бурчак учларига қаралады.

Б — Тұртбурчак ичидә тасвирланған мураккаб шакл тасвиirlни белгилөчі ички ва сыртқы күрсаткичлар ҳаракаты мосланади ва у ижобий ҳамда салбий маъноларни беради.

Чунки шакл кўп унсурлардан иборат бўлса ва мураккаб тузилишига эга бўлса, тезда олинадиган ахборот унчалик аниқ бўлмайди. Яхши тайёргарликка, зийракликка эга бўлган одам ҳам композицияга бир зумда бутунича баҳо бера олмайди. Чунки мия бир зумда композициянинг мураккаб томонларини ишлаб чиқиб баҳолашга қодир эмас. Бу ерда, шаклнинг мутаносиб (гармоник) етуклиги жуда катта аҳамиятга эга. Агар биз қабул қилмоқчи бўлган обьект бутунлиги — яхлит күринини мутлақо йўқотса, бу ҳолда композиция активлигини лойиҳага нисбатан ҳам йўқотган ҳисобланади. Шаклининг уйғун тузилиши шундайки, унинг хатоларини фақат дикқат билан кузатгандагина, таҳлил этгандагина аниқлаш мумкин.

## Симметрия

Симметрия — бу композиция ҳолатини аниқ күрсатадиган энг ёрқин хусусиятлардан биридир. Бу хусусият — шаклланиш ҳолатини, яъни ташкилий жараённи күрсатади. Машҳур

математиклардан бири Генрих Бейль симметрияning математик қонунларини чуқур үрганиб чиқди.

Симметрияни очган киши шаклни гармоник уйгунлаштириш йўлини онгли равищда топган. Симметрия ривожланишнинг узок йўлини босиб утган. Масалан, уйгониш давридаги асарларда ҳам симметрияning роли сақланиб қолган. Қадимги мусулмон архитектураси учун эса симметрия композициялаш хусусиятини бермайди. Шу боис кўпчилик масжид, ҳоноқодаги безак, нақшлар шакли табиат билан bogланиб кетади.

Табиатда ассимметрия ва симметрия шакллари кўп учрайди. Г. Бейль айтганидек «Кузгу симметриясининг геометрик тушунчаси вазнлик ҳолатида гира-шира бўлиб қолади», (уйгунлашув тушунчасига мувоғик). Симметрия кузгусимон, ўқсимон ва х.к. бўлиши мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, лойихалашда ҳам, тасвирий санъатда ҳам учраб турадиган симметрия муаммолари бизда ҳали етарлича таҳлил қилинмаган. Булар тез орада мақбул ечимини топади деган умид бор. Санъатшунос олимларимиз бу соҳада илмий-назарий ишлар қиласидилар деган умиддамиз.

Биз композиция муаммоларининг айримларига мисоллар келтиридик. Ҳали бу борада ҳам қилинадиган, аниқланадиган, ўз ечимини кутиб ётган ишлар кўп. Қобилиятли ёш олимларимиз бу масалага кўпроқ мурожаат қиласалар яна ҳам яхши бўларди.

## МУНДАРИЖА

Кириш . . . . .	3
Композиция нима? . . . . .	8

### I БОБ

#### ТАСВИРИЙ САНЪАТ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Композиция мезонин . . . . .	19
Композиция ва санъатдаги оқимлар . . . . .	22
Абстракционизм . . . . .	23
Чизикларнинг тасвирий маъноси . . . . .	27
Тасвирий кўра билмish . . . . .	36
Тасвирий ифода ва унинг юзадаги талқини . . . . .	41
Тасвир юзаси нима? . . . . .	43
Ранг ва унинг тасвирий ифодаси . . . . .	46
Қобилият ва меҳнат . . . . .	48
Анъана ва миллий услугуб . . . . .	50

### II БОБ

#### АМАЛИЙ САНЪАТНИНГ КОМПОЗИЦИЯ ТУРЛАРИ

Расм ва архитектура . . . . .	59
Меъморчиликда геометрик шакллар композицияси . . . . .	60
Ҳайкалтарошлиқ тасвирий санъат ва меъморлик ансамблининг таркибий бирлиги . . . . .	61
Ансамбл . . . . .	62
Меъморчиликда композиция . . . . .	66
Ҳажим, бўшлиқ ва фазо . . . . .	71
Меъморчиликда композиция таркиби . . . . .	78
Композицияда ритмнинг аҳамияти . . . . .	81
Композициянинг бошлангич жарёёни ва маизу танлаш . . . . .	82
Композицияда унсурлар тенглиги . . . . .	86
Композиция ва мувозават тургунилми . . . . .	88
Ҳайкалтарошлиқда композициянинг таянч нуқтаси . . . . .	89
Композициянинг сифати ва хусусиятлари . . . . .	90
Шаклнинг бир бутунилми . . . . .	91